

МАМАСИДДИҚОВ М.М.

**Ўзбекистон Республикасининг
Фуқаролик процессуал ҳуқуқи**

**Амалий машғулот мавзулари, Масалалар тўплами, Тест саволлари,
якуний назорат саволлари**

Тошкент Давлат юридик институтининг ўқув-услубий кенгашининг -сонли қарорига кўра нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлари доктори, профессор Ш.Ш.Шораҳметов

Тақризчилар: Юридик фанлари доктори, профессор Икром Бекинович Зокиров -ТДЮИ “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедрасининг мудири
Юридик фанлари номзоди, доцент Э.Э.Эгамбердиев – Ўзбекистон Миллий Университети “Хуқуқшунослик” факультети декани муовини

Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон
Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи.
Ўқув-услубий қўлланма. Проф.
Ш.Ш.Шораҳметов тахрири остида. Тошкент, -
2005. – 190. б.

Мазкур ўқув-услубий қўлланмада “Фуқаролик процессуал ҳуқуқ” ўқув курсига тегишли бўлган ва ўқув курсидаги барча мавзуларни ўзида қамраб олган масалалар тўплами ва 500 дан ортиқ тест саволлари берилган. Шунингдек, олий ўқув юрти талабалари учун “Фуқаролик процессуал ҳуқуқ” ўқув курсига тегишли бўлган амалий машғулот мавзулари, якуний назоратнинг тахминий саволлари ҳам мазкур ўқув-услубий қўлланмада ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанини ўрганиш бўйича ёзилган мазкур ўқув-услубий қўлланма профессор-ўқитувчилар томонидан ўқитишининг интерактив усулларидан кенг миқёсда фойдаланган ҳолда амалий машғулотларни қизиқарли ва самарали ўтказишга ёрдам беради. Мазкур қўлланмада берилган тест саволлари ҳамда масалалар тўпламини бажариш орқали ҳар қандай талаба ўқув курси бўйича ўз билимларини синааб кўради ва шу орқали ўқув курси бўйича олган билимларини янада мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма нафақат талабалар учун, балки фуқаролик ишлари бўйича судларнинг судьялари, прокуратура ходимлари, адвокатлар ва шунингдек кенг китобхонлар оммаси учун ҳам мўлжалланган.

**1-МАВЗУ. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ ФАНИНИНГ
ТУШУНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ ВА ТИЗИМИ**

(Умумий қисм)

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси қачон қабул қилинган?

- а) 1995 йил 21 декабр;
- б) 1996 йил 29 август;
- в) 1997 йил 30 август;
- г) 1997 йил 29 август.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси қачондан бошлаб амалга киритилган?

- а) 1997 йил 30 август;
- б) 1997 йил 1 январдан;
- в) 1998 йил 1 январдан;
- г) 1999 йил 1 январ.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартиришилар киритиш ва қўшимчалар киритиш тўгрисидаги қонуни қачон қабул қилинган?

- а) 2000 йил 25 май;
- б) 1999 йил 30 май;
- в) 2000 йил 14 декабр;
- г) 2000 йил 30 август.

4. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Судлар тўгрисида»ги қонуни қачон қабул қилинган?

- а) 1993 йил 2 сентябр;
- б) 1997 йил 30 август;
- в) 2000 йил 14 август;
- г) 2000 йил 14 декабр.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси судлар тизимини такомиллаштириш тўгрисида”ги Фармони қачон эълон қилинган?

- а) 2001 йил 29 сентябр; в) 2000 йил 29 сентябр;
- б) 2000 йил 14 август; г) 2001 йил 24 май.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси судлар тизимини таомиллаштириш тўгрисида”ги Фармонига асосан, суд тизимида амалга оширилган муҳим ўзгаришни аниqlанг?

- а) суд ишларининг кўрилишида прокурор иштироки чекланди;
- б) биринчи инстанция судларида ишлар судьянинг якка ўзи томонидан кўрилиши белгиланган;
- в) судларда ундириладиган давлат божларининг миқдори оширилди;
- г) умумий юрисдикция судлари негизида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича судлар ташкил қилинди.

7. ”Фуқаролик процесси” тушунчаси қайси жавобда тўғри берилган?

- а) фуқаролик процесси деб, қонун билан белгиланган тартибда фуқаролик ишларини кўришга айтилади;
- б) фуқаролик процесси деб, суд қарорларини ижро этиш билан боғлиқ фаолиятга айтилади;
- в) фуқаролик процесси деб, қонун билан белиланган тартибда фуқаролик ишларини кўриш, ҳал қилиш ва суд қарорларини ижро этиш билан боғлиқ фаолиятга айтилади;
- г) фуқаролик процесси деб, фуқаролик процессуал кодексида кўрсатилган қонун қоидаларини суд жараёнида тадбиқ қилишга айтилади.

8. Фуқаролик процессуал хукуқи тизими деганда нимани тушунасиз?

- а) бошқа хукуқ соҳалари билан ўзининг алоқадорлигини;
- б) бу хукуқ доирасига оид бўлган хукукий нормаларни;
- в) бу хукуқ соҳасига тегишли нормаларини маълум тартибдалигини;
- г) *а ва б* жавоблар тўғри.

9. Фуқаролик процессуал хукуқи манбаларини қайси норматив актлар ташкил қиласи?

- а) шу хукуқ соҳасига оид бўлган норматив актлар;
- б) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- в) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фуқаролик суд ишларини юритишга оид бўлган қонунлар ва норматив актлар;
- г) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Олий суд Пленум қарорлари.

10. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи бўйича суд ишларини юритишнинг турлари қайси жавобда тўғри берилган?

- а) даъволи ишлар, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар, айрим тоифадаги фуқаролик ишларини юритиш;
- б) даъволи ишлар, давлат органлари, бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар бўйича иш юритиш, алоҳида тартибда иш юритиш;
- в) даъволи ишлар, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги ишлар, мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят бўйича иш юритиш;
- г) низоли ишлар, давлат органлари, бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар бўйича иш юритиш, низосиз ишлар.

11. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг асосий вазифаси кўрсатинг?

- а) фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш;
- б) қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш;
- в) демократияни ва ижтимоий адолатни таъминлаш;
- г) барча жавоблар тўғри.

12. Қўйидагилардан қайси бири фуқаролик процессининг босқичи сифатида эътироф этилмайди?

- а) фуқаролик ишларини кўзғатиш;
- б) фуқаролик ишларини судда кўришга тайинлаш;
- в) ишни суд мажлисида кўриш ва ҳал қилиш;
- г) суднинг қарорларини ижро этиш.

13. Қўйидагиларнинг қайси бири фуқаролик процессуал ҳуқуқининг манбаси ҳисобланмайди?

- а) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- б) Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни;
- в) Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди Пленумларининг қарорлари;
- г) Вазирликлар томонидан чиқарилган ҳуқуқий меъёрий хужжатлар.

14. Низоли муносабатни тартибга соладиган қонун бўлмаган тақдирда, суд шунга ўхшаши муносабатни тартибга соладиган қонунни татбиқ этади, борди-ю, бундай қонун ҳам бўлмаса, ...

- а) халқаро ҳуқук меъёрларига таянади;
- б) Республика қонун ҳужжатларининг умумий асослари ва маъносига таянади;
- в) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг умумий асослари ва маъносига таянади;
- г) барча жавоблар тўғри.

15. Иш юритишни тўхтатиб туриши, аризани кўрмасдан қолдириши, иш юритишни тугатиши билан боғлиқ боблар ФПКнинг қайси бўлимida берилган?

- а) “Умумий қоидалар” деб номланувчи биринчи бўлимда;
- б) “Биринчи инстанция судида иш юритиш” деб номланган иккинчи бўлимда;
- в) “Суд қарорлари устидан шикоят бериш ва уларни қайта кўриш” деб номланган учинчи бўлимда;
- г) “Суд қарорларининг ижроси” деб номланган тўртинчи бўлимда.

16. Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари қайси жавобда нотўғри берилган?

- а) қонунийлик ва ҳуқук-тартиботни мустаҳкамлашга қўмаклашиш;
- б) демократия, ижтимоий адолат, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга қўмаклашиш;
- в) фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиши ва ҳал этиши;
- г) суд чиқарган ҳал қилув қарорларининг ижросини қийинлашиши ва бажариб бўлмаслигининг олдини олиш.

17. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи-бу...

- а) суд тизимининг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқук соҳаси;
- б) фуқаролик ишини кўриш ва ҳал қилиш бўйича процесс иштирокчиларининг фаолияти;
- в) фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш борасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ва суд қарорларининг ижро этилишини тартибини белгилайдиган ҳуқуқий нормаларнинг мажмуи;
- г) суд қарорларининг ижро этилиш тартибини белгилайдиган ҳуқуқ меъёрларининг тизими.

18. Фуқаролик процессуал ҳукуқининг манбаи бўлиб, ...

- а) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари;
- б) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;
- в) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари;
- г) суд ҳал қилув қарорлари.

2-МАВЗУ. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИННИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ

1-масала

Хайитметова уйдан кўчириш ҳақида Есеновга нисбатан судга даъво билан мурожаат қилган.

Суд даъвони рад қилган.

Апелляция инстанцияси суди 2002 йил 19 апрелдаги ўз ажрими билан ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсати 2002 йил 22 июндаги қарори билан мазкур фуқаролик ишини 2000 йил 23 августда вилоят суди раёсатида кўришда қатнашиб раислик этган судья, шу ишни 2002 йил 19 апрелда апелляция тартибида кўрилишида ҳам қатнашганлигини кўрсатиб, апелляция инстанцияси суди ажримини бекор қилиб, ишни янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юборган.

Савол: Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсатининг 2002 йил 22 июндаги қарори қонунийми?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг асосий тамойиллари деганда нимани тушунасиз?

- а) қонун нормаларида ифодаланмаган ғоявий асослар тушунилади;
- б) қонун ва норматив актларда белгилаб қўйилган қоидалар тушунилади;
- в) фуқаролик процессуал ҳуқуқига оид бўлган нормаларда ифодаланган раҳбарий қоидалар тушунилади;
- г) Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган қоидалар тушунилади.

2. Миллий тил тамойилининг можияти нимадан иборат?

- а) фуқаролик ишларини маҳаллий тил асосида судьялар томонидан кўрилиши;
- б) фуқаролик ишларини ўзбек тилида ва аҳолисини кўпчилигини ташкил қилган тилда кўрилишидан;
- в) ишларни бошқа тилда кўрилишидан;
- г) ўзбек тилига “Давлат тили” мақоми берилиши.

3. Коллегиаллик тамойили деганда нимани тушунасиз?

- а) ишларни судья ва иккита халқ маслаҳатчилари томонидан кўрилиши тушунилади;
- б) ишларни якка судьянинг ўзи томонидан кўрилиши тушунилади;

в) ишларни З та судьядан иборат составда кўрилиши тушуnilади;
 г) ишларни биринчи инстанция судларида якка судья томонидан, юқори инстанцияларда эса бир неча судьялар таркибида кўрилиши тушуnilади.

4. Суд тузилиши ҳамда суд ишларини юритишга оид умумий тамойилларга қуйидаги қайси тамойиллар мансуб эмас?

- а) судда иш кўришнинг ошкоралиги;
- б) тортишувчилик тамойили;
- в) суд ишларининг миллий тилда юритилиши;
- г) фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги.

5. Қуйидаги тамойиллардан қайси бири суд тузилиши ва суд ишларини юритишга оид умумий тамойилга мансуб?

- а) қонунийлик;
- б) одил судловни сайланган (тайинланган) судьялар томонидан амалга оширилиши;
- в) суд ҳимоясидан фойдаланиш имкониятининг таъминланиши;
- г) ишда иштирок этувчи шахсларнинг тенг ҳуқуқлииги.

6. Қуйидаги қайси тамойил фақат суд ишларини юритишга хос эмас?

- а) ишларнинг амалдаги қонунлар асосида ҳал қилиниши;
- б) ишнинг оғзаки кўрилиши;
- в) суда иш кўришнинг ошкоралиги;
- г) иш кўришнинг бевоситалиги.

7. Қуйидаги тамойиллардан қайси бири фақат суд ишларини юритишга хос тамойилларга мансуб?

- а) судда иш кўришнинг ошкоралиги;
- б) суд ишларининг миллий тилда юритилиши;
- в) судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниши;
- г) тортишувчилик тамойили.

8. Фуқаролик ишини апелляция ва кассация тартибида кўриш фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида...

- а) уч нафар судьядан иборат таркибида амалга оширилади;
- б) тўрт нафар судьядан иборат таркибида амалга оширилади;
- в) беш нафар судьядан иборат таркибида амалга оширилади;

г) аъзоларнинг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда амалга оширилади.

9. Ишни қўриш жараёнида судья алмашибилган тақдирда...

- а) иш бошқа судга ўтказилади;
- б) ишни қўриб чиқиш шу босқичдан давом эттирилади;
- в) иш бошидан қайта қўрилиши керак;
- г) тўғри жавоб йўқ.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяси этиб сайланишининг муҳим талабларидан бирини аниқланг?

- а) ҳуқук ихтиссоси бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлиш;
- б) ҳуқук ихтиссоси бўйича камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлиш;
- в) ҳуқук ихтиссоси бўйича камида олти йиллик меҳнат стажига эга бўлиш;
- г) ҳуқук ихтиссоси бўйича камида етти йиллик меҳнат стажига эга бўлиш.

11. «Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим»лиги тўғрисидаги фикр Президент И.А.Каримовнинг қўйидаги қайси асарида берилган?

- а) «Ўзбекистон XXI аср интилмоқда»;
- б) «Адолат-қонун устуворлигига»;
- в) «Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари»;
- г) «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли».

12. Кўйидаги қайси ҳолларда иш суднинг ёпиқ мажлисида қўрилиши талаб этилмайди?

- а) агар суд мажлисида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этаётган бўлса;
- б) давлат ёки тижорат сирларини сақлашни таъминлаш талаб этилганда;
- в) ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаётига таааллуқли маълумотлар ошкор бўлишига йўл қўймаслик мақсадида;
- г) фарзандликка олиш сири ва ёзишмалар сири сақланишини таъминлаш мақсадида.

З-МАВЗУ. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар-бу...

- а) фуқаролик ишларининг судда кўрилиши ва ҳал қилинишида қонунда белгиланган ҳолларда суд ва бошқа органлар қарорларининг ижро қилинишида иштирок этувчилар ўртасида бўладиган ижтимоий муносабатлардан иборат;
- б) фуқаролик суд ишларини юритишнинг қонун билан тартибга солиниши;
- в) фуқаролик суд ишларини юритишнинг қонун билан тартибга солинадиган шакли;
- г) тарафлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни қонун билан тартибга солиниши.

2. Фуқаролик процессида асосий ҳуқуқий муносабатлар кимлар ўртасида юз беради?

- а) суд ва учинчи шахслар ўртасида;
- б) суд билан даъволи ишлар бўйича тарафлар, давлат органлари, бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-харакатлари устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш юзасидан шикоятчилар, алоҳида тартибда қўриладиган ишлар бўйича аризалар билан;
- в) суд ва иш юзасидан фикр берувчи прокурор ўртасида;
- г) даъвогар ва жавобгар ўртасида.

3. Ишда иштирок этувчи шахслар маркибига кирувчи шахсларни кўрсатинг?

- а) гувоҳлар;
- б) суд қарорларини мажбурий ижро қилиш жараёнидаги мулкни сақловчи шахслар;
- в) ҳимоячи;
- г) қонуний вакиллар.

4. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари сифатида қўйидагилардан қайси бири эътироф этилади?

- а) суд чақиравига кўра етиб келиш;
- б) суд томонидан талаб қилинган ҳужжатларни тақдим қилиш;
- в) процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланиш;
- г) ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг важларига қарши эътиrozлар билдириш.

5. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг мажбурияятларини кўрсатинг?

- а) четлатиш тўғрисида арз билдириш;
- б) процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланиш;
- в) суд ҳал қилув қарорлари устидан шикоят билдириш;
- г) иш материаллари билан танишиш

6. Одил судловни амалга оширишга қўмаклашувчи шахслар қайси жавобда белгиланган?

- а) прокурор;
- б) таржимон;
- в) учинчи шахслар;
- г) вакиллар.

7. Умумий қоидага қўра, фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқати қачондан бошлиб вужудга келади?

- а) моддий ҳуқуқ бўйича ҳуқуқ лаёқати вужудга келиши билан;
- б) 14 ёшдан;
- в) 16 ёшдан;
- г) 18 ёшдан.

8. Фуқаролик процессининг мажбурий субъект ким?

- а) тарафлар;
- б) суд;
- в) ишда иштирок этувчи шахслар;
- г) прокурор.

9. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг таркиби қайси жавобда тўғри берилган?

- а) тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, прокурор ва давлат бошқаруви органлари;
- б) тарафлар, учинчи шаслар, уларнинг вакиллари, ишнинг якунидан манфаатдор бўлган шахс, гувоҳ ва эксперталар;
- в) тарафлар, учинчи шахслар, прокурор, таржимон, мутахассис ва холислар;
- г) тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, прокурор, давлат бошқаруви органлари, гувоҳлари, эксперт, таржимон, мутахассис ва холислар.

4-МАВЗУ. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ТАРАФЛАР РЕЖА

1. Фуқаролик процессида тарафлар тушунчаси. Тарафларнинг процессуал ҳуқуқ ва бурчлари.
2. Фуқаролик процессида биргаликда иштирок этиш. Иштирокчиликнинг мақсади, асослари ва иштирокчиликнинг турлари. Иштирокчиларнинг процессдаги ҳуқуқ ва бурчлари.
3. Ишга дахлдор ва ишга дахлдор бўлмаган тарафлар тушунчаси. Ишга дахлдор бўлмаган тарафларни алмаштириш тартиби ва оқибати. Даҳлдор бўлмаган тарафни алмаштиришдан келиб чиқадиган оқибатлар.
4. Процессуал ҳуқуқий ворислик, (процессуал ҳуқуқни қабул қилиш тушунчаси ва асослари). Ҳуқуқий ворислик қилувчининг процессга кириш тартиби ва унинг ҳуқуқий ҳолати.

1-масала

Мирзамуротов ҳадя шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида Мирзаевга нисбатан судга даъво билан мурожаат қилган.

Суднинг ажрими билан тарафларнинг келишув битими тасдиқланиб, иш юритиш ФПКнинг 100-моддасига асосан тутатилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати иш юзасидан чиқарилган суднинг ажримини бекор қилиб, ишни янгидан биринчи инстанция судида кўриш учун юборган.

Тарафлар ўртасида тузилган келишув битими шартига биноан, жавобгар Мирзаев ўзига тегишли бўлган Искандаров кўчаси, 179-йни даъвогар Мирзамуротовга 2 йил муддатга вақтинча яшаш учун бериши, Мирзамуротов эса бунинг эвазига даъводан воз кечиши кўрсатилган.

Иш ҳужжатларига қараганда, Искандаров кўчаси 179-й жавобгар Мирзаевнинг опаси Каримова номига расмийлаштирилган.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хатолики аниқланг?**
- 2) Мазкур масаладаги фуқаролик ишида иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳолатини аниқланг ва низоли иш қандай ҳал этилиши лозим?**

2-масала

М. Жиззах вилояти Халқ банки бошқармасига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ундириб бериш ҳақида судга даъво билан мурожаат қилган.

Суд *M.* нинг даъвосини қаноатлантирган.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган.

Вилоят суди раёсатининг қарори билан апелляция инстанцияси ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2002 йил 15 февралда вилоят суди раёсати қарорини бекор қилиб, апелляция инстанцияси судининг ажримини ўз кучида қолдирди.

Аниқланишича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 декабрда 474-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки уставининг 29-бандида банкнинг ҳудудий бошқармалари ва бўлинмалари раҳбарлари Республика Давлат-тижорат Халқ банки бошқаруви томонидан тайинланиши кўрсатилган.

Савол:

1) Биринчи инстанция суди ва вилоят суди раёсати томонидан қандай камчиликларга йўл қўйилган?

2) Мазкур низоли иш қандай ҳал этилиши лозим?

З-масала

C. судга даъво билан мурожаат қилиб, *K.*, *D.* ва *M.* лар нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан, ўзига тегишли бўлган уйини бўшатмаётганликларини кўрсатиб, уларни оила аъзолари билан уйдан кўчиришни сўраган.

K., *L.* ва *M.* лар даъвони тан олмасдан, судга қарши даъво билан мурожаат этиб, уйнинг олди-сотди шартномасини расмийлаштириш тартиби бузилганлигини, сотувчининг вакили *G.* келишилган пул суммасини олиш шартларига риоя қилмаганлиги оқибатида хукуқлари бузилганлигини кўрсатиб, низоли уйнинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраганлар.

Суд *C.* нинг даъво талабини қаноатлантириб, *K.*, *L.* ва *M.* ларни оила аъзолари билан низоли уйдан бошқа туар-жой бермасдан кўчириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарган. *K.*, *L.*, *M.* ларнинг қарши даъво талабларини рад қилган.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билаи иш бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, *C.* нинг даъво талаби рад қилинган. Қарши даъво талаблари қаноатлантирилиб, *K.* ва *C.* ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш

тўғрисида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Олий суд Раёсати 2002 йил 30 апрелда назорат инстанцияси суди ажримининг янги ҳал қилув қарори қабул қилишга оид қисмини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборди.

Олий суд Раёсати ўз қарорини қарши даъво аризаси бўйича олди-сотди шартномасини тасдиқлаган нотариус *A.* ни жавобгар сифатида ишга жалб қилмаганлиги билан асослайди. Шунингдек, олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги қарши даъво бўйича *M.* мулкдор бўлмаган шахс эканлиги аниқланган.

Савол:

- 1) Олий суд Раёсатининг қарори асослими?**
- 2) Масала қандай ҳал этилиши лозим?**

4-масала

C. мерос мулкка нисбатан ворислик ҳуқуқини белгилаш, *A.*ни уйдан кўчириш ҳақида судга даъво билан мурожаат қилган.

Суд даъвони қаноатлантирган ва **C.** га нисбатан мерос мулкка нисбатан ворислик ҳуқуқини белгилаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Вилоят судининг ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2002 йил 5 июлда суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборди.

Аниқланишича, мерос қолдирувчининг **C.** дан ташқари уч нафар фарзандлари бўлиб, улар Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига кўра, қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислар ҳисобланганлар.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция суди ва вилоят суди томонидан қандай камчиликка йўл қўйилган?**

2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги "Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида"ги қарорида мазкур масала юзасидан қандай тушуниришлар берилади.

5-масала

Г.Содиқова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 1989 йилда В.Содиқов билан никоҳ тузиб бирга яшаб келганликларини, никоҳ давомида А.Қодирий кўчасидаги 4-уйни биргаликда қуришганлигини, 1999 йилда никоҳдан ажрашиб хозирда икки нафар фарзандлари билан ота-онасининг уйида яшаётганлигини кўрсатиб, мазкур уйни эр-

хотиннинг умумий мулки деб топиб, ўзига тегишли улушни ажратиб беришни сўраган.

Суд ажрими билан низоли уй-жой даъвогарнинг қайнотаси Н. Содиқов номида бўлганлиги ва даъво аризада жавобгар сифатида В. Содиқов кўрсатилганлигини асос қилиб аризани кўрмасдан қолдирган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсати қуидаги асосларга кўра, суд ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

Савол:

- 1) Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ажрими тўғрими?**
- 2) Мазкур масала қандай ҳал этилиши лозим?**

6-масала

Арифбаева никоҳ давомида орттирган умумий мулкини бўлиш ҳақида Долиевга нисбатан даъво билан судга мурожаат қилган.

Ишни судда кўриш жараёнида тарафлар умумий мулк ҳисобланган уй-жойни ўғиллари Маъруф номига қолдириш ҳақида келишув битими тузганлар.

Суд тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш ҳақида ажрим чиқариб иш юритишни тугатган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсати биринчи инстанция судининг ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

Аниқланишича, тарафлар келишув битимининг шартларига келишмаганликларига эътибор қилмасдан, уларга тегишли процессуал ҳаракатлар қилишнинг оқибатларини тушунтирасдан, келишув битимини тасдиқлаган.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция судининг ҳаракатлари тўғрими?**
- 2) Тарафлар томонидан келишув битимининг трузилиши қандай оқибатларга олиб келади?**

7-масала

Собиров етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида Каримовга нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Суднинг ажрими билан жавобгар арз қилинган талабларни тан олганлиги сабабли иш юритиш тугатилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсати суд ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

Аниқланишича, Собиров Эрон давлатидан Каримовга тегишли

бўлган пластмассадан ясалган стол ва стулларни олиб келган. Каримов ушбу товарларни олиб келиш учун сарфланган харажатларни Собировга тўлашдан бош тортганлиги сабабли тарафлар ўртасида низо келиб чиқкан.

Ишни судда кўриш жараёнида жавобгар Каримов арз қилинган талабларни тан олиб, даъвогар сарфлаган харажатларни тўлик тўлашга розилиги баён қилинган аризани тақдим қилган.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция судининг ажрим асослами?**
- 2) Суд мазкур ишни қандай ҳал этиши лозим эди?**

8-масала

Бобохонова уйга эгалик ҳуқукини белгилаш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, 1990 йилда эри Тоҳиров билан биргаликда низоли уйни сотиб олишиб, ўзининг номига расмийлаштирганликларини, аммо эри билан бир уйда яшаш имконияти йўқлиги учун унга пуллик компенсация тўлашга рози эканлигини кўрсатган.

Суд ҳал қилув қарори билан низоли уй тарафларнинг teng улушидаги умумий мулки деб белгиланган. Уйга Тоҳировнинг эгалик ҳуқуки белгиланиб, унинг қиймати 4.897.000 сўм қилиб белгиланган ҳамда унинг teng қисми, яъни 2.448.500 сўми Бобохоновага ундириб берилган.

Иш хужжатларига қараганда, даъвогарнинг талаби уй-жойга эгалик ҳуқукини белгилаш ҳамда жавобгарга пуллик компенсация тўлаш ҳақида бўлсада, биринчи инстанция суди даъвогарга пуллик компенсация тўлаш ҳақидаги тўхтамга келган. Бунда суд ўз хulosаларини Бобохонованинг бошқа уй сотиб олмоқчи эканлиги тўғрисидаги судда берган тушуниришини асос қилиб кўрсатган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсати суд ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборар экан, ўз қарорини ишда даъвогарнинг даъво предметини ўзгартириш ҳақидаги аризаси мавжуд эмаслиги ҳамда суд мажлиси баённомасида даъвогарнинг уйга эгалик ҳуқукини белгилаш ҳақидаги талабини, уй-жойдаги улушини пул шаклида жавобгардан ундириш ҳақидаги талабга ўзгартирганлиги ҳақидаги ёзувлар киритилмаганлиги билан асослайди.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция судининг ҳаракатлари тўғрими?**
- 2) Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсатининг қарори асослами?**

9-масала

Болиев иш ҳақини ундириш тўғрисида “Учқун” ОҲЖга нисбатан даъво билан судга мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди 15 ёшда бўлган Болиевнинг вояга етмаганлигини асос қилиб аризани кўрмасдан қолдириш ҳақида ажрим чиқарган.

Савол: 1) Биринчи инстанция судининг ажрими асослими?

2) Фуқаролик процессуал муомала лаёқати ҳақида гапириб беринг?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Даъвогарга берилган қуйидаги таърифлардан қайси бири тўғри?

- а) даъвогар-фуқаролик ишини қўзғатган шахс;
- б) даъвогар-хуқуқ ва қонуний манфаатлари кўзланиб иш қўзғатилган шахс;
- в) даъвогар-ўзининг бузилган ёки низолашилаётган хуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган ёинки манфаатини кўзлаб иш қўзғатилган шахс;
- г) даъвогар-ўзининг бузилган ёки низолашилаётган хуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган шахс.

2. Фуқаролик ишларини судларда қўриб ҳал қилинишида тарафлар сифатида кимлар иштирок этади?

- а) айбланувчи ва жабрланувчи;
- б) эксперт ва мутахассис;
- в) даъвогар ва жавобгар;
- г) вакил ва прокурор.

3. Фақат даъвогар иккинчи чақирув бўйича ҳам узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаса, қандай оқибатлар вужудга келади?

- а) суд ишни қўришни кейинга қолдиради;
- б) суд жавобгарнинг розилиги билан аризани кўрмасдан қолдиради;
- в) иш қўришни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради;
- г) иш қўришни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

4. Қайси туркумдаги ишларда жавобгар суд мажлисига узрсиз сабабларга кўра келмаса, у мажбурий тартибда келтирилади ва

унга энг кам иш ҳақининг беши бараваригача миқдорда жарима солинади?

- а) никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- б) алимент ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- в) ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- г) майиб бўлганлик ёки моғлиқقا бошқача тарзда шикаст етиши натижасида кўрилган зарарни қоплаш учун тўловлар ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича.

5. Суд процессига иккинчи жавобгар жалб қилинганидан кейин...

- а) ишни кўриб чиқиш шу босқичдан давом эттирилади;
- б) иш кўриш янгидан бошланади;
- в) иш кўриш бошқа кунга қолдирилади;
- г) талабларни алоҳида иш юритиш учун ажратади.

6. Кўйидаги қайси иш бўйича процессуал ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилмайди?

- а) уй-жойга доир низоли ишлар бўйича;
- б) меросга доир ишлар бўйича;
- в) етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- г) алимент ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича.

7. Тегишиз даъвогар қайси ҳолларда низо предмети юзасидан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида ишга кириша олади?

- а) даъво асосини ўзгартирса;
- б) даъво предметини ўзгартирса;
- в) даъво талабларининг миқдорини оширса;
- г) қарши даъво қўзғатса.

8. Жавобгар ўз номига юборилган суднинг чақирув қоғозини қабул қилишидан бош тортса ва иш юритишини қасдан чўзаётган бўлса, суд...

- а) даъвогарнинг розилиги билан ишни сиртдан кўради;
- б) иш кўришни кейинга қолдиради;
- в) ишни кўришга ҳақли;
- г) иш юритишни тўхтатади.

9. Процессуал ҳуқуқий ворисликка йўл қўйиши асослари қайси жавобда нотўғри берилган?

- а) фуқаронинг ўлими, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши;

- б) бошқа шахс фойдасига талабдан воз кечиш;
- в) қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши;
- г) фуқаро муомала лаёқатини йўқотса.

10. Процессда шерик иштирокчиликнинг қандай турлари бор?

- а) актив, пассив, мажбурий иштирокчилар;
- б) мажбурий ва номажбурий шерик иштирокчилик;
- в) актив, пассив, аралаш шерик штирокчилик;
- г) мажбурий, номажбурий ва аралаш шерик иштирокчилик.

11. Фуқаролик процесси иштирокчиларининг турларини кўрсатинг?

- а) ишда иштирок этувчи шахслар, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар;
- б) ишни кўриш ваколатига эга бўлган шахслар, ишнинг оқибатидан бевосита манфаатдор бўлган шахслар, ишда иштирок этувчи шахсларга яқиндан ёрдам берувчи шахслар;
- в) тарафлар, учинчи шахслар, прокурор, давлат бошқаруви органлари;
- г) суд, прокурор, адвокат ва тарафлар.

12. Агар ишда жавобгар бўлган фуқаро вафот этиб, низоли хукуқий муносабат хукуқий ворисликка йўл қўймаса, суд қандай ажрим чиқаради?

- а) даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида;
- б) иш юритишни кейинга қолдириш тўғрисида;
- в) иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида;
- г) иш юритишни тугатиш тўғрисида.

13. Никоҳда бўлмаган вояга етмаган она томонидан оталикни белгилаш ҳақида даъво аризаси билан мурожсаат қилинган тақдирда, суд ...

- а) аризани қабул қилишни рад этади;
- б) аризани ҳаракатсиз қолдиради;
- в) аризани кўрмасдан қолдиради;
- г) аризани қабул қиласи.

14. Ариза муомала лаёқатига эга бўлмаган шахс томонидан берилганлиги суд процессида аниқланиб қолинган тақдирда ...

- а) ариза кўрмасдан қолдирилади;
- б) иш юритиш тўхтатилади;
- в) иш юритиш тугатилади;

г) иш кўриш кейинга қолдирилади.

15. Фақат даъвогар фойдаланиши мумкин бўлган процессуал ҳуқуқни кўрсатинг?

- а) даъво предметини ўзгартириш;
- б) иш материаллари билан танишиш;
- в) кўчирмалар олиш;
- г) четлатиш ҳақида арз билдириш.

16. Фақат жавобгар фойдаланиши мумкин бўлган процессуал ҳуқуқни кўрсатинг?

- а) четлатиш ҳақида арз билдириш;
- б) суд ҳал қилув қарорлари устидан шикоят билдириш;
- в) даъвони тан олиш;
- г) судга далиллар тақдим этиш.

5-МАВЗУ. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА УЧИНЧИ ШАХСЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

РЕЖА:

1. Фуқаролик процессида учинчи шахслар тушунчаси ва уларнинг турлари.
2. Мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар. Уларнинг ишга киришиш асослари ва тартиби. Мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг процессадаги хуқуқ ва бурчлари. Мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахсларни шерик даъвогарлардан фарқи.
3. Мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар. Уларни ишга жалб қилиш (киришиш) асослари ва процессуал тартиби. Мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахсларнинг процессуал хуқуқ ва бурчлари. Мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахсларнинг шерик иштирокчилик (шерик даъвогар, шерик жавобгарлардан фарқи).
4. Ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича учинчи шахсларнинг судда иштирок этиш хусусиятлари.

1-масала

Зулунова жавобгарлар Қорасув шаҳар давлат нотариал идораси ва Мадрахимовларга нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво билан мурожаат қилган.

Суд даъвони рад қилган.

Вилоят судининг раёсати Зулуновани ишга дахлдор бўлмаган даъвогар деб топиб, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, иш юритишни тутатган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан вилоят суди раёсатининг қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори кучда қолдирилди.

Аниқланишича, низоли шартнома тузилиши оқибатида хуқуқи бузилган Холматов иш бўйича мустақил даъво билан мурожаат қилмаган, дахлдор даъвогар сифатида ишга жалб қилинганда ишга киришмаган, ишга дахлдор бўлмаган Зулунова эса даъвосидан воз кечмаган.

Савол:

- 1) Вилоят суди раёсати томонидан йўл қўйилган хатоликлар нимада?**
- 2) Ишга дахлдор бўлмаган Зулунованинг ўз даъвосидан воз кечмаганлиги қандай оқибатларга олиб келади?**

2-масала

Расулов Марказий Руда бошқармасининг № 3-автокорхонасида ҳайдовчи лавозимида ишлаб келган. 2001 йил 23 августда Расулов билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-банди билан, яъни прогул учун бекор қилинган. Судининг 18.09.2001 йилги ҳал қилув қарорига кўра, Расулов билан тузилган меҳнат шартномаси меҳнат қонунчилигини қўйол равишда бузилганлиги натижасида бекор қилинганлиги боис, у ишга тикланган. Суд ўз ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида Марказий Руда бошқармаси вакилига меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқقا имзо чеккан мансабдор шахсга регресс даъво тақдим қилиш хукуки тушунтирилган.

Савол:

- 1) Суд қандай камчиликларга йўл қўйган?**
- 2) Ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларда учинчи шахсларнинг иштирок этиш хусусиятларини кўрсатинг?**

3-масала

A. “Компрессор” заводига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида суд *A.* билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида фармойиш берган завод директори *M.* ни жавобгар томонида туриб иштирок этиш учун учинчи шахс сифатида суд процессига жалб қилган.

Ишга оид материаллар шундан далолат берадики, *A.* иш вақтидан ташқари директорнинг автомашинасини таъмирлашдан воз кечганлиги учун ишдан бўшатилган. Шунингдек, *A.* ни ишдан бўшатишда касаба уюшма қўмитасининг розилиги олинмаганлиги аниқланган.

Суд *A.* нинг даъвосини қаноатлантириш ва унга иш ҳақи тўлаш муносабати билан заводга етказилган зарарни регресс тартибида завод директори *M.* дан ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Жавобгарнинг вакили ҳал қилув қарорига нисбатан апелляция шикояти келтириб, ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраган. Шикоятда кўрсатилган важлардан бири шундан иборатки, завод директори иш берувчининг вакили ҳисобланиб, у ишда учини шахс сифатида иштирок этиши мумкин эмас. Қолаверса, на даъвогар, на жавобгар завод директорининг учинчи шахс сифатида иштирок этишини талаб қилмаганлигини, шунингдек завод директорига нисбатан етказилган зарарни ундириш тўғрисида завод даъво талаби билан мурожаат қилмаганлигини, суд эса ишни фақат тарафларнинг талаблари

доирасида кўриб, ҳал қилув қарори чиқариши кераклигини кўрсатиб ўтади.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция судининг ҳаракатлари тўғрими?**
- 2) Жавобгарнинг апелляция шикоятидаги важлари асослими?**
- 3) Ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича учинчи шахслар иштирокини қандай хусусиятлари мавжуд?**

4-масала

Судда фуқаро *A*. етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги даъво талаби билан фуқаро *B*.га нисбатан даъво қўзғатди. Иш кўриш жараёнида суд томонидан жалб этилган учинчи шахс маълум сабабларга кўра ишда иштирок эта олмаслигини, унинг ўрнига вакили иштирок этишини суддан илтимос қилиб мурожаат қилди. Шунда судья мустақил даъво билан арз қилмайдиган учинчи шахс суд процессида факат ўзи қатнашишини мумкинлигини маълум қилиб, унинг илтимосномасини қаноатлантиришни рад этди.

Савол:

- 1) Суднинг ҳаракатлари асослими?**

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Учинчи шахслар қандай асосларга кўра турларга бўлинади?

- а) учинчи шахслар процессга кириб келишига қараб турларга бўлинади;
- б) иш юзасидан чиқариладиган қарор билан боғлиқ оқибатларга қараб турларга бўлинади;
- в) учинчи шахслар процессуал хуқуқлардан фойдаланиш даражасига қараб турларга бўлинади;
- г) тўғри жавоб б ва в.

2. Мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар кимлар томонидан ишга жалб қилинишилари мумкин?

- а) фақатгина суд ташаббуси билангина;
- б) тарафларнинг, прокурорнинг илтимоси бўйича ёки ўз ташаббуси билан;
- в) тарафларнинг, прокурорнинг илтимоси бўйича ёки суд ташаббуси билан;
- г) қонунларда кўрсатиб қўйилган ҳоллардагина жалб қилинади.

3. Мустақил талағаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар даъвогар билан келишув битими имзолаши мүмкінми?

- а) барча ҳолларда мүмкін;
- б) жавобгарнинг розилиги билан йўл қўйилади;
- в) келишув битими имзолаши мүмкін эмас;
- г) қонунда кўрсатилган ҳолларда мүмкін.

4. Низо предмети юзасидан мустақил талағаб билан арз қилувчи учинчи шахс ишга киришганидан сўнг...

- а) ариза кўрмасдан қолдирилади;
- б) иш кўриш янгидан бошланади;
- в) иш қўришучинчи шахс киришган босқичдан давом эттирилади;
- г) иш кўриш тўхтатилади.

5. Тегишиз даъвогар қайси ҳолларда низо предмети юзасидан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида ишга кириша олади?

- а) даъво асосини ўзгартирса;
- б) даъво предметини ўзгартирса;
- в) даъво талабларининг миқдорини оширса;
- г) қарши даъво қўзғатса.

6. Низо предмети юзасидан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар қайси муддатга қадар ишга киришишлари мүмкін?

- а) суд мажлиси бошлангунига қадар;
- б) суд ҳал қилув қарорини чиқаргунига қадар;
- в) суд музокаралари тугагунига қадар;
- г) иш юзасидан прокурор фикри тинглангунига қадар.

7. Ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд процессига учинчи шахс сифатида жалб этилган мансабдор шахслардан ташкилотга етказилган зарар ўрнини қоплаш учун тўланадиган ҳақ миқдорини аниқланг?

- а) мансабдор шахснинг уч ойлик маошидан ортиб кетмаслиги лозим;
- б) ўртача ойлик иш ҳақининг уч бараваридан ортиб кетмаслиги лозим;
- в) мансабдор шахснинг олти ойлик маошидан ортиб кетмаслиги

лозим;

г) ташкилотга етказилган зарар тўлиқ қопланиши лозим.

8. Ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд процессига учинчи шахс сифатида жалб этилган мансабдор шахс суд залига узрсиз сабабларга кўра келмаса, суд ...

а) ишни сиртдан кўради;

б) мансабдор шахс мажбуран келтирилади ва унинг зиммасига энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда суд жаримаси солинади;

в) суд бу шахснинг иштирокисиз ҳам ишни кўриши мумкин;

г) аризани кўрмасдан қолдиради.

6-МАВЗУ. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИ РЕЖА:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонунига асосан фуқаролик процессида прокурорнинг вазифалари.
2. Прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этиш асослари ва шакллари. Прокурорнинг фуқаролик процессидаги хукуқ ва бурчлари.
3. Прокурорнинг биринчи пофона (инстанция) судида иштироки ва унинг процессуал ҳолати.
4. Прокурорнинг апелляция ва кассация инстанция судида иштироки.
5. Қонуний кучга кирган суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорларини назорат тартибида кўришда прокурорнинг иштироки. Ишларни янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш босқичида прокурорнинг иштироки.
6. Прокурорнинг ижро босқичидаги иштироки.

1-масала

Туман прокурори даъвогар **P.** нинг манфаатлари юзасидан "Учқун" ишлаб чиқариш бирлашмасига нисбатан ишга тиклаш, мажбур бекор юрган вақт учун иш ҳаки ундириш тўғрисида суддда даъво қўзгатган.

Суд мажлиси бўладиган вақт ва жой тўғрисида прокурор тегишлича ҳабардор қилинган бўлишига қарамай, суд мажлисига прокурор келмади.

Суд прокурорнинг ишда иштирок этиши лозимлигини кўрсатиб, иш кўришни кейинга қолдирди ва прокурор иш кўриш вақти ва жойи тўғрисида такрор ҳабардор қилинди. Суд мажлиси бўладиган куни эса прокурор иккинчи маротаба ҳам суд мажлисига келмагач, суд аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим қабул қилди.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция судининг ажрими асослами?**
- 2) Прокурор суд мажлисига иккинчи маротаба ҳам узрсиз сабабларга кўра келмаса, қандай оқибатлар юзага келади?**

2-масала

Прокурор **A.** билан **B.** ни никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризаси билан туманлараро судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда эр-хотинлик муносабатлари давомида фарзанд кўрмаганликларини,

уларнинг характерлари ўзаро бир-бирга тўғри келмаслигини, ўзаро келишолмаслигини асос қилиб кўрсатади.

Суд прокурорнинг даъво аризасини ФПКнинг 152-моддаси 7-бандига қўра, яъни манфаатдор шахс номидан аризани иш қўзғатиш ваколатига эга бўлмаган шахс берганлиги асосида аризани қабул қилишни рад этган. Шунингдек, суд ўз ажримида эр-хотинлик муносабатлари шахсий муносабатлардан иборат эканлигини ва бу тоифадаги ишлар юзасидан даъво аризалари фақат эр ёки хотин томонидан берилиши мумкинлигини кўрсатади.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция судининг ажрими асослами?**
- 2) Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризалари билан прокурор қайси ҳолларда судга даъво аризалари билан мурожаат қилишга ҳақли бўлади ва бу ҳакда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида” га 1998 йил 11 сентябрдаги қарорида қандай тушунтиришлар берилади?**

3-масала

Туман прокурори Тошматованинг манфаатларини кўзлаб, Тошматовга нисбатан никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси билан туманлараро судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида прокурор ўз даъвосидан воз кечди ва суд иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарди.

Бундан ҳабар топган Тошматова эса иш юритишнинг тугатилишига қарши чиқиб, ишни мазмунан кўришни давом эттиришни талаб қилди.

Савол:

- 1) Прокурор ўз даъвосидан воз кечишга ҳақлами?**
- 2) Прокурорнинг даъводан воз кечиши қандай оқибатларга олиб келади?**

4-масала

Туман прокурори А.нинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Тошкент трактор заводига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан туманлараро судга мурожаат қилди.

Ишни кўриш вақтида суд процессига даъво аризасини қўллаб-қувватлаш учун туман прокурори эмас, балки прокурор ёрдамчиси етиб келди.

Туманлараро суд иш кўришни кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқарар экан, ўз ажримини Ўзбекистон Республикаси Бош

прокурорининг 1998 йил 12 ноябрдаги 16-сонли буйруғига кўра, ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларни судда кўрилишида фақат туман прокурори ёки прокурор ўринбосари иштирок этиши лозимлиги тўғрисида кўрсатмалар берилганлиги ва туман прокурорининг ёрдамчиси мазкур ишнинг кўрилишида иштирок этишга ҳақли эмаслиги билан асосолаган.

Савол:

- 1) Туманлараро суднинг ажрими асослами?
- 2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1998 йил 12 ноябрдаги 16-сонли буйруғига кўра, қайси тоифадаги ишларнинг судларда кўрилишида прокурор иштироки мажбурий?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Кўйидагилардан қайси бири прокурорни рад қилиши асослари сифатида тан олинмайди?

- а) ишнинг пировард натижасидан шахсан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса;
- б) унинг холислигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса;
- в) шу иш илгари кўрилганда прокурор сифатида қатнашган бўлса;
- г) ишда иштирок этувчи тарафларнинг ёки бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1998 йил 12 ноябрдаги 16-сонли буйруғига кўра, қайси туркумдаги ишларнинг судда кўрилишида прокурор ёрдамчиси иштирок этиши мумкин эмас?

- а) алимент ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- б) болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича;
- в) фуқарони муомала лаёқатини чеклаш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- г) ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат низолари бўйича.

3. Прокурор судда ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартириши хукуқига эга бўладими?

- а) агар даъвогар рози бўлса;
- б) суднинг руҳсати билан;
- в) жавобгар эътиroz билдирмаса;
- г) юқори турувчи прокурорнинг розилиги билан.

4. Прокурорнинг хуқуқий ҳужжатни гайриқонуний деб топиш ҳақидағи аризаси суд томонидан қанча муддатда күриб чиқлади?

- а) 10 кун;
- б) 15 кун;
- в) 20 кун;
- г) бир ой.

5. Прокурорнинг назорат протестини тўлдириши, ўзгартириши ёки қайтариб олишига йўл қўйиладими?

- а) ҳар қандай ҳолатда ҳам йўл қўйилмайди;
- б) протест қўриладиган суд мажлиси якунлангунига қадар йўл қўйилади;
- в) юқори турувчи прокурорнинг розилиги билан йўл қўйилади;
- г) протест қўриладиган суд мажлиси бошлангунига қадар йўл қўйилади.

6. Қуйидаги қайси ҳолларда прокурорнинг фикри талаб этилмайди?

- а) прокурор иштирок этатган ҳар қандай иш бўйича прокурор фикри талаб этилади;
- б) прокурорнинг бошқа шахслар ҳукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берган аризаси бўйича қўзғатилган ишларда;
- в) бошқа шахслар томонидан қўзғатилган фуқаролик ишларида;
- г) бошқа шахсларнинг ҳукуқларни ҳимоя қилаётган давлат бошқарув органлари томонидан қўзғатилган ишлар бўйича.

7. Прокурорнинг фуқаролик ишида иштирок этиши шаклларини кўрсатинг?

- а) даъво қўзғатиш йўли билан;
- б) суд ва прокурор ўзи лозим деб топганда;
- в) ўз аризаси билан ҳамда бошқа шахслар томонидан қўзғатилган ишни қўришда бошидан иштирок этиш;
- г) бошқа шахслар томонидан қўзғатилган ишларда бошидан иштирок этиш.

8. "Судларда фуқаролик ишлари қўрилишида прокурор ваколатининг таъсирчанлиги ва самараадорлигини ошириш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг буйруғи қачон қабул қилинган ва неchanчи сонли?

- а) 1998 йил 12 ноябр 7-сонли;

- б) 1998 йил 12 ноябр 16-сонли;
- в) 1998 йил 31 март 6-сонли;
- г) 1998 йил 25 май 16-сонли.

9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида назарда тутилган қыйидаги ишларнинг қайсиларида прокурор иштироки мажбурий?

- а) фуқароларни ишга тиклаш;
- б) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш;
- в) фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш;
- г) алимент ундириш тўғрисидаги ишлар.

10. Никоҳдан ажратиши ҳақидаги ишлар судда прокурор томонидан қўзғатилиши мумкинми?

- а) никоҳдан ажратиши ҳақидаги ишлар шахсий муносабатлардан келиб чиқиши боис, мазкур туркумдаги даъволар прокурор томонидан қўзғатилиши мумкин эмас;
- б) прокурор ҳар қандай ҳолларда никоҳдан ажратиши ҳақидаги даъволарни судда қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлади;
- в) агар муомала лаёқатига эга бўлмаган эр ёки хотиннинг манфаатини ҳимоя қилиш талаб қилинса, никоҳдан ажратиши ҳақидаги даъволар прокурор томонидан қўзғатилиши мумкин;
- г) агар тарафлар никоҳдан ажралишиликка ўзаро розилик билдирган бўлсалар, никоҳдан ажратиши ҳақидаги даъволар прокурор томонидан қўзғатилиши ҳам мумкин.

11. Апелляция протестлари кимлар томонидан келтирилади ва имзоланади?

- а) прокурор, унинг ўринбосари ва ишда иштирок этган ёрдамчиси томонидан;
- б) прокурор ва унинг ўринбосари томонидан;
- в) прокурор ва унинг ишда иштирок этган ёрдамчиси томонидан;
- г) фақат прокурор томонидан.

12. Апелляция протести билдирган прокурор қанча муддатгача протестни тўлдириши, ўзгартириши ёки қайтариб олишига ҳақли бўлади?

- а) протест қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун муддат ичиди;
- б) протестни кўриб чиқувчи суднинг суд мажлиси якунлангунига қадар йўл қўйилади;
- в) юқори турувчи прокурорнинг розилиги билан йўл қўйилади;
- г) протест кўриладиган.

13. Прокурор томонидан қандай масалалар юзасидан хусусий протест келтирилади?

- а) суд ажримлари юзасидан;
- б) суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорлари юзасидан;
- в) суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари юзасидан;
- г) юқоридагиларнинг барчаси юзасидан прокурор хусусий протест келтириши мумкин.

**7-МАВЗУ. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА БОШҚА
ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ДАВЛАТ
БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ**

РЕЖА:

1. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат бошқарув органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этиш асослари ва мақсадлари.
2. Давлат бошқарув идораларнинг фуқаролик процессида иштирок этиш шакллари.
3. Фуқаролик процессида иштирок этувчи давлат бошқарув идораларининг турлари.
4. Иш юзасидан хулоса бериш мақсадида давлат бошқарув идораларининг фуқаролик процессидаги иштироки.
5. Давлат бошқарув идораларининг ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан (прокурордан, учинчи шахслардан, эксперктлардан, вакиллардан ва процесснинг бошқа иштирокчиларидан) процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш жихатидан фарқи.

1-масала

М. судга даъво билан мурожаат қилиб, *И.* билан тузилган никоҳдан ажратиш ва болаларни яшаш жойини белгилашни сўраган.

Суд тарафларни никоҳдан ажратиб, уларнинг 1990 йилда туғилган қизи *А.*ни отаси *И.* нинг тарбиясида, 1992 йилда туғилган ўғли *Б.* ни онаси *М.*нинг тарбиясида қолдирган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2002 йил 19 июлда ҳал қилув қарорининг болалар тарбиясига оид қисмини бекор қилиб, ишнинг шу қисмини янгидан кўриш учун юборди. Биринчи инстанция суди мазкур ишни кўришда васийлик ва ҳомийлик органини ишда иштирок этиш учун жалб қилмаган ҳамда ундан низо моҳиятига оид хулоса талаб қилиб олмаганлигини асос қилган.

Савол:

- 1) Болалар тарбияси билан боғлиқ низоли ишларнинг судларда кўрилишида кимларнинг иштирок этиши талаб этилади?**
- 2) Мазкур шахсларнинг ишга жалб қилинмаслиги қандай оқибатларга олиб келади?**

2-масала

Туман ижтимоий таъминот бўлими ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги даъво аризаси билан жавобгарлар *А.* ва *К.* ларга нисбатан туманлараро судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Туманлараро суд ўзининг ажрими билан аризани ҳаракатсиз қолдириб, ўз ажримини даъво аризасига ишончнома ёки вакилнинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар илова қилинмаганлиги билан асослаган.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция судининг ажрими асослами ?**
- 2) Даъво аризалари қачон ҳаракатсиз қолдирилади?**

3-масала

Қуйидаги ишлар бўйича қайси давлат органлари жалб қилиниши керак?

- 1) Миробод прокурорининг эр-хотин *A.* ва *P.* ларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан;
- 2) *B.* нинг отаси *B.* ни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги аризаси юзасидан;
- 3) тураг жойга эгалик ҳуқуқини берувчи давлат ордерини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ ишлар юзасидан;
- 4) муаллифлик ҳуқуқидан келиб чиқадиган низолар юзасидан;
- 5) меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ходимларга ишлаб чиқаришда етказилган заарларни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;
- 6) иморатга бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаш, ворислик тўғрисидаги ишлар, давлат томонидан бериладиган ҳар хил мулкий ҳуқуклар ва имтиёзларни олиш мақсадларида қўзғатилган ишлар юзасидан.

4-масала

Тошкент шаҳар Давлат меҳнат ҳуқуқи инспекцияси бошлиғи томонидан туман судига даъвогар *A.* ни жавобгар “Кафолат” МЧЖга нисбатан ишга тиклаш тўғрисидаги даъво аризаси тақдим этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 29 июл кунидаги № 378-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг “Давлат Меҳнат ҳуқуқи инспекцияси тўғрисида”ги Низомига мувофиқ, инспекцияга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилиши назарда тутилган.

Туман суди тақдим этилган даъво аризаси бошқарма бошлиғи томонидан имзоланмаганлиги сабабли ФПКнинг 152-моддасига мувофиқ, яъни манфаатдор шахс номидан аризани иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс берганлигини асос қилиб даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарган.

Савол:**1) Суднинг ажрими асослими?****5-масала**

Туманлараро судига **T.** бир ярим ёшли **ўғли M.** ни отаси **A.** дан олиб, ўзининг тарбиясига бериш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат этган.

Ишда хulosса бериш мақсадида иштирок этаётган васийлик ва ҳомийлик органининг хulosасида бола бир ярим ёшда бўлиб, туғилганидан онасининг тарбиясида бўлганлигини, онанинг ижобий ахлоқий фазилатларга ва бола тарбияси учун етарли бўлган моддий майишӣ шароитга эга эканлиги кўрсатилган.

Туманлараро суд даъвогарнинг даъвосини рад қилган.

Туманлараро суднинг ҳал қилув қароридан норози бўлиб, васийлик ва ҳомийлик органи апелляция шикояти билан Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг судлов ҳайъатига мурожаат этган. Лекин мазкур шикоят иш юзасидан хulosса бериш мақсадида иштирок этувчи давлат бошқарув органлари суд ҳал қилув қарорларидан шикоят келтириш ваколатига эга бўлмаслиги кўрсатилган ҳолда қабул қилиш рад этилган.

Савол:**1) Суднинг чиқарган ажрими тўғрими?****2) Иш юзасидан хulosса бериш мақсадида иштирок этувчи давлат бошқарув органлари қандай процессуал ҳукуқлардан фойдалана оладилар?****6-масала**

Тимошенко судга собиқ келини Бороденкога нисбатан уйдан кўчириш ҳақидаги даъво билан мурожаат қилган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсати қуйидаги асосларга кўра суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, аризани қўрмасдан қолдирган.

Ишдаги ҳужжатларга қараганда, низоли уй-жой қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган Гилметдиновага тегишли бўлиб, у акли заифлиги оқибатида 1999 йилдан вилоят даволаш муассасаси тарбияси ва таъминотида бўлган, васийлик мажбурияти ҳам ушбу муассасага юкланган.

Гилметдинованинг опаси Неведрова томонидан Тимошенкога Гилметдиновани васийси этиб тайинлаш, унга тегишли бўлган мулкларни бошқариш ва тасарруф қилиш тўғрисида нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома берилган. Тимошенко Зарафшон шаҳар ҳокимининг 2002 йил 31 октябрдаги қарори билан Гилметдинованинг васийси этиб

тайинланган.

Савол:

1) Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсатининг қарори асослими?

2) Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарорига 2-илова сифатида берилган Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги Низомга кўра, мазкур масала қандай ҳал этилиши лозим?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Бошқа шахсларнинг хукуқларини судда ҳимоя қилувчи давлат бошқарув идоралари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этиши шаклини кўрсатинг?

- а) судга ариза билан мурожаат этиш;
- б) иш юзасидан хулосалар бериш учун суд томонидан процессда иштирок этишга жалб қилиниш;
- в) ўз ташабbusлари билан суд процессига киришиш;
- г) барча жавоблар тўғри.

2. Бошқа шахсларнинг хукуқларини судда ҳимоя қилувчи давлат бошқарув идоралари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ўзлари арз қилган талабларнинг асоси ёки предметини ўзгартиришига ҳақли бўладиларми?

- а) агар даъвогар рози бўлса, ҳақли бўладилар;
- б) юқори турувчи орган руҳсат бермаган бўлса, ҳақли бўлмайдилар;
- в) мазкур органлар ҳеч қандай чекловларсиз мазкур хукуқлардан фойдаланадилар;
- г) мазкур органлар қонунга мувофиқ ушбу хукуқлардан фойдалана олмайдилар.

3. Вояга етмаган шахсларнинг хукуқларини ҳимоя қилиб, отоналиқ хукуқидан маҳрум қилиши ҳақидаги даъво аризалари билан судга ижтимоий таъминот бўлимлари мурожаат қилса, суд ...

- а) аризани ҳаракатсиз қолдиради;
- б) аризани қабул қилишни рад этади;
- в) тегищсиз тарафни алмаштириш чорасини кўради;
- г) аризани кўрмасдан қолдиради.

4. Васийни (ҳомийни) болани тарбиялашга вижданан

ёндошмаганлиги муносабати билан ўз вазифаларини бажаришидан четлатиш масаласини ким ҳал қилади?

- а) суд органлари;
- б) туман ҳокими;
- в) васийлик ва ҳомийлик органлари;
- г) маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари.

5. Судда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиши тўғрисидаги ишларни қуйидаги қайси шахслар хўзгатиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар?

- а) ота (она) лардан бири, прокурор;
- б) вояга етмаганлар иши билан шугулланувчи комиссиялар, васийлик ва ҳомийлик органлари;
- в) болалар уйи, мактаб интернетлар;
- г) ижтимоий таъминот органлари, Давлат мулки қўмитасининг турар-жой бўйича ҳудудий бўлинмалари.

6. Тарафлардан фарқли равишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини судда ҳимоя қилувчи давлат бошқарув идоралари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар қандай процессуал ҳуқуқлардан фойдалана олмайди?

- а) иш материаллари билан танишиш;
- б) суд ҳал қилув қарорлари устидан шикоят қилиш;
- в) келишув битимини тузиш;
- г) судга илтимосномалар бериш.

7. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини судда ҳимоя қилувчи давлат бошқарув идоралари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар зиммасига қуйидаги қайси мажбуриятлар юклатилиши мумкин эмас?

- а) процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишида фойдаланиш;
- б) суд мажлиси тартибига риоя қилиш;
- в) исботлаш бурчи;
- г) суд харажатларини тўлаш.

8. Қуйидаги қайси ишларда васийлик ва ҳомийлик органларининг соглиқни сақлаши бўлимлари иштирок этадилар?

- а) ишга тиклаш тўғрисидаги ишларда;
- б) фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишларда;
- в) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларда;
- г) турар-жойдан кўчириш тўғрисидаги ишларда.

9. Ижтимоий таъминот бўлимлари хулоса берииш мақсадида қўйидаги қайси ишларга жалб қилиниши мумкин?

- а) болани тарбияга олиб бериш ҳақидаги ишларда;
- б) фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишларда;
- в) нафақа тайинлаш тўғрисидаги ишларда;
- г) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларда.

10. Маориф бўлимлари хулоса берииш мақсадида қўйидаги қайси ишларга жалб этилади?

- а) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларда;
- б) фуқарони муомала лаёқатини чеклаш тўғрисидаги ишларда;
- в) мол мулкни эгасиз деб топиш тўғрисидаги ишларда;
- г) фуқарони бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги ишларда.

11. Уй жой органлари иш юзасидан хулоса берииш мақсадида қўйидаги қайси ишлар юзасидан судга жалб этиладилар?

- а) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларда;
- б) вояга етмаган шахсларга нисбатан етказилган заарни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;
- в) фуқарони бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги ишларда;
- г) ордерни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларда.

8-МАВЗУ: СУДДА ВАКИЛЛИК ҚИЛИШ

РЕЖА:

1. Суддаги вакиллик тушунчаси ва унинг аҳамияти.
2. Судда вакиллик қилиш асослари ва турлари: қонуний вакиллик, шартнома бўйича (ихтиёрий) вакиллик, юридик шахс вакиллиги, уставли вакиллик, касаба уюшмаларининг ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллиги.
3. Суддаги вакилликнинг ваколатлари (ҳажми ва уни расмийлаштириш тартиби).
4. Судда вакил бўла олмайдиган шахслар.

1-масала

A. ҳадя шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида *P.* га нисбатан судга даъво билан мурожаат қилган. Ишни кўриш жараёнида *A.* судга ўзининг хизмат сафарига кетиши лозимлигини, суд процессида иштирок эта олмаслигини айтиб, адвокат *T.* га ёзма равищда ваколатнома бериб, унда унинг номидан суд ишларини юргизишда қатнашиб, унинг ҳуқукларини ҳимоя қилиши лозимлигини кўрсатган.

Суд жараёнида жавобгар даъво талабларини қисман тан олганлиги боис, жавобгар билан даъвогарнинг вакили ўртасида келишув битимиға эришилган ва ушбу келишув битими суд томонидан тасдиқланган ва иш юритиш ФПКнинг 100-моддасига асосан тугатилган.

Тарафлар ўртасида тузилган келишув битими шартига биноан, жавобгар *P.* ўзига тегишли бўлган уйни даъвогар *A.* га З йил муддатга вақтинча яшаш учун бериши, *A.* эса бунинг эвазига даъводан воз кечиши кўрсатилган.

Савол:

- 1) Адвокатнинг ваколатларини расмийлаштириш тартибини айтинг?**
- 2) Биринчи инстанция судининг ҳаракатлари тўғрими?**
- 3) Вакилнинг ваколатлари доирасини аниқланг?**

2-масала

I. нинг манфаатларини кўзлаб, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси судга жавобгар “Учқун” ОҲЖ га нисбатан ишга тиклаш, мажбурий прогул учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Туманлараро суднинг ажримига қўра, даъвогар манфаатини ҳимоя қилиб Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси томонидан берилаётган даъво аризасига ишончнома ёки унинг

ваколатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар илова қилинмаганлиги сабабли, даъво аризасини қабул қилиш ФПКнинг 152-моддаси 7-бандига асосан, рад қилинган.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция судининг ажрими асослами?**
- 2) ФПКнинг 152-моддасига асосан, аризани қабул қилишни рад қилиш асосларини кўрсатинг?**

3-масала

P. судга даъво билан мурожаат қилиб, “Гаров-тараққиёт” ОҲЖ га нисбатан ишга тиклаш ҳамда мажбурий прогул учун иш ҳақи ундиришни сўраган.

Туманлараро суд ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида *P.* билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида бўйруқ берган “Гаров-тараққиёт” ОҲЖ раиси *T.* ни ишда жавобгар тарафда иштирок этиш учун учинчи шахс сифатида жалб қилган.

Суд жараёнига даъвогар *P.* билан бирга “Гаров-тараққиёт” ОҲЖ раиси *T.* ҳам иш берувчининг вакили, ҳам учинчи шахс сифатида иштирок этиш учун хозир бўлдилар.

Суд низоли ишни уларнинг иштирокида мазмунан кўриб, ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Савол:

- 1) Фуқаролик ишларини кўришда бир шахснинг ўзи бир вақтда ҳам жавобгарнинг вакили, ҳам учинчи шахс сифатида иштирок этиши мумкинми?**
- 2) Ушбу масала қандай ҳал этилиши лозим?**

4-масала

Пахта тозалаш заводи ўз ходими *C.* га нисбатан 200.000 сўм микдорда етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Ишни судда кўриш жараёнида завод директори *O.* ишда иштирок этиш учун хозир бўлди. Суд ундан завод номидан иш юритиш учун ишончнома талаб қилди. *O.* нинг номига ишончнома бўлмаганлиги учун суд иш кўришни кейинга қолдирди.

Иккинчи марта иш кўриш жараёнида *O.* иш юритишга ҳуқуқ берадиган, завод директори ўринбосари томонидан берилган ишончномани судга тақдим этди. Суд иккинчи бор иш кўришни кейинга қолдириб, *O.* завод директори эканлиги ва унинг ўринбосари ишда

иштирок этиш учун ишончнома бериш ҳуқуқига эга эмаслигини, **O.** га ишда иштирок этиш учун ишончнома юқори турувчи орган томонидан берилишини лозимлигини кўрсатган.

Савол:

- 1) Суднинг ҳаракатлари тўғрими?**
- 2) Юридик шахс вакилиги ҳақида нима биласиз?**

5-масала

C. ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. *C.* нинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида у ишлайдиган корхона касаба уюшмасининг вакили тегишли ишончнома асосида судда иштирок этиш учун мурожаат қилган. Суд даъвогар *C.* мазкур корхона касаба уюшмасига аъзо эмаслигини кўрсатиб, касаба уюшмаси вакилини ишда иштирок этиш тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантиришни рад этган.

Савол:

- 1) Суднинг ҳаракатлари тўғрими?**
- 2) Суд процессида касаба уюшмаси вакилининг процессуал ҳуқуқий ҳолати ҳақида гапириб беринг ?**

6-масала

B. турар-жойга эгалик ҳукукини бекор қилиш тўғрисидаги даъво талаби билан судга мурожаат қилган. Суд процессида даъвогарнинг вакили сифатида адвокат *K.* иштирок этишга киришган. Ишни судда кўриш жараёнида даъвогарнинг вакили – адвокат *K.* адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳукукини берувчи лицензияни ноқонуний йўллар билан олганлиги муносабати билан лицензияси бекор қилинганлиги аниқланган.

Савол:

- 1) Мазкур ишда *K.* адвокат сифатида иштирок этишга ҳақлими?**

7-масала

Атабоева фуқаролар Халитова ва Гайсинларнинг вакили сифа-тида жавобгар Мамадияровага нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилган.

Судда иш юритиш жараёнидан даъвогарларнинг вакили Атабоева

вафоти муносабати билан биринчи инстанция суди иш юритишни тугатган.

Савол: 1) Иш юритишни тугатиш тўғрисидаги биринчи инстанция судининг ажрими асослами?

2) Иш юритишни тугатиш асосларини кўрсатинг?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Куйидагилардан қайси бири судда вакиллик қилишининг турларига кирмайди?

- а) меросий вакиллик;
- б) шартнома бўйича (ихтиёрий) вакиллик;
- в) уставли вакиллик;
- г) касаба уюшмалари вакиллиги.

2. Қонуний вакиллар деганда сиз кимларни тушунасиз?

- а) ота-оналар, васийлар, ҳомийлар, адвокатлар;
- б) адвокатлар, тарафлар ёки учинчи шахслар томонидан танланган шахслар, фарзандликка олганлар;
- в) васийлар ва ҳомийлар, фарзандликка олганлар, ота-оналар;
- г) қариндошлар, адвокатлар.

3. Суддаги вакиллик деб нимага айтилади?

- а) суддаги вакиллик деб, манфаатдор шахснинг топшириғи бўйича ёки қонунда назарда тутилган барча асосларга кўра процессуал ҳаракатларни амалга оширишга айтилади;
- б) суддаги вакиллик деб, манфаатдор шахснинг топшириғи бўйича унинг номидан барча процессуал ҳаракатларни амалга оширишга айтилади;
- в) суддаги вакиллик деб даъвогар томонидан иштирок этиб, қонун бўйича барча процессуал ҳаракатларни амалга оширилишига айтилади;
- г) суддаги вакиллик деб, манфаатдор шахснинг топшириғи бўйича унинг номидан айрим процессуал ҳаракатларни амалга оширишга айтилади.

4. Шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил бўла олмайдиган шахсларни аниқланг?

- а) тарафлар, учинчи шахслар томонидан танланган шахслар;
- б) адвокатлар;
- в) васий ва ҳомийлар;
- г) биргаликда иштирок этувчилардан бири бошқа иштирок

этувчиларнинг топшириғи бўйича.

5. Вафот этган шахсларнинг меросхўри қатнашиши лозим бўлган иш бўйича, агар меросни ҳали ҳеч ким қабул қилиб олмаган бўлса, меросхўрнинг вакили сифатида судда...

- а) суд томонидан тайинланган ҳомий қатнашади;
- б) мерос мол мулкини сақлаш ва бошқариш учун тайинланган сақловчи шахс қатнашади;
- в) тарафлар томонидан танланган шахслар қатнашади;
- г) фақат адвокатлар қатнашади.

6. Вакил томонидан берилаётган даъво аризаларига ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар илова қилинмаган бўлса, суд...

- а) аризани қабул қилишни рад этади;
- б) иш юритишни тугатади;
- в) аризани ҳаракатсиз қолдиради;
- г) иш юритишни тўхтатади.

7. Адвокат суд мажлисида тартибни бузса ва раислик қилувчининг фармойшишига итоат қилмаса,...

- а) адвокатга суд ажрими билан энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солинади;
- б) адвокат суд мажлисидан четлатилади;
- в) иш кўриш кейинга қолдирилади ва суд бу ҳақда адвокатлар малака ҳайъатига маълум қиласи;
- г) адвокат бошқа шахс билан алмаштирилгунинг қадар иш юритиш тўхтатилади.

8. Адвокат узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаса, суд...

- а) адвокат бошқа шахс билан алмаштирилгунинг қадар иш юритиш тўхтатилади;
- б) адвокатга суд ажрими билан энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солинади;
- в) ариза кўрмасдан қолдирилади;
- г) иш кўриш кейинга қолдирилади ва суд бу ҳақда адвокатлар малака ҳайъатига маълум қиласи.

9-МАВЗУ: СУД ХАРАЖАТЛАРИ ВА ЖАРИМАЛАРИ

РЕЖА:

1. Фуқаролик процессида суд харажатлари тушунчаси ва турлари.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида” ги қонуни ва қонун ости норматив ҳукукий актлари. Далат божи ва унинг турлари. Даъвони баҳоси.
3. Иш юритиш билан боғлиқ бўлган чиқимлар.
4. Суд харажатларини тўлашдан озод қилиш ва унинг асослари.
5. Тарафлар ўртасида суд харажатларини тақсимлаш. Суд харажатларини қайтариш учун асослар.
6. Суд жарималари. Суд жарималарини солиш асослари ва тартиби.
7. Жаримани камайтириш ёки уни тўлашдан озод қилиш тўғрисида судга мурожаат қилиш. Жарима солиш ҳақидаги ажримлар. Суд харажатлари ва жарималари ҳақидаги суд ажримлари устидан шикоят қилиш тартиби.

1-масала

Ҳайдаров судга даъво билан мурожаат қилиб, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига ишга тиклаш ҳамда 338.500 сўм моддий ва маънавий зарар ундиришни сўраган.

Суд давлат божи тўланмаганлигини асос қилиб, аризани ҳаракатсиз қолдириш ҳақида ажрим чиқарган. Шу сабабли Ҳайдаров 45.000 сўм давлат божи тўлаган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати суд ажримини бекор қилиб, тўланган 45.000 сўм давлат божини Ҳайдаровга қайтарди.

Савол:

- 1) Биринчи инстанцияси суди ўз ажрими билан қандай хатоликкага йўл қўйган?
- 2) Суд харажатларини тўлашдан озод қилиш асосларини айтинг?

2-масала

Ахмеджанова судда Джадаров ва Бозорваларга нисбатан даъво билан мурожаат этиб, улар Сатторов қўчаси, 8-уйни алдов йўли билан сотганликлари натижасида етказилган 1.060.479 сўмлик моддий ва 3.000.000 сўмлик маънавий зарарни ундириб беришни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, Джадаров ва Бозорвалардан Ахмеджанова фойдасига солидар тартибда

1.060.479 сўм моддий, 500.000 сўм маънавий заарар ва давлат фойдасига 312.095 сўм 80 тийин давлат божи ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан суд қарорларининг давлат божига оид қисми ўзгартирилиб, Джабаров ва Бозорвалардан давлат фойдасига ундирилган давлат божи миқдори 213.799 сўмга камайтирилган.

Савол:

1) Биринчи инстанция суди давлат божини белгилашда қандай хатоликларга йўл қўйган ?

2) Джабаров ва Бозорвалардан давлат фойдасига ундирилган давлат божи миқдори нима учун 213.799 сўмга камайтирилган?

3-масала

Абдуллаев туман ҳокимлигига нисбатан судга даъво билан мурожаат қилиб, ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойни олиш-сотиш ҳақидаги қарорларини бекор қилиб, бу уй-жойга эгалик ҳуқуқини белгилашни сўраган.

Туман ҳокимлиги судга қарши даъво тақдим қилиб, Абдуллаев томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган 270 кв. метр ер майдонида қурилган 4 хонали уй, ертўла ва омборхонадан иборат иморатларни ҳокимлик балансига олиб беришни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, қарши даъво рад қилинган. Абдуллаевдан давлат фойдасига 81.000 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

Апелляция инстанцияси суди ажрими билан ҳал қилув қарорининг Абдуллаевдан давлат фойдасига ундирилиши лозим бўлган давлат божининг миқдори 180.314 сўмга ўзгартирилган. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан суд қарорларининг суд харажатларига оид қисми бекор қилиниб, давлат божини туман ҳокимлигидан ундириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилди.

Савол:

1) Биринчи инстанция суди ва апелляция инстанция судлари қарорларининг суд харажатларини ундиришга оид қисмларида қандай камчиликларга йўл қўйилган?

2) Суд харажатларини тарафлар ўртасида тақсимланиши ҳақида нималар биласиз?

4-масала

P. уйнинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида **M.**га нисбатан даъво билан судга мурожаат қилган.

M. эса судга **P.**нинг низолашилаётган уйдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақида қарши даъво тақдим этган.

Суд даъвони қаноатлантириб, қарши даъвони рад этган. **M.** дан 1.270.810 сўм давлат божи ундирилган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъавони рад этиш, қарши даъвони қаноатлантириш ҳақида янги қарор чиқарган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2002 йил 25 январда суд қарорларини ўзгартириб, **M.** дан 1.522.000 сўм давлат божи ундириди. Бунга асос қилиб эса низоли уй тарафлар ўртасида 16.000.000 сўмга олди-сотди қилинган бўлсада, битим тузишда **M.** давлат божини кам тўлаш мақсадида уйнинг нархини 788.000 сўм баҳолатиб, давлат фойдасига 78.800 сўм давлат божи тўланганлигини, бу ҳолда олди-сотди шартномасини тузишда мулк қиймати 16.000.000 сўмдан 10 фоиз миқдорида, яъни 1.600.000 сўм давлат божи тўланиши лозим эканлигини ва тўланмай қолган сумма 1.522.000 сўмни ташкил этишини кўрсатган.

Савол:

- 1) Назорат инстанцияси судининг қарори асослими?**
- 2) Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорига баҳо беринг?**

5-масала

Нишонова никоҳ давомида орттирган умумий мулқдаги улушкининг қийматини ундириб бериш ҳақида Ҳожиматовга нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, 1.272.800 сўм баҳолангандан низоли уй-жойга нисбатан тарафларнинг улуси тенг белгилангандан. Нишоновага уй-жойдаги улуси эвазига 636.400 сўм Ҳожиматовдан ундириб берилган.

Тарафларнинг ҳар биридан 127.280 сўмдан давлат божи ундирилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсати суд ҳал қилув қарорини қисман ўзгартириб, Нишоновадан 127.280 сўм давлат божи ундириш қисмини бекор қилган.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция суди суд харажатларини тақсимлашда қандай қамчиликларга йўл қўйган?**

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Суд харажатларини нима ташкил қиласы?

- а) түловлар ва пуллар;
- б) давлат божи ҳамда түловлар;
- в) давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлар;
- г) чиқимлар ва даъво қиймати.

2. Ташкилотларнинг мансабдор шахслари га суд томонидан солинган жарималар қаердан ундирилади?

- а) ташкилотнинг ҳисобидан;
- б) мансабдор шахснинг шахсий маблағидан;
- в) иккаласидан ҳам ундирилмайди;
- г) иккаласидан ҳам ундирилади.

3. Давлат божининг турларини айтинг.

- а) давлат божининг умумий ва маҳсус турлари;
- б) давлат божининг оддий ва мураккаб турлари;
- в) давлат божининг оддий ва пропорционал турлари;
- г) давлат божи турларга бўлинмайди.

4. Ишда манфаатдор бўлган шахслар томонидан суд харажатлари ундиришининг асосий мақсади нимада?

- а) давлат учун маблағ ундириш;
- б) суд фаолиятини маблағ билан таъминлаш;
- в) асоссиз низоларга йўл қўймаслик;
- г) тарафларни ўзларининг фуқаролик ҳуқуқий бурчларини ихтиёрий равишда бажаришга рағбатлантириш.

5. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат божи тўғрисида»ги қонуни қачон қабул қилинган?

- а) 1992 йил 8 декабр;
- б) 1992 йил 9 декабр;
- в) 1994 йил 3 ноябр;
- г) 2000 йил 14 декабр.

6. Давлат божи ставкалари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори қачон қабул қилинган?

- а) 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори;
- б) 1996 йил 11 октябрдаги 358-сонли қарори;
- в) 1997 йил 5 мартағи 120-сонли қарори;
- г) 1997 йил 8 апрелдаги 178-сонли қарори.

7. Куйидагилардан қайси бири ишни күриш билан боғлиқ чиқимларга кирмайды?

- а) суднинг ҳал қилув қарорини жро этиш билан боғлиқ харажатлар;
- б) суд жарималар;
- в) гувоҳлар, эксперталар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;
- г) жойга бориб кўздан кечириш билан боғлиқ харажатлар.

8. Тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқотилган тақдирда уларга бўлган ҳуқуқларни тиклаш ҳақида судга берилган аризалардан қанча миқдорда давлат божи ундирилади?

- а) энг кам иш ҳақининг 10 %;
- б) энг кам иш ҳақининг 50 %;
- в) энг кам иш ҳақининг 120 %;
- г) давлат божи ундирилмайди.

9. Давлат бошқаруви органлари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятларга нима учун давлат божининг тўланганлиги ҳақидаги маълумот илова қилинмайди?

- а) шикоят билан мурожаат қилувчи фуқаролар давлат божини тўлашдан озод қилинганлиги учун;
- б) иш юзасидан суд ҳал қилув қарори чиқараётганда айбор томондан ундирилиши учун;
- в) шикоятлар учун давлат божи ундирилади, шунинг учун шикоятларга албатта давлат божининг тўланганлиги тўғрисидаги маълумотлар илова қилиниши шарт;
- г) тўғри жавоб йўқ.

10. Куйидагиларнинг қайси бири давлат божини қайтариб бериши учун асос бўла олмайди?

- а) иш шу суднинг судловига тааллуқли бўлмаганлиги учун аризани қабул қилиш рад этилганда;
- б) иш судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли ишни юритиш тугатилган бўлса;
- в) тарафлар келишув битими тузган бўлсалар ва у суд томонидан тасдиқланиб, иш юритиш тугатилган бўлса;
- г) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилганлиги сабабли ариза суд томонидан кўрмасдан қолдирилган бўлса.

11. Алимент ундириши тўғрисидаги ишлар бўйича давлат бојсими ундириши мақсадида даъво баҳоси қандай белгиланаади?

- а) даъво аризасида талаб қилинаётган сумманинг миқдорига қараб;
- б) бир йиллик тўловларнинг йиғиндисига қараб;
- в) тўловларнинг ёки бериладиган пулларнинг йиғиндисига қараб, лекин кўпи билан уч йиллик йиғиндисига қараб;
- г) тўловларнинг ёки пулларнинг йиғиндисига, лекин кўпи билан икки йиллик йиғиндисига қараб.

10-МАВЗУ. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР

РЕЖА:

1. Процессуал муддатлар тушунчаси ва уларнинг моҳияти. Процессуал муддатларнинг турлари.
2. Процессуал муддатларни ҳисоблаш.
3. Процессуал муддатларнинг ўтказиб юбориш оқибатлари. Ўтказиб юборилган процессуал муддатларни узайтириш ва уни тиклаш тартиби.
4. Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва кўриш билан боғлиқ бўлган муддатлар.

1-масала

2003 йил 16 октябр кунидаги № 10-сонли буйруқка кўра, секретар-машинистка бўлиб ишлаб келган М. билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 1-банди, яъни штатлар қисқариши натижасида бекор қилинган.

М. 2003 йил 2 декабрда ишга тиклаш тўғрисидаги даъво билан туманлараро судга мурожаат қилган.

Судда жавобгарнинг вакили даъвогар судга мурожаат қилиш муддатини узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборганлигини ва шу асосга кўра даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этишни сўраган.

Туманлараро суди М. нинг ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги даъво талабларини қаноатлантирар экан, даъвогар судга мурожаат қилиш муддатини узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборган бўлсада, лекин иш берувчи томонидан даъвогарни ишдан бўшатишда касаба уюшмаси қўмитасининг розилиги олинмаганлиги ва уни ишдан бўшатишда меҳнат қонунчилигига риоя қилинмаганлигини асос қилиб, ходимни ишга тиклаш тўғрисида ҳал қилув қарорини қабул қилган.

Савол:

- 1) Жавобгарнинг важлари тўғрими?**
- 2) Туманлараро судининг ҳал қилув қарори асослими?**

2-масала

Олимов туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий прогул вақтлари учун иш ҳақи ундириш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилган.

Суд ҳал қилув қарорида даъво муддати ўтганлигини асос қилиб

кўрсатиб, даъвони қаноатлантиришни рад қилган.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларига қараганда, иш берувчи томонидан 2002 йил 15 апрелда Мехнат кодекси 100-моддасининг 1-бандига асосан Олимов билан меҳнат шартномаси бекор қилиниб, бу ҳакдаги буйруқ нусхаси даъвогарга 2002 йил 26 ноябрда берилган. Шундан сўнг Олимов 2002 йил 5 декабрда судга ишга тиклаш ва мажбурий прогул вақтлари учун иш ҳаки ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Савол: 1) Биринчи инстанция суди ва апелляция инстанция судларининг қарорлари тўғрими?

2) Мазкур масаланинг ҳал этилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумнинг “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида» ги 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарори қандай тушунтиришлар беради?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Процессуал муддатлар деб нимага айтилади?

- а) процессуал муддатлар деб, ишларни судларда кўриш учун кетган вақтга айтилади;
- б) процессуал муддатлар деб, суд томонидан тайинланган муддатга айтилади;
- в) процессуал муддатлар деб, фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал қилиш учун қонун билан белгиланган ёки суд томонидан тайинланган муддатга айтилади;
- г) процессуал муддатлар деб, қонунда кўрсатилган ва суд шахсан белигилаган муддатга айтилади.

2. Процессуал муддатлар...

- а) суд томонидан тайинланади;
- б) прокурор томонидан белгиланади;
- в) тарафларнинг келишувига биноан белгиланади;
- г) давлат бошқарув органлари томонидан белгиланади.

3. Фуқаролик ишларини судда кўришига тайёрлаш муддатлари неча кун?

- а) 7 кун;
- б) 10 кун, жуда мураккаб ишлар бўйича 20 кун;
- в) 7 кун, жуда мураккаб ишлар бўйича 20 кун;
- г) 10 кун.

4. Сайловчилар рўйхатидаги нотўгриликлар устидан берилган шикоятлар неча кун ичида кўрилиши лозим?

- а) шикоят берилган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмасдан;
- б) шикоят берилган кундан бошлаб дарҳол кўриш лозим;
- в) шикоят берилган кундан бошлаб 3 кундан кечиктирмасдан;
- г) шикоят берилган кундан бошлаб 5 кундан кечиктирмасдан.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва кўриш муддатлари тўгрисида”ги қарори қачон қабул қилинган?

- а) 1996 йил 20 декабр;
- б) 1998 йил 11 сентябр;
- в) 1999 йил 24 сентябр;
- г) 2001 йил 1 июн.

6. Суд томонидан тайинланган муддатни аниқланг.

- а) қўшимча ҳал қилув қарорини чиқариш масаласини қўзғатиш муддати;
- б) фуқаролик ишларини суда кўришга тайёрлаш муддати;
- в) аризадаги камчиликларни бартараф этиш белгиланган муддат;
- г) суд топшириқларини бажариш муддати.

7. Ишга тиклаш тўгрисидаги низолар учун қонунда белгиланган даъво муддати ўтказиб юборилган ҳолда даъвогар судга мурожаат қилган тақдирда, суд...

- а) даъво аризасини қабул қилишни рад этади;
- б) аризани ҳаракатсиз қолдиради;
- в) даъво қилиш муддати ўтказиб юборилган деган асос билан даъво аризни қабул қилмасликка ҳақли эмас;
- г) аризани кўрмасдан қолдиради.

8. Апелляция тартибида фуқаролик ишлари бўйича вилоят судларида иш кўриши муддатларини кўрсатинг?

- а) шикоят келиб тушган кундан эътиборан дарҳол;
- б) шикоят келиб тушган кундан эътиборан ўн кун;
- в) шикоят келиб тушган кундан эътиборан йигирма кун;
- г) шикоят келиб тушган кундан эътиборан бир ой.

9. Суд жаримасидан озод қилиш ва унинг миқдорини камайтириши тўгрисида қанча муддатда судга мурожаат қилиш мумкин?

- а) суд ажрими чиқарилган кундан эътиборан беш кун ичида;
- б) суд ажримининг нусхасини олганидан кейин беш кун ичида;

в) суд ажримининг нусхасини олганидан кейин ўн кун ичида;
 г) суд ажримининг нусхасини олганидан кейин йигирма кун ичида.

10. Вакил томонидан берилаётган даъво аризаларига ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошка хужжатлар илова қилинмаган бўлса, суд...

- а) аризани қабул қилишни рад этади;
- б) аризани ҳаракатсиз қолдиради;
- в) иш юритишни тўхтатади;
- г) иш юритишни тугатади.

11. Фуқаролик ишларини судда қўришининг энг қисқа муддати қанча тоифадаги ишлар учун жорий этилади?

- а) алимент ундириш ҳақидаги ишлар учун жорий этилади;
- б) суд томонидан прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризасини кўриб чиқишида татбиқ этилади;
- в) никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар учун жорий этилади;
- г) сайлов комиссиясининг ҳатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш учун жорий этилди.

12. Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризаси суд томонидан қанча муддатда кўриб чиқилади?

- а) 10 кун;
- б) 15 кун;
- в) 20 кун;
- г) 1 ой.

11-МАВЗУ. ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИНГ ТААЛЛУҚЛИЛИГИ РЕЖА:

1. Тааллуклилик тушунчаси ва турлари. Фуқароларнинг ва ташкилотларнинг субъектив ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи идоралар.
2. Фуқаролик ишларини судга тааллуклилиги (даъво тартибида кўриладиган ишлар) тушунчаси ва моҳияти. Фуқаролик ишларини судга тааллуклилиги ҳақидаги умумий қоидалар.
3. Фуқаролик, меҳнат, оила, турар-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг судга тааллуклилиги.
4. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят, ариза ва алоҳида тартибида кўриладиган ишларнинг судга тааллуклилиги.
5. Муаллифлик, ихтирочилик, юк ташиш ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларнинг тааллуклилиги. Айрим туркумдаги ишларни судга тааллуклилиги.
6. Давлат, жамоат ташкилотлари ўртасидаги мулкий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг тааллуклилиги.
7. Бир-бири билан боғлиқ бир қанча талабларнинг судга тааллуклилиги.

1-масала

Рахмонов вилоят ҳокимлиги лицензиялаш ишчи гурухининг қарорини ғайриқонуний деб топиш ҳақида судга даъво билан мурожаат қилган.

Суд даъвони қаноатлантирган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати иш судга тааллукли бўлмаганлиги учун суд қарорларини бекор қилиб, иш юритишни тугатди.

Савол:

- 1) Нима учун мазкур иш фуқаролик ишлари бўйича судга тааллукли эмас деб топилди?**
- 2) Тааллуклилик қоидаларига риоя қиласлик қандай оқибатларга олиб келади?**

2-масала

Урунова судга ариза билан мурожаат қилиб, 1951 йилдан Жумаев билан

эр-хотинлик муносабатларида бўлганлик фактини белгилашни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсати қуйидаги асосларга кўра, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, иш юритишни тугатган.

Аниқланишича, Урунова билан Жумаев 1951 йилдан ФХДЁ органида никоҳ тузмасдан, умумий хўжалик юритиш асосида бирга яшаб келганлар. Жумаев 1984 йилда вафот этган.

Савол:

1) Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсатининг қарори тўғрими?

2) Мазкур фуқаролик иши қандай ҳал этилиши лозим?

З-масала

«Иzzat» фермер хўжалиги бошлиғи Х.Зупаров жавобгарлар Тошкент тумани, А.Навоий номли жамоа хўжалиги ва Тошкент туман ҳокимлигига нисбатан судга даъво билан мурожаат қилиб, олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиб, иморатга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилашни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг 2002 йил 9 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган. Тошкент тумани, А.Навоий ширкат хўжалиги ҳудудидаги Калас дарёси ёқасида жойлашган умумий ер майдони 0,78 га ер участкаси ва ушбу жойдаги иморатларга нисбатан «Иzzat» фермер хўжалиги билан А.Навоий номли жамоа хўжалиги ўртасида оддий ёзма шаклда олди-сотди битими тузилганлиги аниқланиб, фермер хўжалигининг ушбу иморатларга эгалик ҳуқуқи ва улар жойлашган ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган.

Ишдаги хужжатларга қараганда, Тошкент тумани А.Навоий номли жамоа хўжалигининг 02.02.1995 йил 2-сонли қарорига асосан, хўжаликнинг ҳисобида бўлган 0,05 га ер майдонида жойлашган бузоқхона 120.000 сўмга баҳоланиб, «Иzzat» фермер хўжалигига сотилган. Ушбу ер майдонига туташ бўлган ва жамоа хўжалигининг тасарруфида бўлган 2053,67 кв.метр ер майдонида фермер хўжалиги томонидан иморатлар барпо қилинган ва Х.Зупаров айнан шу ер участкасида жойлашган иморатларга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилашни сўраган.

Савол: Туманлараро суднинг ҳал қилув қарори қонунийми?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Тааллуқликинг қандай турлари мавжуд?

- а) умумий ва маҳсус;
- б) қатъий шаклдаги тааллуқлилик;
- в) қатъий, шартли ва альтернатив тааллуқлилик;
- г) шартли тааллуқлилик.

2. Альтернатив тааллуқлилик қандай тааллуқлилик ҳисобланади?

- а) иш икки ёки ундан ортиқ органга тегишли бўлса, альтернатив тааллуқлилик дейилади;
- б) ишни факат судга тааллуқли эканлиги тушунилади;
- в) ишни суддан ташқари бошқа давлат органига тааллуқли эканлиги тушунилади;
- г) манфаатдор шахсларнинг низони ҳал қилишни сўраб, бир вақтнинг ўзида бир неча давлат органларига мурожаат этишга айтилади.

3. Низонинг иштирокчилари фақат фуқаролар бўлса, иши қайси органга тааллуқли бўлади?

- а) хўжалик судида;
- б) холислар судига;
- в) шаҳар ёки туманлараро судига
- г) прокуратура органларига.

4. Куйидаги фактлардан қайси бири суд тартибида белгиланиши мумкин эмас?

- а) боқувчисининг ўлими муносабати билан нафақа тайинлаш учун бирорвнинг қарамоғида бўлганлик факти;
- б) паспорт ва ФХДЁ органлари томонидан бериладиган гувоҳномаларни тегишлилиги факти;
- в) фуқарони ёки унинг ота онасини Иккинчи жаҳон уруши даврида эвакуация қилинганлик фактлари;
- г) баҳтсиз ҳодиса тўғрисидаги фактни.

5. Боқувчисининг ўлими муносабати билан нафақа тайинлаш учун бирорвнинг қарамоғида бўлганлик фактини белгилаш судга қадарли қайси орган томонидан кўриб чиқилиши лозим?

- а) ФХДЁ органларида;
- б) нотариал идораларда;
- в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида;
- г) ижтимоий таъминот бўлимлари.

6. Қуидаги меңнатга оид ишларининг қайси бири бевосита судларда күрилиши лозим бўлган ишлари жумласига кирмайди?

- а) янги меңнат шартларини белгилаш тўғрисидаги меңнат шартномаси мажбуриятларини қўлланиш масаласига доир меңнат низолари;
- б) ходим томонидан иш берувчига етказилган заарни ундириш ҳақидаги меңнат низолари;
- в) ишга тиклаш ҳақидаги меңнат низолари;
- г) иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси олдиндан келишиб ҳал этилган масала юзасидан келиб чиқсан меңнат низолари.

7. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоятлар бўйича ишлар тааллуқлиликнинг қайси турига мансуб?

- а) қатъий тааллуқлилик;
- б) альтернатив тааллуқлилик;
- в) шартли тааллуқлилик;
- г) мустасно тааллуқлилик.

8. Авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган фуқароларни кўчириш тўғрисидаги ишлар қуидаги қайси органларга тааллуқли?

- а) суд органларига;
- б) нотариал идораларга;
- в) Давлат уй жой фондини бошқариш билан шуғулланувчи органларга;
- г) прокуратура идораларида.

9. Қуидаги уй-жойга оид ишлардан қайси бири судга тааллуқли эмас?

- а) давлат уй-жой фондининг турар-жойига берилган хужжатни (ордерни) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар;
- б) ижара шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш тўғрисидаги ишлар;
- в) ўзбошимчалик билан турар жойни эгаллаб олган шахсларни кўчириш тўғрисидаги ишлар;
- г) ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжи учун олиб қўйилиши муносабати билан вужудга келадиган ишлар.

10. Алимент тўлаши тўғрисидаги келишувлар қайси орган томонидан кўриб, ҳал этилади?

- а) фақат суд органлари томонидан;

- б) ФХДЁ органлари томонидан;
- в) ижтимоий таъминот органлари томонидан;
- г) нотариал идоралар томонидан.

11. Аризани қабул қилиши жараёнида суд унинг судда кўриш учун тегишили эмаслигини аниқласа,...

- а) аризани қабул қилишни рад этади;
- б) аризани ҳаракатсиз қолдиради;
- в) аризани қўрмасдан қолдиради;
- г) ишни бир суддан бошқасига ўтказиш ҳақида ажрим чиқаради.

12. Ишини судда кўриш жараёнида унинг судга тааллуқли эмаслигини аниқласа, суд...

- а) даъво талабларини қаноатлантиришни рад этади;
- б) аризани ҳаракатсиз қолдиради;
- в) иш юритишни тугатади;
- г) аризани қўрмасдан қолдиради.

13. Судга тааллуқли бўлмаган ишини кўрсатинг?

- а) боланинг у ёки бу онадан туғилганлиги фактини белгилаш ҳақидаги ишлар;
- б) тўйни ўтказишга кетган сарф ҳаражатларни ундириш тўғрисидаги ишлар;
- в) ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжи учун олиб қўйилиши муносабати билан вужудга келадиган ишлар;
- г) фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидағи хатоларни белгилаш ҳақидаги ишлар.

12-МАВЗУ. ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИНГ СУДЛОВЛИЛИГИ

РЕЖА:

1. Судловлик тушунчаси ва унинг тааллуқлиликдан фарқи.
2. Судловлик турлари (турдош ва худудий).
3. Фуқаролик ишларининг судловлигини жиной ишларни судловлигидан фарқи.
4. Ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш асослари ва тартиби.
5. Фуқаролик ишлари бўйича судловлик ҳақидаги қоидаларига риоя қилмаслик оқибатлари.

1-масала

Даъвогар **I.** жавобгар “Ўзбекбирлашув” ҲЖга нисбатан етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан Чилонзор туманлараро судига мурожаат қилган.

Даъвогар ўзининг даъво аризасида кўрсатишича, Чилонзор тумани Фарҳод кўчасида “Ўзбекбирлашув” ҲЖга қарашли автомашинани бошқариб кетаётган **H.** томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилиб, унинг мол мулкига 500.000 сўмлик зарар етказилган.

Чилонзор туманлараро суди даъвогарнинг даъво аризасини қабул қилиш ва ишни судда кўришга тайрлаш тўғрисида ажрим қабул қилди. Суд жараёнида жавобгар “Ўзбекбирлашув” ҲЖнинг вакили даъво аризаси судловга тааллуқлилик қоидаларига риоя қилинмаган ҳолда қабул қилинганини ва иш жавобгарнинг жойлашган жойидаги судда кўзғатилиши лозимлигини кўрсатиб, ишни Юнусобод туманлараро судига ўтказиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилди. Чилонзор туманлараро суди жавобгар вакилининг илтимосномасини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим қабул қилди.

Савол:

- 1) Суднинг ажрими асослами?
- 2) Ишнинг бир суддан бошқа судга ўтказиш асосларини кўрсатинг?

2-масала

1. **A.** жавобгарлар вилоят божхона бошқармаси ва **T.** га нисбатан 17.440 кг. металларни рўйхатдан чиқариш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилган.

2. **P.** боқувчисининг ўлими натижасида кўрилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво аризаси билан “Тараққиёт” ОҲЖ га нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, эри **A.** ушбу корхонада электрик бўлиб ишлаганини ва меҳнат вазифасини бажарияётган пайтда бахтсиз

ходиса туфайли вафот этганлигини кўрсатади.

3. Г. МДХ таркибига кетган ва янги яшаш жойи аниқ бўлган **H.** билан тузилган никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризаси билан ўзи яшаб турган жойдаги судга даъво аризаси билан мурожаат қиласди.

4. X. алимент микдорини камайтириш тўғрисидаги даъво аризаси билан ўзи яшаб турган жойдаги судга ариза билан мурожаат қиласди.

5. Аризачи **T. A.** билан эр-хотинлик муносабатларида бўлганлик фактини белгилаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қиласди.

Савол:

Туманлааро судларга келиб тушган мазкур даъво аризалари ва аризалар бўйича ишнинг судловга таллуқлилигини аниқланг?

3-масала

P. Бектемир туманида жойлашган уйини **B.** га сотгач, доимий яшаш учун Шайхонтохур туманига кўчиб кетди.

B. уй-жой учун ҳисоблашиш вақтида **P.** га 250.000 сўм қарз бўлиб қолганлиги ва уч ой муддат ичидаги ушбу суммани тўлаши тўғрисида тилхат ёзил берди.

B. ўз оиласда аъзоларини Бектемир туманидаги янги олган уйига киритиб, сўнгра узоқ муддатга Термиз шахрига хизмат сафарига кетди.

250.000 сўм пулни тўлаш учун белгиланган уч ойлик муддат тугагач, **P.** ушбу суммани суд орқали ундиришни лозим топди.

Савол:

Мазкур иш қайси суднинг судловига тегишли?

4-масала

O. соғлиғига етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан Тошкент трактор заводига нисбатан судга мурожаат қиласган.

O. ўзининг яшаш жойидаги судга мурожаат қиласган бўлиб, суд ушбу аризани судловга тааллуқлилик қоидалари бузилганлигини асос қилиб, қабул қилишни рад этади. Суд ўз ажримида мазкур даъво аризаси билан жавобгар жойлашган ҳудуддаги судга мурожаат қилиш лозимлигини тушунтиради.

Савол:

1) Суднинг ҳаракатлари тўғрими?

5-масала

“ФОТОН» ҲЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, **P.** дан корхонанинг мулкига етказилган 500.000 сўмлик зарарни ундиришни сўраган.

Туманлараро суд мазкур даъво аризасини қабул қилишни рад этар экан, ўз ажримида жавобгар *P.* ҳозирги кунда аҳлоқ тузатиш калониясида жазо ўтаётганлигини, шунинг учун даъво аризаси жавобгарнинг ҳозирги кундаги яшаш жойидаги судда кўриб ҳал этилиши мумкинлигини кўрсатади.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди эса ушбу ажрим устидан берилган шикоятни кўриб чиқиб, туманлараро суднинг ажримини бекор қилган ҳамда ишни мазмунан кўриб ҳал қилиш учун ушбу таманлараро судга қайтарган.

Савол:

1) Юқоридаги қайси суднинг қарори асосли?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Судловликнинг қандай турлари бор?

- а) умумий ва маҳсус судловлик;
- б) худудий судловлик;
- в) турдош ва худудий судловлик;
- г) умумий судловлик.

2. Худудий судловлик неча турга бўлинади?

- а) фақат битта турга бўлинади;
- б) иккита тури мавжуд;
- в) учта тури мавжуд;
- г) туртта тури мавжуд.

3. Судловлик қоидаларига риоя қилмай судга мурожаат қилинган тақдирда, суд ...

- а) аризани ҳаракатсиз қолдиради;
- б) аризани кўрмасдан қолдиради;
- в) аризани қабул қилишни рад этади;
- г) аризани қабул қилиб, сўнгра ишни бир суддан бошқа судга ўтказади.

4. Суд судловга тааллуқлилик қоидаларига риоя қилган ҳолда ўзининг юритишига қабул қилиб олган ишни, кейинчалик бу иш бошқа суднинг судловига тааллуқли бўлиб қолса, ...

- а) иш юритишини тугатади;
- б) аризани кўрмасдан қолдиради;
- в) ишни бир суддан бошқасига ўтказади;
- г) мазмунан ҳал қилиши лозим бўлади.

5. Судловликнинг қайси тури тарафларнинг келишиувига биноан ўзгартирилиши мумкин эмас?

- а) алтернатив судловлик;
- б) шартномавий судловлик;
- в) мустасно судловлик;
- г) умумий судловлик.

6. Куйидагилардан қайси бири ишни бир судда бошқа судга ўтказиш учун асос бўлмайди?

- а) илгари турар жойи номаълум бўлган жавобгар ишни ўзи яшаб турган жойдаги судга ўтказишни илтимос қиласа;
- б) бир ёки бир неча судья рад қилингач, бу судда уларни алмаштириш мумкин бўлмай қолса;
- в) иш муайян судда кўрилаётганида бу иш судловга тааллуқлилик қоидалари бузилган ҳолда юритишга қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолса;
- г) иш судга тааллуқли бўлмаса.

7. МДҲ таркибиға кирган давлатларга кетган ва манзилгоҳи маълум бўлган шахслар билан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъволар...

- а) жавобгарнинг мол мулки жойлашган жойдаги судда қўзғатилади;
- б) никоҳ қайд этилган жойдаги судда қўзғатилади;
- в) даъвогарнинг яшаш жойидаги судда қўзғатилади;
- г) даъвогарнинг хоҳишига қараб, жавобгарнинг охирги яшаш жойи ёки янги яшаш жойидаги судда қўзғатилади.

8. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятлар билан қайси судга мурожсаат қилинади?

- а) шикоят қилувчи фуқаро яшаётган жойдаги судга;
- б) мансабдор шахснинг юқори турувчи органи жойлашган жойдаги судга;
- в) ҳуқуқбузарлик содир этилган жойдаги судга;
- г) фуқаронинг хоҳишига қараб, у яшаётган жойдаги ёки мансабдор шахснинг иш жойидаги судга берилади.

9. Куйидаги қайси иш даъвогарнинг танлаши бўйича судловлик турига мансуб эмас?

- а) алимент ундириш тўғрисидаги ишлар;

- б) оталикни белгилаш түғрисидаги ишлар;
- в) ишга тиклаш түғрисидаги ишлар;
- г) соғлиққа етказилған зарарни ундириш түғрисидаги ишлар.

10. Қуийдаги қайси ҳолат никохдан ажратиши түғрисидаги даъволар билан даъвогар яшаб турған жойидаги судда иш күзгатишига асос бўлмайди?

- а) даъвогарнинг вояга етмаган фарзандларини мавжудлиги;
- б) жавобгарнинг яшаш жойи номаълум бўлиши;
- в) даъвогарнинг ногиронлиги туфайли жавобгар яшаб турған жойга боришга қийналиши;
- г) даъвогарнинг оғир касаллиги туфайли жавобгар яшаб турған жойга боришга қийналиши.

13-МАВЗУ. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ИСБОТЛАШ ВА ДАЛИЛЛАР

РЕЖА:

1. Суддаги далиллар ва исботлаш воситаларининг тушунчаси ва мақсади. Суд томонидан исботлашга тегишли далолатлар (фактлар) доирасини аниклашда тарафлар, прокурор ва суднинг фаоллигига боғлиқлиги.
2. Исботлашни талаб қилмайдиган далиллар. Мусулмон ҳуқуқида далиллар.
3. Тарафлар ўртасида исботлаш бурчини тақсимлаш. Иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган далолат (факт)ларни тасдиқловчи далилларни талаб қилиб олишда суднинг фаолияти. Далил презумцияси, тушунчаси ва унинг моҳияти.
4. Далилларнинг турлари: шахсий ва ашёвий: бошлангич ва унга боғлик бўлган (хосила), тӯғри ва эгри, оғзаки ва ёзма далиллар.
5. Далилларнинг дахлдорлиги ва уларга йул кўйилиши. Далилларга баҳо бериш.
6. Исботлаш воситаларининг турлари. Тарафлар ва учинчи шахсларнинг тушунтиришлари. Гувоҳларнинг сўроқ қилишнинг процессуал тартиби. Гувоҳларнинг ҳуқуқ ва бурчлари.
7. Ёзма далиллар. Ёзма далилларнинг турлари. Ишда иштироқ этмайдиган бошқа тарафлар ва шахслардан ёзма далилларни талаб қилиб олиш тартиби. Ҳужжатларнинг қалбакилиги туфайли келиб чиқадиган низолар.
8. Ашёвий далиллар. Ашёвий далилларнинг ёзма далиллардан фарқи. Ашёвий далилларнинг тақдим қилиш ва уларни сақлаш тартиби. Жойни куздан кечириш. Жойни кўздан кечириш баённомаси.
9. Экспертиза, суд экспертизасини тайинлаш тартиби, уни суд мажлисида ва суддан ташқарида ўтказиш учун асослар. Экспертнинг холосаси ва уни мазмуни. Экспертнинг процессуал ҳуқуки ва бурчлари. Кўшимча ва қайта экспертиза тайинлаш. Судга мутахассисни жалб қилиш. Уларнинг процессуал ҳуқуқ ва бурчлари. Мутахассисни экспертдан фарқи.
10. Далилларни таъминлаш. Далилларни таъминлаш учун асослар. Даъвони кўзғатишга қадар ва кўзгатгандан кейин далилларни таъминлаш.
11. Суд топшириқлари. Суд топшириқларини бериш ва уларни бажаришнинг процессуал тартиби.

1-масала

Ю. ва **B.** лар моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида **B.** ва **Я.** ларга нисбатан даъво билан судга мурожаат қилган.

Суд **Ю.** ва **B.** ларнинг даъвосини қисман қаноатлантириб, уларнинг фойдасига **B.** ва **Я.** дан 1.605.525 сўм моддий ва 20.000.000 сўм маънавий зарар ундирган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2002 йил 21 июнда суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборди.

Савол:

1) Суднинг маънавий зарар суммасини белгилашда нималарга эътибор бериши талаб этилади?

2) Маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича исботлаш ва далиллар сифатида нималар эътироф этилади?

2-масала

K. судга даъво билан мурожаат қилиб, институтга талабалар қабул қилиш якунлари тўғрисидаги масала Илмий кенгашда муҳокама қилинаётганда **P.** институтнииг маданият соҳаси менеджери бўлимига 8 талаба ўрнига 12 талаба қабул қилинганлигини, бундан **K.** манфаатдор бўлганлигини, унинг шаъни, қадр-қимматига путур етказганлигини кўрсатиб, суддан шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишни ҳамда **P.** дан 25.000 сўм маънавий зарар ундириб беришни сўраган.

Биринчи инстанция суди **P.** нинг институт Илмий кенгashi йиғилишида талабаларни қабул қилишдаги камчиликлар ҳақидаги мулоҳазаларини **K.** нинг шаъни, қадр-қиммати ва обрўсига путур етказувчи маълумотлар, деб хulosага келган ва **K.** нинг даъво талбларини қаноатлантирган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2002 йил 17 май куни суд қарорларини бекор қилиб, **K.** нинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарар экан, **K.** институтда қабул комиссиясининг масъул котиби лавозимида ишлаб келган бўлиб, институтга қабул қилинадиган талабаларниң сонини белгилаш унинг хизмат ваколатига кирмаганлиги ва бундан ташқари **P.** институт Илмий кенгashi йиғилишидаги танқидида **K.** нинг номини тилга олмасдан, ишдаги камчиликларни айтиб ўтганлиги билан асослайди.

Савол:

1) Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими асослами?

2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 19 июндаги (1997 йил 2 май ва 1998 йил 11 сентябрдаги қўшимча ва ўзгартиришлар билан) "Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни кўллаш тўғрисида"ги қарорига кўра, қандай маълумотлар шахсни бадном қилувчи маълумотлар ҳисобланмайди?

3-масала

Даъвогар Е.Ковлиягина жавобгар Тошкент шаҳар «Тошгаз» бошқармасига нисбатан ишга тиклаш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Е.Ковлиягина Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 100-моддаси 2-қисмига асосан соғлиги ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойик бўлиб қолиши сабабли ишдан бўшатилган.

Иш хужжатларида кўринишича, Психоневрология диспансерининг хулосасига кўра, даъвогар 1979 йилдан буён ушбу диспансерда «шизофрения шубообразние парраноидная, психоподобной синдром» ташхиси билан рўйхатда турган ва иккинчи гуруҳ ногирони деб тан олинган.

Жавобгарнинг вакили И. судда даъво талабларига қарши ўз эътиrozларини билдириб, Е.Ковлиягина Тошкент шаҳар «Тошгаз» бошқармасида газ трассасини кузатиб турувчи лавозимида ишлаган ва ишга кириш пайтида соғлиги ҳолатини маъмуриятдан яширганлигини кўрсатган. Шунингдек, охирги йилларда унинг касаллиги қучайган, маъмурият унга енгилроқ ишни таклиф этган, лекин у бу ишни рад этганлигини таъкидлаган.

Туманлараро суднинг ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантирилган ва Е.Ковлиягина аввалги иш жойига тикланган.

Савол:

1) Биринчи инстанция судининг камчиликлари нимада?

2) Мазкур масалада суд томонидан ишнинг қайси ҳолатлари аниқланиши лозим?

4-масала

Даъвогар **P.** 27.09.2002 йилда туманлараро судига мурожаат қилиб, жавобгарлар **B.** ва **C.** ларни уй-жойдан мажбурий тартибда кўчиришни сўраган. Судда жавобгарлар **B.** ва **C.** даъвогарга нисбатан қарши даъво қўзғатиб, **P.** номига берилган васиятномани ҳақиқий эмас

деб топишни сўраганлар.

Туманлараро суд даъвогарнинг даъво талабарини қаноатлантириб, қарши даъвони рад этган.

Иш материалларига қараганда, жавобгарлар **B.** ва **C.** ўзларининг қарши даъволарида Р. номига берилган васиятномадаги имзо мархум В.га тегишли эмаслигини, васиятнома В.нинг ўлимидан кейин расмийлаштирилганлигини билдирганлар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринbosарининг назорат тартибидаги протестига асосан, ишни назорат тартибида кўриб чиқсан вилоят судининг раёсати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилган.

Савол:

1) Туманлараро суд жавобгарларнинг қарши даъволарида кўрсатилган важлар юзасидан ишнинг қайси ҳолатларини аниқлаши лозим эди?

2) Қарши даъво аризаси юзасидан суд кимни қўшимча жавобгар сифатида ишга жалб этиши лозим?

3) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида”ги қарорида мазкур иш юзасидан қандай тушунтиришлар берилади?

5-масала

Даъвогар **P.** жавобгарлар **L.** ва **M.** ларга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, улардан Сирдарё шаҳар, К.Муллаев кўчаси 88-йни 2.000.000 сўмга сотиб олишга келишганлигини, пулнинг бир қисмини берганлигини, аммо жавобгарлар шартномани расмийлаштириб бермаганлигини билдириб, олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топишни сўраган.

Вилоят судининг 08.11.2002 йилги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъво талаблари қаноатлантирилиб, улар ўртасидаги олди-сотди шартномаси ҳақиқий деб топилган, даъвогардан жавобгарлар фойдасига 1.800.000 сўм ундириб берилган.

Вилоят судининг апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатининг 11.04.2003 йилги ажрими билан иш бўйича барча суд қарорлари бекор қилинган.

Аниқланишича, низоли уй жавобгар М.нинг хотини М.нинг номида бўлган, у 2000 йилда даъвогар Р. дан 2.000.000 сўм қарз олиб, эвазига низоли уйни сотиш ҳуқуқини берувчи ишончнома берган,

лекин кейинчалик ишончномани бекор қилган.

Олиш-сотиши битимининг ҳақиқийлиги, сотувчига квартира ёки уй қийматини тўла ёки қисман берилганлиги гувоҳларнинг кўрсатмаси билан тасдиқланган.

Савол:

- 1) Ишни биринчи ва апелляция тартибида кўриб чиқсан судлар томонидан қандай камчиликларга йўл қўйилган?**
- 2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик кодексини қўлланишда амалиётда вужудга келадиган айrim масалалар тўғрисида”ги қарорида мазкур иш юзасидан қандай тушунтиришлар берилади?**
- 3) Мазкур иш юзасидан исботлаш воситаларини аниқланг?**

6-масала

Туман судига В. ва С. лар оталари В. ни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганлар.

Суд аризачиларнинг оғзаки кўрсатмалари асосида В.ни амбулатория тартибида суд рухий экспертизасини ўтказиши тўғрисида ажрим чиқарган ва ушбу ажримда эксперталар олдига «рухий касаллиги туфайли В. ўз ҳаракатларининг аҳамиятига тушунадими ва уларни бошқара оладими?” деган савол қўйган.

Савол:

- 1) Суд қайси асосларга кўра суд рухий экспертизасини ўтказиши тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли бўлади?**
- 2) Суд ажримида кўрсатилган экспертлар олдига қўйилган саволлар тўғрими?**

7-масала

T. бир ярим ёшли ўғли *M.*ни отаси *A.*дан олиб, ўзининг тарбиясига бериш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилган.

Суд *T.*нинг даъвосини рад қилган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2002 йил 26 апрелда суд қарорларини бекор қилиб, қуйидаги асосларга кўра, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги қарор чиқарди:

Ишда мавжуд васийлик ва ҳомийлик органининг хулосасида бола бир ярим ёшда бўлиб, туғилганидан онасининг тарбиясида бўлганлиги, онанинг ижобий аҳлоқий фазилатларга ва бола тарбияси учун етарли бўлган моддий-маиший шароитга эга эганлиги кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди ўз ҳал қилув қарорини даъвогар *T.* болани

икки маротаба отасига қолдириб кетганлиги факти билан асослайди.

Савол:

1) Биринчи инстанция суди томонидан қандай камчиликларга йўл қўйилган?

2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарорида мазкур масала юзасидан қандай тушунтиришлар берилган?

8-масала

Туманлараро суднинг даъвогар **I.**ни жавобгар Т., Юнусобод туман 1-сонли нотариал идорасига нисбатан Курувчи кўчаси 311-уй 25-хонадонининг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги 2001 йил 30 октябрдаги ҳал қилув қарорига қўра, жавобгар Т. томонидан уйга эгалик ҳуқуқи ҳақидаги хужжатлар қалбакилаштирилганлиги очик-ойдин тасдиқланган.

Савол:

1) Агар суд ишни қўриш жараёнида хужжат қалбаки деган хulosага келса, қандай процессуал чораларни амалга оширади?

9-масала

Фуқаро **B.** судга мурожаат қилиб, 2000 йил 16 ноябрда **III.** га фойдаланиш ва сотиш ҳуқуқи билан З йилга ишончнома берганини, бу ишончномани 2001 йил 9 сентябрда бекор қилганини, лекин **III.** уйни 2001 йил 2 сентябрда сотиб юборганини, ўзи уйни **III.** га сомаганини кўрсатиб, олиш-сотиш шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Туманлараро суднинг 2002 йил 18 майдаги ҳал қилув қарорига қўра, даъво қаноатлантирилган.

Вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажримига қўра, туманлараро суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилган. Судлов ҳайъати даъвогарнинг даъвосини рад этишда **B.** ўзига мутлақо нотаниш бўлган **III.** га нотариал идора орқали хусусий уй-жойни унга яшаш, фойдаланиш, таъмиrlаш, уни сотиш, сотилган пулни олиш ва бошқа турдаги ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи билан З йилга ишончнома берганини, шунингдек туар-жойни бўшатиб, уй калити ва хужжатларини берганини ҳисобга олган.

Бундан ташқари, суд **B.** уй-жойдан бир йил давомида хабар олмаганига, уйни тўловларини тўламаганлигига ҳам ўз эътиборини қаратиб, ФКнинг 142, 143-моддаларига асосланиб, уй-жой эвазига **B.** пул олган деган хulosага

келган.

Савол:

- 1) Судлов ҳайъатининг ажрими асослами?**
- 2) Мазкур ишда мавжуд бўлган исботлаш воситаларини туркумларга ажратинг?**

10-масала

Даъвогар **H.** жавобгарлар **L.** ва **B.** ларга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожат этиб, улардан Чархий кўчаси 88-йни 2.000.000 сўмга сотиб олишга келишганлигини, пулнинг бир қисмини берганлигини, аммо жавобгарлар шартномани расмийлаштириб бермаётганлигини билдириб, олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди гувоҳларнинг кўрсатмаларига асосланган ҳолда ўз ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари қаноатлантириб, даъвогар ва жавобгарлар ўртасидаги олди-сотди шартномаси ҳақиқий деб топган ва жавобгарлардан даъвогар фойдасига 1.800.000 сўм ундириб берган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 24.12.2002 йилги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинган.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қонунийми?**
- 2) Мазкур низоли иш қандай ҳал этилиши лозим?**

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Фуқаролик процессида исботлаш деб нимага айтилади?

- а) исботлаш бу факат тарафларнинг фуқаролик ишини ҳал қилиш учун зарур бўлган фактларнинг мавжуд бўлиш-бўлмаслигини аниқлашга қаратилган фаолиятидир;
- б) исботлаш бу тарафлар ҳамда суднинг фуқаролик ишини ҳал қилиш учун зарур бўлган фактларнинг мавжуд бўлиш-бўлмаслигини аниқлашга қаратилган фаолиятидир;
- в) исботлаш бу тарафлар, суд, прокурор ва бошқа шахсларнинг фуқаролик ишини ҳал қилиш учун зарур бўлган фактларнинг мавжуд бўлиш-бўлмаслигини аниқлашга қаратилган фаолиятидир;
- г) исботлаш бу факат тарафлар ва учинчи шахсларнинг фуқаролик ишини ҳал қилиш учун зарур бўлган фактларнинг мавжуд бўлиш-бўлмаслигини аниқлашга қаратилган фаолиятидир.

2. Судга оид далиллар деб нимага айтилади?

- а) судга оид далиллар деб фуқаролик ишини ҳал қилиш учун лозим бўлган барча фактик маълумотларга айтилади;
- б) судга оид далиллар деб фуқаролик иши учун аҳамиятли бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни олишнинг қонун билан белгиланган процессуал воситаларига ва исботлаш аҳамиятига эга бўлган фактларга айтилади;
- в) судга оид далиллар деб тарафларнинг талаб ва эътиrozларини асослайдиган ҳар қандай фактик маълумотларга айтилади;
- г) тўғри жавоб **а** ва **в**.

3. Эксперт фикр беришдан бош торта оладими?

- а) эксперт, агар унга берилган материаллар етарли бўлмаса ёки ўз зиммасига юклangan вазифани бажариш учун етарли билимга эга бўлмаса, фикр беришдан бош торта олади;
- б) эксперт фикр беришдан бош тортиши мумкин эмас;
- в) юқори турувчи экспертиза муассасасининг розилиги билан эксперт фикр беришдан бош тортиши мумкин;
- г) тўғри жавоб **а** ва **б**.

4. Мутахассисга нисбатан суд жарималари қўллаши мумкини?

- а) мутахассис хulosса беришдан бош тортса, мумкин;
- б) мутахассисга нисбатан суд жарималари қўлланилмайди;
- в) мутахассис суд мажлисига узрсиз келмаса қўлланилади;
- г) қонунда кўрсатилган ҳолларда қўлланилади.

5. Куйидаги қайси шахсларнинг хulosса ва фикрлари суд учун мажбурий характерга эга?

- а) прокурорнинг фикри;
- б) давлат бошқарув идораларининг хulosалари;
- в) эксперт хulosалари;
- г) тўғри жавоб йўқ.

6. Одам ДНКси суд биологик экспертизаси ўтказиш учун эксперталрга қандай ҳужжатлар тақдим этилиши зарур эмас?

- а) экспертиза тайинлаш (ўтказиш) ҳақидаги суд ажрими;
- б) қон намунаси олинганлиги ҳақидаги баённома нусхаси;
- в) жавобгарнинг яшаш ва ишлаш манзили ҳақидаги маълумотлар;
- г) экспертиза хизмати учун ҳақ тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат.

7. Далилларни таъминлашдан мақсад нима?

- а) фуқаролик ишини ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ва ҳал қилиш мақсадида;
- б) суд чиқарган ҳал қилув қарорларининг ижроси қийинлашишини олдини олиш мақсадида;
- в) иш учун зарур бўлган далилларни кейинчалик тақдим этиш мумкин бўлмай қолишини олдини олиш мақсадида;
- г) иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган далилларни судга тақдим этиш мақсадида.

8. Фуқаролик процессида исботлаш деб нимага айтилади?

- а) исботлаш деб фақат тарафларнинг фуқаролик ишини ҳал қилиш учун зарур бўлган фактларнинг мавжуд бўлиш-бўлмаслигини аниқлашга қаратилган фаолиятга айтилади;
- б) исботлаш тарафлар ҳамда суднинг фуқаролик ишини ҳал қилиш учун зарур бўлган фактларнинг мавжуд бўлиш-бўлмаслигини аниқлашга қаратилган фаолиятидир;
- в) исботлаш деб тарафлар, суд, прокурор ва бошқа шахсларнинг фуқаролик ишини ҳал қилиш учун зарур бўлган фактларнинг мавжуд бўлиш-бўлмаслигини аниқлашга қаратилган фаолиятга айтилади;
- г) исботлаш фақат тарафлар ва учинчи шахсларнинг фуқаролик ишини ҳал қилиш учун зарур бўлган фактларнинг мавжуд бўлиш-бўлмаслигини аниқлашга қаратилган фаолиятидир.

9. Эксперт иш юзасидан хулоса беришдан бош торта оладими?

- а) эксперт, агар унга берилган материаллар етарли бўлмаса ёки ўз зиммасига юкланган вазифани бажариш учун етарли билимга эга бўлмаса, хулоса беришдан бош торта олади;
- б) агар эксперт ишда иштирок этувчи тарафларга хизмат юзасидан ёхуд бошқача тарзда қарам бўлса, иш юзасидан хулоса беришдан бош тортиши мумкин;
- в) юқори турувчи экспертиза муассасасининг розилиги билан эксперт хулоса беришдан бош тортиши мумкин;
- г) эксперт хулоса беришдан бош тортиши мумкин эмас.

10. Эксперт хулосаси билан бошқа шахсларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилаётган давлат бошқаруви органлари хулосаси ўртасидан қандай фарқи мавжуд?

- а) эксперт хулосаси ёзма равища берилади, лекин давлат

- бошқаруви органларининг хulosалари оғзаки равища берилади;
- б) эксперт хulosаси суд учун мажбурий, лекин давлат бошқаруви органларининг хulosалари суд учун мажбурий характерга эга бўлмайди;
- в) эксперт хulosаси исботлаш воситаси ҳисобланади, лекин давлат бошқаруви органларининг хulosалари исботлаш воситаси бўла олмайди;
- г) эксперт хulosаси суд ажримида қўйилган саволларга жавоб тариқасида берилади, лекин давлат бошқаруви органларининг хulosалари суд ажримида қўйилган саволларга жавоб тариқасида берилмайди.

11. Далиллар тузилиши ва вужудга келишига қараб қандай турларга бўлинади?

- а) дастлабки ва хосила далиллар;
- б) тўғри ва эгри далиллар;
- в) оддий ёзма ва нотариал гувоҳлантирилган далиллар;
- г) расмий ва хусусий далиллар.

12. Далил билан исботланувчи факт ўртасидаги узвий боғланишига қараб далиллар қандай турларга бўлинади?

- а) шахсий ва ашёвий далиллар;
- б) дастлабки ва хосила далиллар;
- в) расмий ва хусусий далиллар;
- г) тўғри ва эгри далиллар.

13. Суд томонидан экспертиза ўтказиши тайинланган бўлса, судъя...

- а) иш юритишни тўхтатиш ҳақида ажрим чиқаради;
- б) иш қўришни бошқа кунга қолдириш ҳақида ажрим чиқаради;
- в) ариза харакатсиз қолдирилади;
- г) ариза кўрмасдан қолдирилади.

14-МАВЗУ. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ДАЬВО

РЕЖА:

1. Судда даъво ишларини юритиш тартибida кўриладиган ишлар.
2. Даъво тушунчаси. Даъвонинг элементлари.
3. Даъво турлари (ижро ва эътироф этиш даъволари).
4. Даъвога бўлган ҳуқуқ ва даъво кўзғатишга бўлган ҳуқуқ.
5. Даъвони бирлаштириш ва ажратиш.
6. Даъвога қарши эътиroz билдириш (моддий ва процессуал ҳуқуқий),
7. Карши даъво, қарши даъвони кўзғатиш тартиби.
8. Даъвони таъминлаш ва даъвони таъмишлашни бекор қилиш.
Жиноий ишларда фуқаровий даъволар.

1-масала

A. судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Мумтоз” илмий ишлаб чиқариш ижара корхонасига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириш, маънавий зарарни ундиришни сўраган.

Даъвогар судда даъво талабларини қисман ўзгартириб, корхонага ишга тиклаш ўрнига меҳнат шартномасини бекор қилиш таърифини ўз ташаббуси билан тарафларнинг келишувига кўра ўзгартиришни, уч ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган қўшимча компенсация ундирилишини, мажбурий бекор юрган вақт учун иш ҳақи ва маънавий зарарни ундиришни ҳамда корхонанинг мулкидан ўзига тегишли бўлган хиссани ажратиб беришни сўраган.

Суд даъвогарнинг талабларини тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Савол:

1. Суд қайси ҳолларда даъвогарнинг бир неча талаблари юзасидан ишни мазмунан кўриб, ҳал қилув қарори чиқариши мумкин?

2. Юқоридаги масалада суд қандай камчиликларга йўл қўйган?

2-масала

A. туманлараро судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, *B.* билан 1999 йил 15 сентябрда қонуний никоҳдан ўтиб, турмушларидан 2001 йил 23 октябрда туғилган *I.* исмли бир нафар фарзандли бўлишганини, лекин *B.* фарзандининг тарбияси ва моддий таъминоти билан умуман шуғулланмаётганини кўрсатиб, бир ёшли ўғли *I.* нинг моддий таъминоти учун *B.* дан алимент ундиришни сўраган.

Судда жавобгар **B.** даъвога нисбатан эътиroz билдириб, у туғилган фарзанднинг отаси эмаслигини, 2000 йилнинг 25 май куни хизмат сафари билан БАА га кетиб, 2001 йилнинг 25 декабрида сафардан қайтганини, шу давр ичида Ўзбекистонда бўлмаганлиги ва даъвогар билан кўришмаганлигини, буни тасдиқлайдиган тегишли далиллар ва гувоҳлар мавжудлигини кўрсатиб, оталикни белгилаш тўғрисида қарши даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Суд жавобгарнинг қарши даъво аризасини қаноатлантириб, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарган.

Савол:

- 1) Суднинг ҳал қилув қарори тўғрими?
- 2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Оталикни белгилаш ҳақидаги ишларни кўришда судлар томонидан қонунларнинг татбиқ этилиши тўғрисида»ги 2001 йил 1 июн қарорида ушбу масала юзасидан қандай тутунтиришлар берилади?
- 3) Жавобгар манфаатларини ҳимоя қилишнинг қандай процессуал воситалари мавжуд?
- 4) Эътиrozнинг қарши даъводан фарқини тушунтириб беринг?
- 5) Қарши даъво аризасини қабул қилишнинг қандай шартлари бор?

З-масала

A., *P.*, ва *O.* лар “Учқун” ишлаб чиқариш бирлашмасига нисбатан ишга тиклаш, мажбур бекор юрган вақт учун иш ҳақи ундириш ҳамда маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан туманлараро судга мурожаат қилишган.

Суд даъво аризасини ўз иш юритувига қабул қилиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқарган.

Мазкур суднинг иш юритувида “Учқун” ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходими бўлмиш **K.** нинг ушбу корхона бошлиғига нисбатан шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўси камситилганлиги учун етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги низоли иш мавжуд бўлган. Туманлараро суд ФПК 156-моддасига асосланиб, *A.*, *P.*, ва *O.* ларнинг “Учқун” ишлаб чиқариш бирлашмасига нисбатан ишга тиклаш, мажбур бекор юрган вақт учун иш ҳақи ундириш ҳамда маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво иши билан **K.** нинг ушбу корхона бошлиғига нисбатан шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўси камситилганлиги учун етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги низоли ишни бирлаштириш тўғрисида ажрим чиқарган.

Савол:

- 1) Туманлараро суднинг ажрими асослими?**
- 2) Судьянинг бир турдаги ишларни бирлаштириши учун қандай талаблар бўлиши лозим?**

4-масала

K. судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, *I.* билан ўзаро тузилган никоҳдан ажратишни ҳамда жавобгар мунтазам равища спиртли ичимликларни сусистеъмол қилиши ва ўз оиласини моддий жиҳатдан қийин аҳволга солиб қўйганлигини кўрсатиб, *I.* нинг муомала лаёқатини чеклашни сўраган.

Туманлараро суд даъвогарнинг даъво аризасини қабул қилиб, ишни мазмунан кўиб чиққан ва даъвогарнинг барча даъво талабларини қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарор қабул қилган.

Савол:

- 1) Суднинг ҳаракатлари тўғрими?**
- 2) Мазкур иш қандай ҳал этилиши лозим?**

ТЕСТ САВОЛЛАРИ**1. Фуқаролик даъвосининг томонлари қайсилар?**

- а) моддий ва мулкий;
- б) моддий ва процессуал;
- в) процессуал ва мулкий;
- г) моддий ва номоддий.

2. Ота-оналик хукуқидан маҳрум қилиши тўғрисидаги ишлар билан биргаликда кўрилиши мумкин бўлмаган ишларни кўрсатинг?

- а) туур жойдан кўчириш тўғрисидаги ишлар;
- б) алимент ундириш тўғрисидаги ишлар;
- в) никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар;
- г) ушбу ишлар бошқа туркумдаги ишлар билан биргаликда кўрилиши мумкин эмас.

3. Даъвони таъминлашдан мақсад нима?

- а) фуқаролик ишини ўз вақтида ва тўғри кўриб ҳал қилиш мақсадида;
- б) суд чиқарган ҳал қилув қарорларининг ижроси қийинлашишини олдини олиш мақсадида;

- в) иш учун зарур бўлган далилларни кейинчалик тақдим этиш мумкин бўлмай қолишини олдини олиш мақсадида;
 г) иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган далилларни судга тақдим этиш мақсадида.

4. Эр-хотиннинг мулкини бўлиши ҳақидаги талаби қайси ҳолларда никоҳдан ажратиш ҳақидаги иш билан бирга кўрилиши мумкин эмас?

- а) агар бу низони тўғри ҳал қилиш учун ишга учинчи шахсни жалб қилиш зарур бўлса;
 б) алимент ундириш тўғрисида талаб мавжуд бўлса;
 в) эр-хотиннинг никоҳгача бўлган хусусий ва бошқа мулкларни ундириш ҳақидаги талаблари мавжуд бўлса;
 г) ҳар қандай ҳолатда ҳам эр-хотиннинг мулкни бўлиш ҳақидаги талаби уларни никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишдан ажратилиши мумкин эмас.

5. Даъвони таъминлаши тўғрисидаги ажрим қачон ижро қилинади?

- а) суднинг ажрими чиққан кундан эътиборан 10 кундан кейин;
 б) суднинг ажрими чиққан кундан эътиборан 20 кундан кейин;
 в) суднинг ажрими чиққан кундан эътиборан 1 ойдан кейин;
 г) суднинг ажрими чиққан кундан эътиборан дарҳол ижро қилинади.

15-МАВЗУ: ФУҚАРОЛИК ИШИНИ ҚҰЗҒАТИШ

РЕЖА:

1. Ариза бериш тартиби ва унга риоя қилмаслик оқибатлари.
2. Даъво аризалари, унинг тузилиши ва мазмуни. Даъво аризасидаги камчиликларни тузатиш.
3. Аризани қабул қилиш уни рад қилиш асослари ва уни расмийлаштириш тартиби.
4. Судьянинг бир турдаги ишларни бирлаштириш ва талабни ажратиш ҳуқуки.

1-масала

P. мансабдор шахс *B.* нинг хатти-ҳаракатларини гайриқонуний деб топиш ҳақида шикоят билан судга мурожаат қилган.

Суд аризани қабул қилишни рад этиш ҳақида ажрим чиқарған.

Суд аризани қабул қилишда рад этиш учун асос қилиб муқаддам *P.* ни ишга тиклаш, етказилған заарларни ундириш ҳақидаги фуқаролик иши судда күрилиб, ушбу низо юзасидан қонуний кучга кирған ҳал қилув қарори мавжудлигини күрсатған.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2002 йил 17 май куни суд ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборди.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция судининг ажрими қонунийми?**
- 2) Аризани қабул қилишни рад этиш асосларини кўрсатинг?**

2-масала

15 ёшли *A.* исмли шахс ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақт учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Суд ФПКнинг 152-моддасининг 6-бандига кўра, яъни ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилганлиги асосида даъво аризасини қабул қилишни рад этган.

Савол:

- 1) Суд томонидан камчиликларга йўл қўйилғанми?**
- 2) Даъво аризасини қабул қилишни рад этишга қайси ҳолларда йўл қўйилади?**

3-масала

Махмудова ишга тиклаш ҳақидаги даъво аризаси билан судга 2000 йил 3 декабрь куни, яъни ишдан бўшатилганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхасини олган кундан бир ярим ой ўтгач мурожаат қилган. Туман

судининг 2000 йил 6 декабр кунидаги ажрими билан даъвогарнинг судга мурожаат қилиш учун даъво муддатининг ўтказиб юборганлигини кўрсатиб, аризани кўрмасдан қолдирган.

Савол:

- 1) Суднинг ҳаракатлари тўғрими?**
- 2) Қайси ҳолларда суд аризани кўрмасдан қолдиради?**

4-масала

15 ёшли **B.** судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, **B.** билан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган ва бунга асос қилиб, **B.** билан никоҳга никоҳ ёши етмасдан киришгандиниги ва бунга унинг ота-оналари мажбур қилгандигини кўрсатган.

Туманларо суд **B.** нинг даъво аризасини унинг муомалага лаёқатсиз эканлигини асос қилиб, қабул қилишни рад этар экан, ушбу даъво аризаси билан унинг қонуний вакиллари, яъни ота-оналари ёки унинг эри **B.** судга мурожаат қилиши мумкинлигини кўрсатган.

Савол:

- 1) Туманлараро суднинг аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрими асослими?**
- 2) **B.** ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун нима қилиши лозим?**

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Аризани ҳаракатсиз қолдиришига асос бўлмайдиган ҳолатни кўрсатинг.

- а) аризанинг мазмуни процессуал қонун талабларига жавоб бермаса;
- б) ариза жавобгарнинг сонига мутаносиб микдорда нусхаларда берилмаса;
- в) ариза учун давлат божи тўланмаган бўлса;
- г) аризани муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса.

2. Отa-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиши тўғрисидаги ишлар билан биргаликда кўрилиши мумкин бўлмаган ишини кўрсатинг

- а) тураг-жойдан кўчириш тўғрисидаги ишлар;
- б) алимент ундириш тўғрисидаги ишлар;
- в) никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар;
- г) ушбу ишлар бошқа туркумдаги ишлар билан биргаликда кўрилиши мумкин эмас.

3. Қийидагиларнинг қайси бири аризани қабул қилишини рад этиши асослари бўла олмайди?

- а) ариза судда кўришга тегишли бўлмаса;
- б) иш шу суднинг судловига тааллукли бўлмаса;
- в) ариза муомалага лаёқати чекланган шахс томонидан берилган бўлса;
- г) манфаатдор шахс номидан аризани иш қўзғатиш ваколатига эга бўлмаган шахс берган бўлса;

4. Судья аризани қабул қилишини рад этар экан, бу ҳақда...

- а) ариза тушган кундан эътиборан уч кун ичида асослантирилган ажрим чиқаради;
- б) ариза тушган кундан эътиборан беш кун ичида асослантирилган ажрим чиқаради;
- в) ариза тушган кундан эътиборан ўн кун ичида асослантирилган ажрим чиқаради;
- г) ариза тушган кундан эътиборан дарҳол асослантирилган ажрим чиқаради;

5. Суд қийидаги қайси ҳолларда аризани ҳаракатсиз қолдиради?

- а) даъво муддати ўтказиб юборилиб, судга мурожаат қилинганда;
- б) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;
- в) манфаатдор шахс номидан аризани иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс берган бўлса;
- г) даъвогар аризага илова қилинган хужжатларнинг нусхаларини жавобгарларнинг сонига мутаносиб микдорда тақдим этиш ҳақидаги суд кўрсатмаларини бажармаса.

6. Қийидаги қайси ҳолларда болалар таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ишлар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишдан алоҳида кўрилади?

- а) агар жавобгар туғилиш тўғрисидаги ёзувларни қайд қилиш дафтаридағи ёзувда отаси ёки онаси деб ёзилганига эътиroz билдиrsa;
- б) агар жавобгар алимент ундириш тўғрисидаги талабни рад қилса;
- в) агар боланинг таъминоти учун вақтинчалик алимент ундириш талаб этилса;
- г) болалар таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ишлар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишдан алоҳида кўрилиши мумкин эмас.

7. Вакил томонидан берилаётган даъво аризасига ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа хужжат илова қилинмаса, суд...

- а) аризани қабул қилишни рад этади;
- б) аризани ҳаракатсиз қолдиради;
- в) иш юритишни кейинга қолдиради;
- г) иш юритишни тўхтатади.

8. Хотиннинг бир ёшига етмаган фарзанди бўлиб, эр хотиннинг розилигисиз никоҳдан ажратиши ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожсаат қилса, суд...

- а) аризани кўрмасдан қолдиради;
- б) аризани ҳаракатсиз қолдиради;
- в) аризани қабул қилишни рад этади;
- г) иш юритишни тугатади.

9. Агар хотиннинг бир ёшига етмаган фарзанди бўлиб, никоҳдан ажратиши ҳақидаги иш хотиннинг розилигисиз қўзгатилган бўлса, суд...

- а) аризани кўрмасдан қолдиради;
- б) иш кўришни кейинга қолдиради;
- в) иш юритишни тўхтатади;
- г) иш юритишни тугатади.

16-МАВЗУ: ИШНИ СУДДА КЎРИШГА ТАЙЁРЛАШ

РЕЖА:

1. Ишни судда кўришга тайёрлаш фуқаролик процессининг мустақил босқичи эканлиги ва унинг вазифалари ҳақида.
2. Ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судья томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлари ва ишни судда кўришга тайёрлаш муддатлари.
3. Ишни кўришга тайинлаш. Суд чақириклари ва суд хабарлари. Судга чақириш тўғрисидаги суд чақирув хатининг мазмуни. Судга чақириш тўғрисидаги чақирув хатини топшириш тартиби.
4. Суд чақирув хатини қабул қилиб олишдан бош тортиш оқибатлари. Жавобгарни қидириш учун асослар.

1-масала

C. ишга тиклаш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Судья даъвогарга ходимни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ нусхасини тақдим этиш мажбуриятини юклади. Даъвогар эса корхона раҳбари ушбу буйруқнинг нусхасини беришдан бош тортганлигини кўрсатган. Ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида судья жавобгар зиммасига ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ нусхасини ва **C.** нинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ касаба уюшмаси томонидан бериладиган тавсифномани топшириш мажбуриятини юклади. Суд томонидан тайинланган муддат ичida жавобгар томонидан ушбу хужжатлар судга тақдим қилинмаган. Шу муносабат билан судья корхона раҳбари ва касаба уюшмаси раиси зиммасига суд жарималарини солиш ҳақида ажрим чиқарган.

Савол:

Суднинг ҳаракатлари тўғрими?

2-масала

Даъвогар **A.** судга мурожаат қилиб, жавобгар **M.** га нисбатан уйга киритиб қўйиш ва мерос уйни бўлишни сўраган.

Туман судининг 2000 йил 29 августдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, низоли уй даъвогар **A.** ва жавобгар **M.** ўртасида бўлинган. **A.** уйга киритиб қўйилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг 2001 йил 18 мартағи ажримига асосан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими кўра, қуий судларнинг қарорлари бекор қилинган.

Аниқланишича, иш бўйича бошқа меросхўрлар **У.** ва **M.** лар суд процессига жалб этилмаган.

Савол:

1) Мазкур иш юзасидан биринчи инстанция суди ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида қандай процессуал ҳаракатларни амалга ошириши лозим эди?

2) Мазкур иш қандай ҳал этилиши лозим?

3-масала

Даъвогар Р.Исоқов Андижон шаҳар судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, иш жойи-Давлат банкининг Пойтуғ бўлимига кетаётиб, поездга урилиши натижасида тан жароҳати олиб, ногирон бўлиб қолганлигини ва олаётган нафақаси билан иш ҳақи ўртасидаги фарқни соғлиғига етказилган зарар сифатида жавобгар-Марказий банкнинг Андижон вилояти бўлимидан ундириб беришни сўраган.

Ишдаги мавжуд хужжатлар даъвогар ўзининг шахсий мотоциклида ишга кетаётганида поездга урилиб, жароҳат олганлигидан далолат беради.

Андижон шаҳар судининг 1997 йил 28 январдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилиб, Давлат банкидан унинг фойдасига 51.216 сўм ундирилган. Даъвогарнинг даъвосини қаноатлантиришда суд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш ҳақида» ги қоидаларни қўллаганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан Андижон вилоят суди раёсатига киритилган протест қаноатлантирилган ва ушбу суд ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган.

Савол:

1) Биринчи инстанция суди томонидан қандай камчиликларга йўл қўйилган?

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш ҳақида» ги Қоидаларни қўллашда суд қандай камчиликларга йўл қўйган?

3) Мазкур иш қандай ҳал этилиши лозим?

4-масала

А. “Ташчинет” қўшма корхонасига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан туманлараро судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида судья даъвогар ва жавобгарларни сўроқлаш жараёнида даъвогарни арз қилган талабларининг моҳиятини ҳамда ундан жавобгар билдириши мумкин бўлган эътиrozларни аниқлаб, даъвогарга ўз даъвосидан воз кечишни, чунки иш берувчи томонидан тақдим этилган далиллар ишонарли эканлигини ва у процессда ютқазиб қўйиши мумкинлигини тушунтиради.

Савол:

- 1) Ишни судда кўриш жараёнида судья томонидан йўл қўйилган мазкур ҳараат тўғрими?**
- 2) Мазкур ҳолатда даъвогарнинг амалга ошириши мумкин бўлган процессуал ҳаракатлари нимадан иборат бўлади?**

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

1. Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида судья қандай ҳаракатларни амалга оширишига ҳақли бўлмайди?

- а) ишни кўришда вакилларнинг қатнаниш масаласини ҳал қилиш;
- б) бошқа судларга суд топшириқларини юбориш;
- в) суд харажатларининг тақсимоти масаласини ҳал қилиш;
- г) ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш.

2. Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида судья қуидаги шахслардан кимларни сўроқ қилиши хукуқига эга эмас?

- а) гувоҳларни;
- б) даъвогарни;
- в) жавобгарни;
- г) мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахсларни.

3. Ишни судда кўриш учун тайёрлаш босқичида судья томонидан қандай қарорларни қабул қилишига йўл қўйилмайди?

- а) иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримни;
- б) аризани кўрмасдан қолдириш ҳақидаги ажримни;
- в) суд топшириқларини;
- г) қўшимча ҳал қилув қарорини.

4. Ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлиси тўғрисида хабардор қилишининг қайси воситалари тадбиқ этилмайди?

- а) суд чақирув хатлари орқали;
- б) телеграммалар орқали;
- в) телефонограммалар орқали;
- г) Internet ёрдамида.

5. Суд чақирув хатларида қуийдагилардан қайси бири мавжуд бўлмайди?

- а) суднинг номи ва аниқ манзили;
- б) шахс қандай иш юзасидан чақирилаётганлиги;
- в) суд ҳал қилув қарори қандай мазмунда чиқарилиши мумкинлиги;
- г) судга келмаслик оқибатлари.

6. Жавобгарнинг чақирув қоғозини қабул қилишдан бош тортини оқибати тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг.

- а) ариза ҳаракатсиз қолдирилади;
- б) иш фуқаролик процесуал қонунчилигига белгиланган умумий тартибда кўриб чиқилади;
- в) даъвогарнинг розилиги билан иш жавобгарнинг иштирокисиз, сиртдан кўрилади;
- г) ариза кўрмасдан қолдирилади.

7. Ишни судда кўришга тайёрлаш вазифалари нотўғри кўрсатилган жавобни белгиланг.

- а) тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини ва ишни кўришда амал қилиниши лозим бўлган қонунни аниқлаш;
- б) қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш;
- в) ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниқлаш ва уларнинг ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилишини таъминлаш;
- г) ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар таркиби масаласини ҳал этиш.

8. Куйидаги асослардан қайси бири мавжуд бўлганида суд иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур бўлади?

- а) тараф қуролли Кучлар таркибида муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган бўлса ёки мазкур шахслар давлатнинг бирорта мажбуриягини бажариш учун жалб қилинган бўлса;
- б) жавобгар қуролли Кучларнинг ҳаракатдаги қисмида бўлса ёки қуролли Кучларнинг ҳаракатдаги қисмида бўлган даъвогар илтимос

қилса;

- в) тараф даволаш муассасасида бўлса, шунингдек тарафлардан бирида судга келишга тўсқинлик қиласиган, тиббиёт муассасасининг маълумотномаси билан тасдиқланган касаллик мавжуд бўлса;
- г) тараф узок муддатли хизмат сафарида бўлса ёки бошқа узрли сабабга кўра йўқ бўлса.

9. Ишни судда кўришга тайёрлашнинг асосий мақсади нимада?

- а) тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини ва ишни кўришда амал қилиниши лозим бўлган қонунни аниқлаш;
- б) қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш;
- в) ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниқлаш ва уларнинг ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилишини таъминлаш;
- г) ишни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш.

17-МАВЗУ: ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СУДДА МУХОКАМА ҚИЛИШ

РЕЖА:

1. Судда иш кўриш фуқаролик процессининг асосий ва муҳим босқичи эканлиги. Судда ишни мухокама қилишда раислик қилувчининг ўрни.
2. Суд мажлисининг қисмлари. Суд мажлисининг тайёрлов қисми. Суд мажлисига чақирилган шахсларни келмай қолиш оқибатлари. Судъяларни ва жараёнда қатнашувчи бошқа шахсларни четлатиш асослари ва ҳал этиш тартиби.
3. Ишни мазмунан мухокама қилиш.
4. Суд музокаралари. Ишни мазмуни бўйича прокурорнинг хулосаси.
5. Иш юзасидан суднинг ҳал қилув қарорини чиқариш ва уни эълон қилиш.
6. Иш кўришни кейинга қолдириш. Иш юритишни тўхтатиши.
7. Аризани кўрмасдан қолдириш.
8. Ҳал қилув қарорини чиқармасдан туриб иш юритишни тугатиши. Иш юритишни тугатиши ва аризани кўрмай қолдиришнинг хуқуқий оқибатлари ва фарқи.
9. Суд мажлисининг баённомаси, унинг мазмуни ва аҳамияти. Суд мажлиси баённомаси билан ишда иштирок этувчи шахсларнинг танишиш хуқуқи. Суд мажлисининг баённомаси юзасидан берилган муроҳазани кўриш тартиби ва муддати.

1-масала

P. туман халқ таълими бўлимига ишга тиклаш, мажбурий прогул вакти учун иш ҳақи ундириш ва етказилган маънавий зарарни ундириш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Суднинг ажримига кўра, тарафлар суд мажлисига узрли сабабларсиз келмаганликлари учун даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судлов ҳайъати қуйидаги асосларга кўра суднинг ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборди: суд ишни кўришда ФПКнинг 132-моддасида кўрсатилган ишда иштирок этувчи шахслар судга чақирав қоғозлари, зарур ҳолларда эса, телефонограммалар, телеграммалар ва бошқа алоқа воситалари орқали чақиртирилиши ҳақида қонун талабларига риоя қилмаган, ишда тарафларни суд мажлисининг вакти ва

жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Савол:

- 1. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судлов ҳайъатининг ажрими асослами?**
- 2. Аризани кўрмасдан қолдириш асосларини кўрсатинг?**

2-масала

Даъвогар **T.** ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириш, етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига 2001 йил 1 августда мурожаат қилган. 10.08, 18.09, 23.09 ва 14 октябр кунлари учун иш бошқа кунга қолдирилган. Иш материалларига кўра, суд томонидан жавобгарни судга келтириш учун қонунда белгиланган чоралар кўрилмаган, яъни ишда жавобгарни тегишли тарзда суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилингани ҳақида маълумот мавжуд эмас.

Савол:

- 1) Суднинг ҳаракати тўғрими?**
- 2) Суд қайси ҳолларда иш қўришни бошқа кунга қолдириши мумкин?**

3-масала

Даъвогар **C.** фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, туман мудофаа ишлари бўлимига ишга тиклаш ва мажбур бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундиришни сўраган.

Даъво аризаси 2001 йил 2 апрел куни суднинг иш юритувига қабул қилинган. Лекин 2001 йил 14 апрел куни чиқарилган суднинг ажримига кўра, иш юритиш тўхтатилган. Суд бунга асос қилиб, даъвогар **C.**нинг Россия давлатига тижорат ишлари билан кетганлигини ва бу ҳақда даъвогарнинг қўшниси **M.**нинг тушунтириш хати мавжудлигини кўрсатган.

Савол:

- 1) Суднинг ажрими асослами?**
- 2) Суд қайси асослар мавжуд бўлганида иш юритишни тўхтатади?**

4-масала

P. умумий мулкни бўлиш ҳақида **K.** га нисбатан даъво билан судга мурожаат қилган.

Суднинг ажримига кўра, тарафлар суд мажлисига узрли сабабларсиз

келмаганликлари боис, ариза кўрмасдан қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2002 йил 19 апрелда суднинг ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборди. Судлов ҳайъати ўз ажримини ишда тарафларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилингандигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмаслиги билан асослайди.

Савол:

1) Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими асослами?

2) Аризани кўрмасдан қолдириш асосларини аниқланг?

5-масала

Даъвогар А.Жўраев судга Б.Маллаевага нисбатан қонунсиз эгаллаган уйдан кўчириш ҳақидаги даъво билан мурожаат этган.

Суд даъвони қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарган.

Жавобгарнинг апелляция шикоятига асосан Сирдарё вилоят суди судлов ҳайъати ўз ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилган. Судлов ҳайъати ўз ажримини ишда даъвогарнинг муомалага лаёқатсиз эканлиги тўғрисидаги хужжатлар мавжудлиги билан асослаган.

Савол:

1) Биринчи инстанция судининг камчиликлари нимада?

2) Тарафларнинг муомалага лаёқатсизлиги қандай оқибатларга олиб келади?

6-масала

Даъвогар *Д.* судга мурожаат қилиб, жавобгар *М.* га нисбатан уйга киритиб қўйиш ва мерос уйни бўлишни сўраган.

Туман судининг 2001 йил 24 августдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, низоли уй даъвогар *Д.* ва жавобгар *М.* ўртасида бўлинганди. Суд жараёнида даъвогар *Д.* бошқа фуқаро *О.* нинг фойдасига меросдан воз кечишини билдиради. Суд даъвогар *Д.* нинг *О.* ни фойдасига меросдан воз кечишини қабул қилди.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг 2001 йил 18 ноябрдаги ажримига асосан, суд ҳал қилув қарорининг даъвогар *Д.* бошқа фуқаро *О.* нинг фойдасига меросдан воз кечиш қисми бекор қилинганди. Вилоят суди ўз ажримини *О.* мерос қолдирувчи томонидан васиятномада маҳсус кўрсатилган фармойиш билан меросдан маҳрум этилган шахс эканлигини ва унинг фойдасига меросдан воз кечиш мумкин эмаслиги билан асослайди.

Савол:

- 1) Вилоят судининг ажрими асослими?**
- 2) Қайси ҳолларда меросдан воз кечишига йўл қўйилмайди?**
- 3) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида”ги қарорида мазкур иш юзасидан қандай тушунтиришлар берилади?**

7-масала

Даъвогар **C.** судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, **X.** ва **C.** лар марҳум турмуш ўртоғи **H.** дан қолган уйни бузиб, у ерда иморат қураётганлигини кўрсатиб, жавобгарларни Салимов кўчаси 5-йдан кўчириши сўраган. Даъво аризаси суд томонидан 2003 йил 2 апрел куни иш юритувга қабул қилинган.

Жавобгарлар ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишлича огоҳлантирилишига қарамай, тижорат ишлари билан Россия Федерациясига кетганлар ва суд уларнинг тижорат мақсадида кетганликлари тўғрисида қўшниси **A.** нинг тушунтириш хати асосида иш юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқарган.

Савол:

- 1) Туманлараро судининг ажрими асослими?**
- 2) Суд қайси ҳолларда иш юритишни тўхтатишга ҳақли бўлади?**

8-масала

Даъвогар **P.** туман солиқ инспекциясига нисбатан мол-мулкни рўйхатдан чиқариш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Туманлараро судининг 2002 йил 9 декабрдаги даъвони қаноатлантириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори Вилоят суди Раёсатининг 2003 йил 3 мартағи қарори билан бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган.

Иш биринчи инстанция судининг судьясига 2003 йил 20 марта берилган, лекин мазкур судьянинг декрет отпускасига кетиши муносабати билан суд раиси фуқаролик ишини муқаддам шу ишни биринчи инстанция судида кўриб чиқсан судьяга топширган.

Мазкур судья фуқаролик ишини қайси босқичда қабул қилиб олган бўлса, ўша босқичдан кўриши давом эттирган.

Савол:

- 1) Мазкур ишнинг ҳал этилиши жараёнида қандай қонун бузилишларига йўл қўйилган?**

9-масала

Даъвогар А.Жўраевнинг жавобгар Б.Маллаевага нисбатан уйдан кўчириш ҳақидаги даъвоси бўйича фуқаролик иши судда кўришида даъвогарнинг муомалага лаёқатсиз эканлиги тўғрисидаги ҳужжатлар мавжудлигига эътибор бермасдан суд даъвони қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарган.

Савол:

1) Суднинг камчилиги нимада?

10-масала

Фуқаро **H.** судга мурожаат қилиб, **Ф.** ундан 400 минг сўм ёки 2500 АҚШ долларини қарзга олгани ва унинг эвазига **Ф.** уйини гаровга қўйганлигини кўрсатиб, қарзни ундириб беришни сўраган.

Иш материалларига қараганда, **Ф.** уйнинг эгаси бўлмаган, лекин ушбу уйга нисбатан ашёвий ҳуқуққа эга бўлиб, уйнинг эгасини розилигисиз ўз мажбуриятлари бўйича уйни гаровга қўйган.

Туманлараро суд 2001 йил 26 майда тарафлар ўртасида тузилган, яъни жавобгар уйини сотиб, даъвогарга бериши ҳақидаги келишув битимини тасдиқлаган.

Савол:

1) Туманлараро суднинг ажрими тўғрими?

2) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Гаров тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига қўра, мазкур низоли иш қандай ҳал этилиши лозим?

11-масала

B. судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, Заргарлик маҳалласидаги 32-уйнинг 4-хонадонини уй эгаси **A.** дан 2000 йилнинг 12 октябрида нотариал тасдиқланган шартнома асосида сотиб олганини, бу турагар-жойда **B.** ноқонуний яшаб келаётганини кўрсатиб, уни оила аъзолари билан низоли жойдан кўчиришни сўраган. **B.** қарши даъво қўзғатиб, низоли квартирани 1999 йил декабрда **A.** дан 1.500.000 сўмга ўзаро келишган ҳолда сотиб олиб, шу вақтдан буён низоли турагар-жойда яшаб келаётганини, **A.** паспортини йўқотиб қўйганлиги сабабли олди-сотди шартномаси нотариал тасдиқланмай қолганини баён этиб, ўзи ва **A.** ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топишни, **A.** ва **B.** лар ўртасида тузилган шартномани эса ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Вилоят судининг 2002 йил 21 апрелдаги ҳал қилув қарорига қўра, **B.** нинг даъвоси рад этилган, **B.** нинг эса қарши даъво талаблари

қаноатлантирилган.

Ушбу фуқаролик иши вилоят прокурори томонидан келтирилган назорат протести асосида Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2003 йил 13 августда вилоят судининг ҳал қилув қарори бекор қилинган.

Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига *A.* 2000 йил апрел ойида *B.* нинг турмуш ўртоғидан 1.800.000 сўм қарз олиб, уни келишилган муддатда қайтара олмаганлиги сабабли олган қарзи эвазига *B.* нинг талаби бўйича низоли квартирани унга сотганлигини ва олди-сотди шартномаси нотариал идорада тасдиқланганлигини асос қилган. Судлов ҳайъати ишда *A.* *B.* нинг тазиқи ва қўрқитиши таъсири остида шартномага имзо қўйганлиги юзасидан мавжуд ҳолатларни аниқлансада, *A.* *B.* нинг турмуш ўртоғидан 1.800.000 сўм қарз олганлиги ва қайтариб бермаганлиги учун олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топган.

Савол:

- 1) Мазкур ишда иштирок этувчи шахслар таркибини аниқланг?**
- 2) Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори асослими?**
- 3) Мазкур иш қандай ҳал этилиши лозим?**

12-масала

Темиров "Мустақиллик" кўчаси, 57-уй олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақида Бўриевга нисбатан даъво билан судга мурожаат қилган.

Суд ФПК 100-моддасининг 2-бандига мувофиқ иш юритишни тутатган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсати қуидаги асосларга кўра, суд ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

Суд низо предмети юзасидан туман судининг 2000 йил 12 июндаги қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжудлигини иш юритишдан тутатиш учун асос қилиб олган.

Аниқланишича, муқаддам "Мустақиллик" кўчаси, 57-уйнинг кимга тегишлилиги масаласи бўйича чиққан низо судда кўрилиб, низонинг предмети бўлган уй учун берилган қонун бўйича меросга бўлган хукуқ тўғрисидаги гувоҳнома ҳақиқий эмас деб топилган.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция судининг ажрими асослами?**
- 2) Фуқаролик ишини тугатиш асосларини санаб беринг?**

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Суд мажлисининг тайёрлов қисмida судья қандай ҳаракат бўйича ажрим чиқаради?

- а) иш кўришни бошқа вақтга қолдириш тўғрисида;
- б) даъво аризасини рад қилиш тўғрисида;
- в) жойларда кўздан кечириш ўтказиш тўғрисида;
- г) муддатни узайтириш тўғрисида

2. Прокурорнинг узрсиз сабаблар билан суд мажлисига келмаслик оқибатлари қандай?

- а) иш кўриш кейинга қолдирилади;
- б) мажбуран олиб келинади;
- в) прокурор узрсиз сабаблар билан келмаганлиги тўғрисида суд ҳусусий ажрим чиқариб, ишга тикиб қўяди;
- г) прокурор узрсиз сабаблар билан келмаганлиги тўғрисида суд ҳусусий ажрим чиқариб, бу ҳақда тегишли юқори турувчи органга маълум қиласи.

3. Суд музокарасида охирги сўз кимга берилади?

- а) даъвогар ва унинг вакилига;
- б) прокурорга;
- в) давлат бошқарув органлари вакилларига;
- г) жавобгар ва унинг вакилига.

4. Суд мажлиси қисмлари кайсилар?

- а) тайёрлов, ишни мазмуни бўйича кўриш, суд музокаралари, прокурорнинг фикр бериши, қарор чиқариш ва уни эълон қилиш қисмлари;
- б) тайёрлов, суд музокаралари, прокурорнинг фикр бериш, суд мажлисини баён қилиш қисмлари;
- в) прокурорнинг фикр бериш, баён қилиш, ҳал қилув қарори ва уни эълон қилиш қисмлари;
- г) тайёрлов, суд музокаралари, прокурорнинг фикр бериш қисмлари.

5. Майиб бўлиши ёки согликقا бошқача тарзда шикаст етганлиги натижасида кўрилган заарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар қуйидаги қайси ҳолларда 20 кундан кечиктирмай

кўрилиши лозим?

- а) башарти тарафлар бир туман ёки шаҳарда жойлашмаган бўлса;
- б) агар ишда шерик иштирокчилар иштирок этаётган бўлса;
- в) ишда мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар иштирок этаётган бўлса;
- г) даъвогар маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабни ҳам илгари суроётган бўлса.

6. Суд мажлисида иштирок этаётган фуқаролар оммавий тарзда тартибни бузган тақдирда суд...

- а) барча фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солади;
- б) ишни ушбу фуқароларнинг иштирокисиз, ёпиқ суд мажлисида кўриб ҳал қиласди;
- в) ишни кўришни кейинга қолдириши мумкин;
- г) иш юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

7. Агар мутахассис берган материаллар мазкур фуқаролик ишини қўзгатишга асос бўлиб хизмат қилган бўлса, ...

- а) мутахассис иш юзасидан фикр беришдан бош тортиши мумкин;
- б) мутахассисни рад қилиш тўғрисида арз қилиниши мумкин;
- в) бу ҳол унинг ишда иштирок этиб, фикр беришига тўсқинлик қилмайди;
- г) мазкур иш мутахассисларнинг иштирокисиз кўриб ҳал этилади.

8. Суд айни бир тарафлар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса...

- а) иш юритишни тўхтатади;
- б) аризани кўрмасдан қолдиради;
- в) иш кўришни кейинга қолдиради;
- г) иш юритиш тугатилади.

9. Аризани кўрмасдан қолдиришга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин...

- а) фуқаролик иши ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига мувофиқ ёки суднинг ташабbusи билан тикланади;
- б) иш кўриш янгидан бошланади;
- в) манфаатдор шахс судга ариза билан яна умумий тартибда мурожаат қилишга ҳақли бўлади;
- г) қайси босқичда ариза кўрмасдан қолдирилган бўлса, ишни кўриб чиқиш шу босқичдан давом этирилади.

10. Суд мажлиси баённомасига даъвогар имзо қўйиши мумкинми?

- а) тарафлар келишув битимига эришиб у суд томонидан тасдиқланган бўлса;
- б) жавобгар даъвогарнинг арз қилган талабларини тан олган бўлиб, суд уни қабул қилган;
- в) агар даъвогар лозим деб топса, суд мажлиси баённомасига имзо қўйишга ҳақли бўлади;
- г) суд мажлиси баённомасига даъвогар умуман имзо қўйишга ҳақли эмас.

11. Куйидаги қайси ишлар ёниқ суд мажлисида кўрилиши лозим?

- а) қариндошлиқ фактини белгилаш тўғрисидаги ишлар;
- б) фуқарони муомала лаёқатини чеклаш тўғрисидаги ишлар;
- в) фарзандликка олиш сири ва ёзишмаларни сир сақланишини таъминлаш талаб этиладиган ишлар бўйича;
- г) ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар.

18-МАВЗУ: БҮЙРУҚ ТАРТИБИДА ИШ ЙОРИТИШ

РЕЖА:

1. Буйруқ тартибida иш юритиши тушунчasi, аҳамияти ва моҳияти.
2. Суд буйруғини чиқариш асослари.
3. Буйруқ тартибida иш юритиши күзғатиши. Суд буйруғини чиқариш түғрисидаги аризага қўйилган талаблар ва аризани суд томонидан қабул қилишини рад этиши асослари.
4. Суд буйруғининг мазмuni. Суд буйруғини бекор қилиш асослари.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

1. Фуқаролик ишлари бўйича суд буйруғи - бу...

- а) қонунийлик ва ҳуқук-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган судья томонидан чиқарилган хужжатdir;
- б) суд буйруғи ундирувчининг пул маблағларини ундириш түғрисидаги ёки кўчар мол-мулкни низосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш түғрисидаги аризаси бўйича судьяning судда ишни кўрмасдан чиқарган хужжатidir.
- в) мансабдор шахслар зиммасига ишга оид муҳим хужжатларни судга тақдим этиши мажбуриятини юкловчи суднинг хужжатidir;
- г) далилларни таъминлаш мақсадида бир суднинг бошқа судга юборган топшириғидir.

2. Суд буйруғи бўйича ундирув қанча муддат ичида амалга оширилади?

- а) буйруқ берилгандан сўнг ўн кунлик муддат ўтгач, суд ҳужжатларини ижро этиши учун белгиланган тартибda амалга оширилади;
- б) буйруқ берилгандан сўнг ўн беш кунлик муддат ўтгач, суд ҳужжатларини ижро этиши учун белгиланган тартиbda амалга оширилади;
- в) буйруқ берилгандан сўнг йигирма кунлик муддат ўтгач, суд ҳужжатларини ижро этиши учун белгиланган тартиbda амалга оширилади;
- г) буйруқ берилгандан сўнг бир ойлик муддат ўтгач, суд ҳужжатларини ижро этиши учун белгиланган тартиbda амалга оширилади.

3. Суд буйруғини чиқариши учун асос бўлмайдиган ҳолатни аниқланг?

- а) агар талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлса;
- б) агар талаб ёзма битимга асосланган ва жавобгар томонидан тан олинган бўлса;
- в) ходимни ишга тиклаш ва иш ҳақини ундириш ҳақидаги талаб билан

арз қилинган бўлса;

г) агар вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш билан учунчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган талаб билан арз қилинган бўлса.

4. Суд буйругини берииш тўғрисидаги ариза учун қанча миқдорда давлат божи тўланади?

- а) қонун ҳужжатларида даъво иши юритиш учун белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ундирилади;
- б) судга даъво билан умумий тартибда мурожаат қилганда низолашилаётган сумма асосида ҳисоблаб чиқилган ставканинг йигирма беш фоизи миқдорида давлат божи тўланади;
- в) судга даъво билан умумий тартибда мурожаат қилганда низолашилаётган сумма асосида ҳисоблаб чиқилган ставканинг эллик фоизи миқдорида давлат божи тўланади;
- г) суд буйругини берганлик учун давлат божи ундирилмайди.

5. Судья томонидан суд буйругини берииш тўғрисидаги аризани қабул қилишини рад этишига асос бўлмайдиган ҳолатни аниқланг?

- а) қарздор Ўзбекистон Республикаси судлари юриспруденцияси доирасидан четда бўлса;
- б) ҳуқук тўғрисида низо мавжуд деб ҳисобланса;
- в) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;
- г) ариза прокурор томонидан берилган бўлса.

6. Буйруқ тартибида иш юритишда тарафлар сифатида кимлар иштирок этади?

- а) даъвогар ва жавобгар;
- б) даъвогар ва қарздор;
- в) ундирувчи ва қарздор;
- г) кредитор ва жавобгар.

7. Судья аризани қабул қилишини рад этиши тўғрисида қанча муддат ичida ўз ажримини чиқаршии лозим?

- а) ариза келиб тушган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичida;
- б) ариза келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддат ичida;
- в) ариза келиб тушган кундан эътиборан етти кунлик муддат ичida;
- г) ариза келиб тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичida.

8. Ариза учун давлат божи тўланмаган тақдирда, қонун судьяга давлат божини тўлаш учун аризачига қанча муҳлат белгилаши ҳуқуқини беради?

- а) кўпи билан уч кун мухлат белгилаш;
- б) кўпи билан беш кун мухлат белгилаш;
- в) кўпи билан етти кун мухлат белгилаш;
- г) ушбу мухлат қонунда белгиланмайди, балки суд томонидан тайинланади.

9. Арз қилинган талабнинг мазмуни бўйича суд буйруги...

- а) ариза судга келиб тушган кундан эътиборан уч кун ичида чиқарилади;
- б) ариза судга келиб тушган кундан эътиборан беш кун ичида чиқарилади;
- в) ариза судга келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида чиқарилади;
- г) ариза судга келиб тушган кундан эътиборан йигирма кун ичида чиқарилади.

10. Қарздор қанча муддат ичида арз қилинган талабга қарши ўз эътиrozини юборишга ҳақли бўлади?

- а) суд буйруғи чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда;
- б) суд буйруғининг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда;
- в) суд буйруғи чиқарилган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддатда;
- г) суд буйруғи чиқарилган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда.

19-МАВЗУ: БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИННИГ ҚАРОРЛАРИ

РЕЖА:

6. Суд қарорларининг тушунчаси ва турлари.
7. Суд қарорларини суд ажримларидан фарқи.
8. Суднинг ҳал қилув қарори, одил судлов акти. Суднинг ҳал қилув қарорининг тарбиявий аҳамияти. Суднинг ҳал қилув қарорига нисбатан қўйиладиган талаблар.
9. Ҳал қилув қарорининг мазмuni (унинг таркибий қисмлари). Ҳал қилув қарорини чиқаришда ҳал этиладиган масалалар.
10. Дархол ижро қилинадиган суд ҳал қилув қарорлари, ундириш учун асослар.
11. Ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ва уни бўлиб-бўлиб ижро этиш. Ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш. Ҳал қилув қарорининг дархол ижро этилиш тартиби.
12. Ҳал қилув қарорини чиқарган суд томонидан ундаги камчиликларини тузатиш. Ҳал қилув қарорини тушунтириш.
13. Қўшимча ҳал қилув қарори.
14. Суднинг ҳал қилув қарорини қонуний кучи. Ҳал қилув қарорини қонуний кучга киришининг ҳуқуқий оқибатлари.
15. Биринчи инстанция судининг ажримлари. Ажримнинг турлари (мазмuni, шакли, чиқариш тартиби). Суд ажримларининг қонуний кучи.
16. Хусусий ажримлар. Уларнинг мазмuni ва аҳамияти.

1-масала

T. уй-жойдан кўчириш ҳақида **M.** га нисбатан судга даъво билан мурожаат қилган. **M.** эса қарши даъво тақдим этиб, олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра **T.** нинг даъвоси рад этилиб, **M.** нинг қарши даъвоси қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, янги ҳал қилув қарори чиқарилган. **T.** нинг уй-жойдан кўчириш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2002 йил 3 май куни апелляция инстанцияси суди ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборди. Судлов ҳайъати ўз ажримини апелляция инстанцияси суди ажримининг хулоса қисмида **M.** нинг қарши даъвоси ҳал қилинмасдан қолиб кетганлги билан асослайди.

Савол:

1) Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими асослами?

2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги қарори ушбу масала юзасидан қандай тушунтиришлар беради?

2-масала

A. Ишга тиклаш, мажбурий прогул учун иш ҳақи ундириш ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Судда ишнинг кўрилиши давомида даъвогар **A.** ўзига етказилган маънавий зарарни асословчи далиллар келтириб, тегишли тушунтиришлар берган бўлсада, лекин бу хусусда суднинг ҳал қилув қарорида ҳеч нарса кўрсатилмаган.

САВОЛ:

- 1. Суд томонидан камчиликларга йўл қўйилганми?**
- 2. Ушбу масала қандай ҳал бўлиши лозим?**

3-масала

Туманлараро суднинг ҳал қилув қарорига биноан даъвогар **Ж.**нинг жавобгарлар эр-хотин **T.** ҳамда **O.** ларни уйидан кўчириш тўғрисидаги даъво талаблари қаноатлантирилиб, жавобгарларнинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги қарши даъво талаблари рад этилган.

Апелляция инстанцияси суднинг ажримига кўра, биринчи инстанция суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинган.

Аниқланишича, жавобгар **O.** 15.05.01 йилда Ўзбекистон Республикаси Миллий Банкidan йирик қорамол сотиб олиш учун 600.000 минг сўм кредит расмийлаштириб, ўзига тегишли бўлган турар-жойни гаровга қўйган. Аммо, олган қорамоли ўлиб қолган ва у кредит пулларини вақтида тўлай олмаган. Банк вакили **Ш.** жавобгар **O.** га уйини сотиб олишга харидор сифатида **Ж.** ни топиб берган ва унга қўшимча 80.000 сўм берган, шу билан **O.** банк кредитидан қутилган. Судда жавобгарларнинг 9 нафар фарзандлари борлиги, сувсизлик оқибатида кредит олган пуллари эвазига сотиб олган моллари ўлиб қолганлиги, кредитни қайтариш учун яшайдиган жойини сотишга мажбур бўлганлиги аниқланган.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция суднинг ҳал қилув қарори қонунийми?**
- 2) Мазкур масала қандай ҳал этилиши лозим?**

4-масала

Туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суднинг 14.05.01 йилги ҳал қилув қарори билан даъвогар *M.* нинг жавобгарлар *K.*, туман Давлат Нотариал идораси, *P.* ва *X.* ларга нисбатан мерос гувоҳномаси, олди-сотди ва ҳадя шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган.

Туман прокурори ушбу ҳал қилув қарори билан келишмасдан апелляция протести келтирган. Натижада суд ҳал қилув қарори фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг 18.07.01 йилги ажрими билан бекор қилиниб, иш юзасидан даъвони рад этиш тўғрисида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Иш материалларига қараганда, Ангрен шахри «Охунбоев» кўчаси 19-уйга нисбатан жавобгар *K.* ворислик тўғрисида гувоҳнома олиб, мерос уй-жойни *P.* га сотган, у эса уйни *X.* га ҳадя қилган. Биринчи босқич суди даъвогар *T.* дан бошқа яна бир ворис – *M.* борлигини аниқлаган ва уни гувоҳ сифатида сўроқ қилган.

Савол:

- 1) Апелляция инстанция судининг ажрими асослами?**
- 2) Мазкур масала қандай ҳал этилиши лозим?**

5-масала

Даъвогар *L.* судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўзи 1-гурух ногирони эканлигини, яшаётган уйи ҳозирги кунда яроқсиз ҳолатга келганлигини ва жавобгар туман КЭУ дан нисбатан моддий зарарни ундиришни сўраган.

Аниқланишича, *L.* нинг уйи ҳақиқатан ҳам яшаш учун яроқсиз ҳолга келган, унинг туман КЭУ га уйдаги яроқсиз ахволга келган, доимо сув оқадиган трубаларни алмаштириш ҳақидаги мурожаатлари оқибатсиз қолган.

Туманлараро суд мазкур уй 2002 йил капитал таъмирлаш режасига киритилганлигини кўрсатиб, ўзининг 27.06.2001 йилда қабул қилинган ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъво талабларини рад этган.

Вилоят суди ишни апелляция тартибида кўриб чиқиб, ўз ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилган.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори асослами?**
- 2) Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фондидаги уй-жойларни хусусийлаштириш ҳақида”ги қонуни мазкур масала юзасидан қандай кўрсатмалар беради?**

6-масала

2001 йил ноябр ойининг 2 куни туманлараро суд даъвогар Тошкент шаҳар 2-автокомбинатнинг жавобгар **С.** га нисбатан пул ундириши ҳақидаги даъво аризаси бўйича фуқаролик иши кўриб чиқилди. Жавобгар тегишли тартибда судга келиши ҳақидаги огоҳлантирилишига қарамай, суд мажлисига узрсиз сабабларга кўра келмади. Шунинг учун суд Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 227-моддасига асосан ишни жавобгарнинг иштирокисиз кўриб чиқишиликни лозим топади. Аммо даъвогар жавобгарнинг иштирокисиз иш юритишга рози бўлмайди, суд эса аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради.

Савол:

1) Суднинг ажрими тўғрими?

2) Аризани кўрмасдан қолдиришнинг қандай асослари мавжуд?

7-масала

Прокурор судга даъво билан мурожаат этиб, "Ангренкўмиртехтранс" корхонасига етказилган зарарни унинг раҳбари Усмонов ва бош ҳисобчиси Киселевалардан тўлиқ микдорда ундиришни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, "Ангренкўмиртехтранс" корхонаси фойдасига Усмоновдан 99.135 сўм, Киселевадан 42.386 сўм ундирилган.

Мазкур суд иш бўйича арифметик хатога йўл қўйилганлигини асос қилиб кўрсатиб, даъвони қаноатлантириш асосини ўзгартирган ҳолда Усмонов ва Киселевалардан "Ангренкўмиртехтранс" корхонаси фойдасига солидар тартибда 10.326.049 сўм ундириш ҳақида қўшимча ажрим чиқарган.

Савол: Биринчи инстанция судининг ажрими асослами?

8-масала

ХУСУСИЙ АЖРИМ

2003 йил 30 сентябрда Андижон вилояти, фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг биносида очик суд ажлисида раислик этувчи судья М. А. Муҳаммаджонов, А.Ахмедованинг котиблигида, прокурор С.Бердиалиев иштирокида даъвогар Н.Алиевнинг Андижон қурилиш бошқармасига ишга тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақти учун иш ҳаки ундириб бериш, маънавий зарарни ундиришни сўраб берган даъво аризаси бўйича, жавобгар тарафидан даъвога нисбатан мустақил талаби бўлмаган ҳолда учини шахс сифатида қатнашувчи Ш.Шарипов иштирокидаги фуқаролик иши кўрилиб, қўйидагилар

Аниқланди:

П.Н.Алиев Андижон тумани қурилиш бошқармасида мухандис бўлиб ишлаб келган. 2003 йил 5 сентябр қуни ишга 3 соату 30 дақиқа кечикиб келганлиги сабабли қурилиш бошқармасининг бошлиғи Ш.Шариповнинг буйруғига кўра ишдан бўшатилган. Суд ишдан бўшаш сабабларини атрофлича текшириб, Н.Алиевни ўз ишига тиклаш ва унга ноилождан екор юрган вақти учун иш ҳақи ундириб бериш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарган.

Суд мажлисида Н.Алиевни ишдан бўшатишда қурилиш бошқармасининг раҳбари Ш.Шариповнинг меҳнат қонунларини қўпол равища бузган ҳолда иш тутгани аниқланди, Н.Алиевнинг ишга узрли сабабларга кўра кечикканлигини эътиборга олмаганлиги, касаба уюшмасининг розилигисиз ўзбошимчалик билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ва ундан олдин даъвогар П.Н.Алиев ҳеч қандай меҳнат қоидаларни бузмаганлиги исботланди.

Юқоридагилардан шу нарса кўринадики, П.Н.Алиев 23 кун ишсиз қолиши қурилиш бошқармаси бошлигининг айби билан бўлган. Бу билан Меҳнат кодексининг 100-моддаси 3-қисмини ва 101-моддасини қўпол равища бузган.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 19-моддасини қўллаб

Ажрим қиласи:

Андижон тумани қурилиш бошқармасидаги меҳнат қонунчилигининг бузилиши фактлари ҳақида ажримда кўрсатилган ҳолатларнинг олдини олиш ва айбли шахсларга нисбатан тегишли чораларни кўриш мақсадида Андижон тумани ҳокимияти ҳамда Андижон вилояти касаба уюшмаси раҳбарияти хабардор қилинсин.

Хусусий ажримдан норози тарафлар ёки прокурор норози бўлса, шу суд орқали Андижон вилояти судига фуқаролик ишлари бўйича судига 10 кун муддат ичida хусусий шикоят, прокурор эса хусусий протест келтиришга ҳақли.

Судья: М.А.Мухаммаджонов.

Савол:

1) Хусусий ажримда мавжуд бўлган камчиликларни аниқланг?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- 1. Суд ҳал қилув қарорлари кимнинг номидан чиқарилади?**
 - а) судьянинг номидан;
 - б) суднинг тартиби номидан;
 - в) Ўзбекистон Республикаси номидан;
 - г) Ўзбекистон Республикасининг Олий суди номидан.

- 2. Суд қўйидаги қайси ҳолларда даъвогарнинг арз қилинган талаблари доирасидан четга чиқши хуқуқига эга?**
 - а) прокурорнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур деб топса;
 - б) жавобгарнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур деб топса;
 - в) даъвогарнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур деб топса;
 - г) мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур деб топса.

- 3. Суднинг ҳал қилув қарори неча қисмдан иборат?**
 - а) икки қисмдан;
 - б) уч қисмдан;
 - в) тўрт қисмдан;
 - г) беш қисмдан.

- 4. Суднинг ҳал қилув қарорида мавжуд бўлмаган таркибий қисми аниқланг?**
 - а) кириш қимси;
 - б) маҳсус қисм;
 - в) баён қилиш қисми;
 - г) хулоса қисми.

- 5. Суд ҳал қилув қарорининг баён қилиши қисмida кўрсатилмайдиган ҳолатни аниқланг?**
 - а) даъвогарнинг талаби;
 - б) жавобгарнинг важлари;
 - в) суднинг хулосаларини асослайдиган далиллар;
 - г) ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари.

- 6. Суд ҳал қилув қарорининг асослантириши қисмida кўрсатилмайдиган ҳолатни аниқланг?**
 - а) жавобгарнинг даъвогарга қарши билдирган қарши даъво

- таблари;
- б) суд томонидан аниқланган ҳолатлар;
 - в) суд амал қилған моддий ва процессуал хукуқ нормалари;
 - г) суд харажатларининг тақсимоти.

7. Суд ҳал қилув қарорининг хulosаса қисмида кўрсатилмайдиган ҳолатни аниқланг?

- а) суднинг арз қилинган талабларни қаноатлантириш ёхуд бутунлай ёки қисман рад этиш тўғрисидаги хулосаси;
- б) агар жавобгарнинг арз қилинган талабни тан олса, унинг суд томонидан қабул қилинганлиги;
- в) суд харажатларининг тақсимланиши;
- г) ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ва тартиби.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги қарори қачон қабул қилинган?

- а) 1995 йил 27 октябр;
- б) 1998 йил 17 апрел;
- в) 1998 йил 11 сентябр;
- г) 1999 йил 24 сентябр.

9. Озчиликда қолган судьянинг алоҳида фикри...

- а) ёзма шаклда баён қилиниб, мажлисда ўқиб эшилтирилади;
- б) ўқиб эшилтирилиб ишга қўшиб қўйилади;
- в) ўқиб эшилтирилмайди, лекин ишга қўшиб қўйилади;
- г) судьянинг ҳайъат фикридан алоҳида фикри бўлиши мумкин эмас.

10. Ҳал қилув қарорининг ёзувидағи хатолар ва очиқ кўриниб турган арифметик хатолар...

- а) қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш йўли билан тузатилади;
- б) хусусий ажрим чиқариш орқали тузатилади;
- в) апелляция тартибида қайта кўриш орқали тузатилади;
- г) ҳал қилув қарорини тузатиш тўғрисидаги ажрим орқали тузатилади.

11. Алоҳида мураккаб ишлар юзасидан ҳал қилув қарори...

- а) суд мажлисининг ўзида, иш кўриб бўлингач чиқарилади;
- б) тайёрлаш З кунга кечиктириллади, лекин унинг хulosаса қисми иш кўриб бўлинган куннинг эртасига эълон қилинади;

в) тайёрлаш 3 кунга кечиктирилиши мумкин, лекин унинг хулоса қисми иш кўриб бўлингач дарҳол эълон қилинади;

г) дарҳол эълон қилинада ва ҳеч қандай муддатга кечиктирилиши мумкин эмас.

12. Ҳал қилув қарорида суд харажатлари тақсимланмаган бўлса, суд...

- а) алоҳида чиқарилган ажрим орқали тўғрилайди;
- б) ҳал қилув қарорига ўзгартириш киритади;
- в) алоҳида иш юритув тартибида қайтадан кўради;
- г) қўшимча ҳал қилув қарори чиқаради.

13. Қайси суд ҳал қилув қарорлари дарҳол ижроға қаратиласди?

- а) никоҳдан ажратиш тўғрисидаги;
- б) мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги;
- в) сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларни қаноатлантириш тўғрисидаги;
- г) фуқароларни бинодан кўчириш тўғрисидаги.

14. Суд қийидаги қайси ҳал қилув қарорларини дарҳол ижроға қаратиши хукуқига эга?

- а) фуқароларни бинодан кўчириш тўғрисидаги;
- б) муаллифнинг интеллектуал фаолияти натижасидан фойдаланганлик учун унга иш ҳақи ундириб бериш тўғрисидаги;
- в) ходимга иш ҳақи ундириш тўғрисидаги;
- г) алимент ундириш тўғрисидаги.

15. Суд ажримларининг неча хил тури мавжуд?

- а) ишни мазмунан ҳал қиласидиган ва қилмайдиган ажримлар;
- б) маслаҳатхонада (алоҳида хонада) ва жойида чиқариладиган ажримлар;
- в) дарҳол ижро қилинадиган ва дарҳол ижро этилмайдиган ажримлар;
- г) шикоят ва протест келтирилиши мумкин бўлган ҳамда шикоят ва протест келтирилиши мумкин бўлмаган ажримлар.

16. Шикоят қилиши мумкин бўлмаган суд ажримларини кўрсатинг?

- а) далилларни таъминлаш тўғрисидаги суд ажрими;
- б) эр ва хотинга ярашиш учун муҳлат бериб, ишни кейинга қолдириш тўғрисидаги ажрим;

- в) даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим;
- г) мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахсни ишга жалб қилиш тўғрисидаги ажрим.

17. Суд мажлисига келмаган тарафлар ва ишида иштирок этувчи шахсларга суднинг ҳал қилув қарори...

- а) ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан дарҳол юборилади;
- б) ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмасдан юборилади;
- в) ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай юборилади;
- г) ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан етти кундан кечиктирмай юборилади.

20-МАВЗУ: СИРТДАН ИШ ЮРИТИШ

РЕЖА:

1. Сиртдан иш кўришнинг моҳияти. Сиртдан иш юритиш учун асослар.
2. Сиртдан иш юритиш тартиби.
3. Сиртдан кўрилган ишлар юзасидан қабул қилинадиган суд хужжатлари ва уларнинг мазмuni.
4. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорларини қайта кўриш тўғрисидаги аризалар, уларнинг мазмuni ва қайта кўриш учун асослар.
5. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорлари устидан шикоят бериш, протест келтириш учун асослар.
6. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қонуний кучи ва ижроси.

1-масала

Туман судида 2000 йил октябрь ойида X. нинг Т. ни тураг-жойдан чиқариш тўғрисидаги даъвоси бўйича тарафлар бир неча бор ишнинг кўрилиш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинсада, суд мажлисига келмаганлар. Шундан сўнг суд тарафларнинг иштирокисиз ишни сиртдан кўриб чиқиб, сиртдан ҳал қилув қарорини чиқарган.

Савол:

Суднинг ҳаракатлари тўғрими?

2-масала

Туманлараро суд томонидан 2002 йилнинг март ойида туман прокурорининг акционерлик жамиятининг манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда иш юзасидан жавобгар **C.** дан 80.4710 сўм ундириш тўғрисидаги даъвоси бўйича сиртдан ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Иш материалларига қараганда, жавобгарни тегишли тартибда суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида хабардор қилингандилари тўғрисида хужжатлар бўлмаган.

Савол:

Суднинг сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш асосларини кўрсатинг?

3-масала

Туманлараро суд томонидан 2001 йил август ойида фуқаро К.нинг акционерлик жамиятига нисбатан ишга тиклаш ва иш ҳақини ундириш тўғрисидаги даъвоси бўйича сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилган.

Иш материаллари билан танишиб чиқилганда шу нарса аниқландики, жавобгар ўзининг иштирокисиз, лекин вакили орқали суд мажлисини давом эттирган. Лекин унинг вакили узрли сабабларга кўра, суд процессида иштирок эта олмаган.

Савол:

- 1) Суднинг ҳаракатлари тўғрими?**
- 2) Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш учун қандай шартлар мавжуд бўлиши талаб этилади?**

4-масала

Туман судида фуқаро **C.** нинг **P.** га нисбатан умумий мол-мулкни қисмларга ажратиш ва квартирадан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги даъвоси бўйича иш сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш билан тугатилган.

Аниқланишича, жавобгар суд мажлисининг бўлиш вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда огоҳлантирилган. Лекин жавобгар вақтинчалик хизмат сафарида бўлганлиги сабабли суд мажлисида қатнаша олмаган. Жавобгарнинг вакили-адвокат **I.** томонидан жавобгарнинг узрли сабабларга кўра ишда қатнаша олмаслиги ва ишни кейинга қолдириш тўғрисидаги илтимосномаси суд томонидан инобатга олинмаган ва суд ишни сиртдан кўриш тўғрисида ажрим чиқарган.

Савол:

- 1) Суднинг ҳаракатлари тўғрими?**

5-масала

1999 йил июл ойининг 2 куни Тошкент шаҳар Чилонзор туман судида даъвогар С. Абдуллаевнинг жавобгар Б.Азимовга нисбатан пул ундириш тўғрисидаги фуқаролик иши кўрилган. Узрсиз сабабларга кўра жавобгар суд процессига келмаган ва суд даъвогарнинг розилиги билан ишни сиртдан кўриш тўғрисида ажрим чиқарган. Суд даъвогарнинг тушунтиришларини эшитади ва даъвогар жавобгардан даъво аризасида ёзилган 50.000 сўмни эмас, балки 40.000 сўм ундириб беришни суддан сўрайди. Суд сиртдан иш юритиш жараёнида даъвогар даъво талабларининг миқдорини камайтиришга ҳақли эмаслигини кўрсатиб, даъвогарнинг илтимосномасини рад этади.

Савол:

- 1) Суднинг ҳаракати тўғрими?**

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

- 1. “Сиртдан иш юритиши” ФПКнинг қайси бобида кўрсатилган?**
 - а) 18-боб;
 - в) 20-боб;
 - б) 19-боб;
 - г)) 21-боб.

- 2. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриши ҳақидаги ариза учун давлат божси миқдори қанча?**
 - а) энг кам ойлик иш ҳақининг 50%и;
 - б) энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари;
 - в) энг кам ойлик иш ҳақининг икки ярим баравари;
 - г) давлат божи тўланмайди.

- 3. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг устидан уни қайта кўриши ҳақидаги ариза бериш муддати қанча?**
 - а) сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилгандан кейин 15 кун ичида;
 - б) сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилгандан кейин 7 кун ичида;
 - в) сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилгандан кейин 5 кун ичида;
 - г) сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилгандан кейин дарҳол.

- 4. Суд сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриши ҳақидаги аризани қанча муддатда кўриб чиқади?**
 - а) ариза тушган пайтдан эътиборан 1 ой ичида;
 - б) ариза тушган пайтдан эътиборан 20 кун ичида;
 - в) ариза тушган пайтдан эътиборан 15 кун ичида;
 - г) ариза тушган пайтдан эътиборан 10 кун ичида.

- 5. Суд мажлисига келган тарафлар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорларини нусҳаси қанчи муддатда юборилиши лозим?**
 - а) шу қонун чиқарилган кундан эътиборан дарҳол;
 - б) шу қонун чиқарилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай;
 - в) шу қонун чиқарилган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай;
 - г) шу қонун чиқарилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай;

21-МАВЗУ: НИКОҲДАН АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ (Махсус қисм)

РЕЖА:

1. Ўзбекистонда оила тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши. Ўзбекистон Конституциясида оила масалалари. Оила Кодекси ва унинг ижобий жиҳатлари.
2. Мусулмон ҳуқуқида никоҳ ва оила. Оилани мустаҳкамлашда суднинг тутган ўрни. Оилавий мулк, маҳр тушунчаси. "Куръони Карим" ва Хадисларда никоҳдан ажралиш тўғрисида.
3. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни тааллуқлиги ва судловлиги.
4. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни қўзғатиш, ишни судда кўришга тайёrlаш.
5. Эр-хотинни яраштиришни келишув битимидан фарқи. Суд харажатлари ва уларни тақсимлаш.
6. Никоҳдан ажратиш ишларини судда кўриб ҳал қилишнинг процессуал хусусиятлари.
7. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорини мазмуни ва унинг ҳуқуқий оқибатлари.
8. Судда никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асослар. Сохта никоҳ. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш оқибатлари.

1-масала

Қосимов 2001 йилда судга даъво билан мурожаат қилиб, Қодирова билан 1968 йилдан оила қуриб яшаб келганлигини, ўзаро келишмовчиликлар сабабли 1979 йилдан буён бошқа аёл билан шаръий никоҳдан ўтиб яшаб келаётганликларини ва у билан ўрталарида икки нафар фарзандлари борлигини кўрсатиб, Қодирова билан тузилган никоҳдан ажратишни сўраган.

Суд даъвони қаноатлантирган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, иш юритишни тугатган. Бунга асос қилиб Қодированинг ишни судда кўриш вақтида ҳомиладор бўлганлигини кўрсатган. Иш хужжатларига қараганда, Қодирова ўзининг ҳомиладор эканлиги тўғрисида апелляция инстанцияси суди мажлисида оғзаки кўрсатма берган ва ушбу оғзаки кўрсатмага асосан суд биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилган.

Қосимовнинг назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги

аризасига илова қилинган тиббий маълумотномадан кўринишича, Қодирова 2001 йил давомида аёллар маслаҳатхонасига мурожаат қилмаган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборди.

Савол:

1) Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг ажримини бекор қилиши учун асослар мавжудми?

2) Мазкур иш қандай ҳал этилиши лозим?

2-масала

Азимова умумий мулкни бўлиш ҳақида Қурбоновга нисбатан судга даъво билан мурожаат қилган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилди.

Иш хужжатларидан аниқланишича, Азимова 1988 йилда Қурбонов билан қонуний никохдан ўтиб турмуш қурганлар. Бирга яшаган даврларида Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган 14-йини ва ВАЗ 2106 русумли автомашинани Қурбонов номига расмийлаштириб сотиб олишган.

Оила кодексининг 23-моддаси талабига қўра, ушбу мол-мулк Азимова ва Қурбоновларнинг умумий мулки ҳисобланади.

Суд умумий мулкни тақсимлар экан Қурбонов низоли уй-жойдан натура сифатида хисса ажратишни сўраган бўлсада, уйни Азимовага, автомашинани эса Қурбоновга қолдириш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарган.

Савол:

1) Суд низони ҳал қилишда қандай камчиликларга йўл қўйган?

2) Мазкур иш суд томонидан қандай ҳал этилиши лозим эди?

3-масала

Умаров никоҳ давомида орттирилган мол-мулкни бўлиш ҳақида Умаровага нисбатан судга даъво билан мурожаат қилган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Вилоят прокурорининг назорат тартибидаги протестига кўра,

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсати ўз қарори билан биринчи инстанция суди фуқаролик ишини кўришда суд мажлиси баённомаси юритмаганлигини асос қилиб, ҳал қилув қарорини бекор қилган ҳамда ишни янгидан биринчи инстанция судида кўриш учун юборган. Ваҳоланки, ишни назорат тартибида қайта кўрилишида иштирок этган даъвогар ва жавобгар биринчи инстанция судининг ҳал қилув қароридан норози эмасликларини, ҳал қилув қарорига нисбатан ҳеч қандай эътиrozлари йўқлиги тўғрисида тушунтиришлар берган.

Савол: 1) Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсатининг қарори қонунийми?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризасидан қанча миқдорда давлат божси ундирилади?

- а) энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;
- б) энг кам ойлик иш ҳақининг 120 фоизи;
- в) энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари;
- г) энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари.

2. Никоҳдан ажратиш тўғрисида тақрор даъво аризаси берилганида қанча миқдорда давлат божси ундирилади?

- а) энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;
- б) энг кам ойлик иш ҳақининг 120 фоизи;
- в) энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари;
- г) энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари.

3. Қандай ҳолатда эр хотиннинг розилигисиз судда никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзгата олмайди?

- а) хотиннинг ногиронлиги вақтида;
- б) хотиннинг яшаш жойи номаълум бўлган ҳолларда;
- в) бола туғилгандан кейин кейин бир йил мобайнида;
- г) бола туғилгандан кейин кейин бир йилдан сўнг.

4. Куйидаги қайси ҳолат никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъволар билан даъвогар яшаб турган жойидаги судда иш қўзгатишга асос бўлмайди?

- а) даъвогарнинг вояга етмаган фарзандларининг мавжудлиги;
- б) жавобгарнинг яшаш жойи номаълум бўлиши;

- в) даъвогарнинг ногиронлиги туфайли жавобгар яшаб турган жойга боришга қийналиши;
- г) даъвогарнинг оғир касаллиги туфайли жавобгар яшаб турган жойга боришга қийналиши.

5. Никоҳдан ажратиши ҳақидаги ишлар судда прокурор томонидан қўзғатилиши мумкини?

- а) никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар шахсий муносабатлардан келиб чиқиши боис, мазкур туркумдаги даъволар прокурор томонидан қўзғатилиши мумкин эмас;
- б) прокурор ҳар қандай ҳолларда никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъволарни судда қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлади;
- в) агар муомала лаёқатига эга бўлмаган эр ёки хотиннинг манфаатини ҳимоя қилиш талаб қилинса, никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъволар прокурор томонидан қўзғатилиши мумкин;
- г) агар тарафлар никоҳдан ажралишликка ўзаро розилик билдирган бўлсалар, никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъволар прокурор томонидан қўзғатилиши ҳам мумкин.

6. МДҲ таркибига кирган давлатларга кетган ва манзилгоҳи маълум бўлган шахслар билан никоҳдан ажратиши ҳақидаги даъволар...

- а) жавобгарнинг мол мулки жойлашган жойдаги судда қўзғатилади;
- б) никоҳ қайд этилган жойдаги судда қўзғатилади;
- в) даъвогарнинг яшаш жойидаги судда қўзғатилади;
- г) даъвогарнинг хоҳишига қараб, жавобгарнинг охирги яшаш жойи ёки янги яшаш жойидаги судда қўзғатилади.

7. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, унинг нусхаси қанча муддатда қаерга юбориласди?

- а) 7 кун муддатда тарафларга;
- б) 10 кун муддат ичида ФХДЁ органига;
- в) 15 кун ичида маҳалла қўмитасига;
- г) 20 кун ичида тарафларга;

8. Эр-хотиннинг мулкини бўлиш ҳақидаги талаби қайси ҳолларда никоҳдан ажратиши ҳақидаги иш билан бирга кўрилиши мумкин эмас?

- а) агар бу низони тўғри ҳал қилиш учун ишга учинчи шахсни жалб қилиш зарур бўлса;
- б) алимент ундириш тўғрисида талаб мавжуд бўлса;

- в) эр-хотиннинг никоҳгача бўлган хусусий ва бошқа мулкларни ундириш ҳақидаги талаблари мавжуд бўлса;
- г) ҳар қандай ҳолатда ҳам эр-хотиннинг мулкни бўлиш ҳақидаги талаби уларни никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишдан ажратилиши мумкин эмас.

9. Хотиннинг бир ёшига етмаган фарзанди бўлиб, эр хотиннинг розилигисиз никоҳдан ажратиши ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилса, суд...

- а) аризани кўрмасдан қолдиради;
- б) аризани ҳаракатсиз қолдиради;
- в) аризани қабул қилишни рад этади;
- г) иш юритишни тугатади.

10. Агар хотиннинг бир ёшига етмаган фарзанди бўлиб, никоҳдан ажратиши ҳақидаги иш хотиннинг розилигисиз қўзгатилган бўлса, суд...

- а) аризани кўрмасдан қолдиради;
- б) иш кўришни кейинга қолдиради;
- в) иш юритишни тўхтатади;
- г) иш юритишни тугатади.

11. Эр ва хотинни яраштириши учун мухлат бериб, иш қўришини кейинга қолдириши тўғрисидаги суднинг ажрими устидан ...

- а) ўн кунлик муддат ичидаги шикоят бериш мумкин;
- б) йигирма кун муддат ичидаги апелляция шикояти бериш мумкин;
- в) бир йил давомида кассация шикояти бериш мумкин;
- г) шикоят бериш мумкин эмас.

12. Никоҳдан ажратилган эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкини бўлиши ҳақидаги талаблари учун белгиланган даъво муддатини аниқланг?

- а) олти ой;
- б) бир йил;
- в) уч йил;
- г) даъво муддати белгиланмайди.

13. Никоҳдан ажратиши тўғрисидаги иш билан бирга қўрилиши мумкин бўлмаган талабни аниқланг?

- а) никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб;
- б) эр-хотиннинг никоҳгача бўлган хусусий ва бошқа мулкларини ундириш ҳақидаги талаблар;

- в) алимент ундириш ҳақидаги талаб;
- г) маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаб.

14. Никоҳдан ажратиши ҳақидаги даъвони қаноатлантириши рад этилган ҳолда алимент ундириши ҳақидаги талаб ...

- а) ҳам рад этилади;
- б) мазмунан кўриш учун алоҳида иш юритишга ажратилади;
- в) юзасидан алоҳида даъво аризаси билан мурожаат қилиш хуқуки тушунтирилади;
- г) юзасидан суд буйруғи чиқарилади.

15. Қуйидаги қайси мол-мулк эр-хотининг биргаликдаги умумий мулки маркибига кирмайди?

- а) эр ва хотининг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мулки;
- б) улардан бирининг никоҳ давомида ҳадя тариқасида олган мол-мулки;
- в) улардан бирининг никоҳ давомида мерос тариқасида олган мол-мулки;
- г) агар улар умумий фойдаланиш буюмларидан иборат бўлса, тўй муносабати билан олган совғалари.

16. Эр ва хотининг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига қуйидагилардан қайси бири кирмайди?

- а) никоҳ давомида бепул битимлар асосида олган мол-мулклар;
- б) интеллектуал фаолият натижаларидан орттирилган даромадлар;
- в) агар улар умумий фойдаланиш буюмларидан иборат бўлмаса, тўй муносабати билан олган совғалар;
- г) эр-хотиндан бирининг никоҳ давомида ҳадя тариқасида олган мол-мулки.

22-МАВЗУ. АЛИМЕНТ УНДИРИШ ТҮГРИСИДАГИ НИЗОЛИ ИШЛАРНИ СУДДА КҮРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

РЕЖА:

1. Болалар ҳимояси ҳақида мусулмон ҳуқуқи. Болаларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларии ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Алимент тўлашнинг ихтиёрий тартиби (келишув) тушунчаси.
3. Алимент ундириш түгрисидаги ишларнинг тааллуқлиги ва судловлиги. Иш кўзғатиш. Ишда иштирок этувчи шахслар.
4. Ишни судда кўришга тайёрлаш. Иш кўриш муддатлари. Жавобгарнинг суд мажлисига келмаслик оқибатлари. Ишни мазмунан кўргунга қадар вақтингчалик алимент ундириш тартиби.
5. Суднинг ҳал қилув қарори ва унинг мазмуни. Суднинг ҳал қилув қарорини дархол ижро этиш. Жавобгарни қидириш учун асослар.
6. Алимент миқдорини купайтириш, камайтириш ёки уни тўлашдан озод қилиш учун асослар. Иш бўйича суд харажатлари. Алимент мажбуриятларининг тугатилиши.

1-масала

Раупов жавобгарлар Раззоқова ва Рауповаларга нисбатан бир неча ҳал қилув қарорлари бўйича ундирилаётган алимент миқдорини камайтириш түгрисида судга даъво билан мурожаат қилган.

Суд даъвони қаноатлантирган. Рауповдан ундириладиган алимент миқдори камайтирилиб, ҳар бир бола учун тўланалиганинг тенг улушдаги янги миқдори ойлик даромадларнинг олтидан бир қисми миқдорида белгиланган.

Апелляция инстанцияси суди ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, Раззоқова фойдасига қизи Сарвинознинг таъминоти учун вояга етгунга қадар ҳар ойлик иш ҳақидан тўртдан бир қисми миқдорида алимент ундирилган. Қарорнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати қуйидагиларга кўра апелляция инстанцияси суди ажримининг Раззоқова фойдасига ундириладиган алимент миқдорини ўзгартиришга оид қисмини бекор қилиб, иш бўйича илгари чиқарилган ҳал қилув қарорини кучда қолдирди.

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича А.Икромов туманлараро судининг 2002 йил 8 февралдаги ҳал қилув қарори билан

Рауповдан бир нафар фарзанди учун ҳар ойлик даромадининг тўртдан бир қисми миқдорида Раззоқова фойдасига алимент ундирилган. Шунингдек, мазкур суднинг 2002 йил 26 апрелдаги ҳал қилув қарори билан Рауповдан бир нафар фаразанди учун ҳар ойлик даромадининг тўртдан бир қисми миқдорида Раупова фойдасига алимент ундирилган.

Савол:

- 1) Апелляция инстанцияси суди томонидан йўл қўйилган хатоликни аниқланг?**
- 2) Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига кўра, бошқабошқа ота-онадан туғилган вояга етмаган болалар учун ундириладиган алиментлар миқдорини кўрсатинг?**

2-масала

Носирова судга даъво билан мурожаат қилиб, 1996 йил июнь ойидан бошлаб Тошматов билан қонуний никоҳдан ўтмасдан турмуш қурганликларини, 1997 йил 2 августда Назира исмли қизи туғилганлигини кўрсатиб, боласи учун алимент ундиришни сўраган. Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсати қуидаги асосларга кўра, суд ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан биринчи инстанция судида кўриш учун юборган.

Аниқланишича, боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасида, боланинг отаси сифатида жавобгар эмас, балки бошқа шахс бўлган Эрматов кўрсатилган.

Савол:

- 1) Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсатининг қарори тўғрими?**
- 2) Мазкур низо қандай ҳал этилиши лозим?**

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

1. Алиментни ихтиёрий тўлаш тўғрисидаги келишувлар қайси орган томонидан кўриб, ҳал этилади?

- а) факат суд идоралари томонидан;
- б) ФХДЁ идоралари томонидан;
- в) ижтимоий таъминот органлари томонидан;
- г) нотариал идоралар томонидан.

2. Алиментлар миқдорини камайтириши тўғрисидаги ишларнинг судловлигини аниқланг?

- а) даъвогарнинг танлаши бўйича судловлик турига мансуб;
- б) жавобгарнинг яшаб турган жойидаги суднинг судловига тегишли;
- в) мустасно судловлик турига мансуб;
- г) бир неча талабларнинг судловлиги турига мансуб.

3. Алимент ундириши тўғрисидаги талаб қуийдаги қайси даъво талаби билан бирга тақдим этилмайди?

- а) ота-оналик хуқуқидан маҳрум қилиш
- б) болани тарбияга бериш
- в) соғлиққа етказилган зарарни ундириш;
- г) оталикни белгилаш

4. Алимент ундириши тўғрисидаги даъво аризасига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларда бирортаси бўлмаса...

- а) суд аризани кўрмасдан қолдиради;
- б) аризани ҳаракатсиз қолдиради;
- в) судья уларни ўз ташаббуси билан тегишли муассасалардан талаб қилиб олади;
- г) аризани қабул қилишни рад этади.

5. Қайси туркумдаги ишларда жавобгар суд мажлисига узрсиз сабабларга қўра келмаса, у мажбурий тартибда келтирилади ва унга энг кам иши ҳақининг беши бараваригача миқдорда жарима солинади?

- а) никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- б) алимент ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- в) ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- г) майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етиши натижасида кўрилган зарарни қоплаш учун тўловлар ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича.

6. Қуийдаги қайси иши бўйича процессуал ҳуқукий ворисликка йўл қўйилмайди?

- а) уй-жойга доир низоли ишлар бўйича;
- б) меросга доир ишлар бўйича;
- в) етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- г) алимент ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича.

7. Алимент ундириши тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божини ундириши мақсадида даъво баҳоси қандай белгиланади?

- а) даъво аризасида талаб қилинаётган сумманинг миқдорига қараб;
- б) бир йиллик алимент тўловининг йифиндисига қараб;

- в) тўловларнинг ёки бериладиган пулларнинг йиғиндисига қараб, лекин кўпи билан уч йиллик йиғиндисига қараб;
- г) тўловларнинг ёки пулларнинг йиғиндисига, лекин кўпи билан икки йиллик йиғиндисига қараб.

8. Алимент ундириши тўғрисидаги иш қўрилаётганда суд мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилиши лозим бўлган шахс-бу...

- а) ижтимоий таъминот органлари;
- б) алимент тўловчининг фарзандлари;
- в) шахснинг бошқа онадан болалари бўлса, шу она;
- г) ФХДЁ идораси ходими.

9. Алимент ундириши тўғрисидаги ишларни суда қўришига тайёрлаш муддатини кўрсатинг?

- а) ариза қабул қилинган кундан бошлаб 7 кундан кечиктирасдан;
- б) ариза қабул қилинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирасдан;
- в) ариза судга тақдим этилган кундан 10 кундан кечиктирасдан;
- г) ариза қабул қилинган кундан бошлаб 20 кундан кечиктирасдан.

10. Алимент ундириши тўғрисидаги ишлар, агар тарафлар бир тумандада яшасалар кеча кундан кечиктирасдан қўрилади?

- а) 7 кундан кечиктирасдан;
- б) 10 кундан кечиктирасдан;
- в) 20 кун ичида;
- г) бир ой ичида.

11. Қуйидаги қайси ҳолларда болалар таъминоти учун алимент ундириши тўғрисидаги ишлар никоҳдан ажратиши тўғрисидаги ишдан алоҳида қўрилади?

- а) агар жавобгар туғилиш тўғрисидаги ёзувларни қайд қилиш дафтаридағи ёзувда отаси ёки онаси деб ёзилганига эътиroz билдирса;
- б) агар жавобгар алимент ундириш тўғрисидаги талабни рад қилса;
- в) агар боланинг таъминоти учун вақтинчалик алимент ундириш талаб этилса;
- г) болалар таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ишлар никоҳдан ажратиши тўғрисидаги ишдан алоҳида қўрилиши мумкин эмас.

23-МАВЗУ: ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ ТҮҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

РЕЖА:

1. Амалдаги оила қонунчилиги бўйича оталикни белгилаш түғрисидаги ишларни юритиш ва унинг турлари.
2. Мусулмон ҳукуқида оталикни белгилашда "Идда" қоидасиннинг аҳамияти.
3. Оталикни белгилаш түғрисидаги ишларнинг тааллуқлиги ва судловлиги.
4. Оталикни белгилашда алоҳида тартибда, шунингдек даъво кўзғатиш асосида иш юритиш учун асослар. Ишда иштирок этувчи шахслар. Ишни судда кўришга тайёрлаш ва ишни судда кўриб ҳал қилиш.
5. Алоҳида ва даъво тартибда юритиладиган ишлар бўйича исботлаш ва далиллар. Талабларни бирлаштириш суднинг ҳал қилув қарори ва унда ҳал этиладиган масалалар.

1-масала

A. судга *T.* га нисбатан 1985 йилда туғилган ўғли *C.* ни оталигини белгилаш ҳақида даъво билан мурожаат қилган. Биринчи инстанция суд даъвони рад этган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2002 йил 8 февралда суд қарорларини бекор қилиб, иш юритишни тугатди.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, *A.* билан *T.* ўзаро никоҳда бўлган даврида, яъни 1985 йилда. *C.* туғилган бўлиб, унинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасига *T.* боланинг отаси эканлиги түғрисида аниқ ёзув киритилган.

Савол:

1) Биринчи инстанция суд ва апелляция инстанцияси суди томонидан йўл қўйилган камчиликлар нимада?

2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 1 июндаги "Оталикни белгилаш ҳақидаги ишларни кўришда судлар томонидан қонунларнинг татбиқ этилиши түғрисида"ги қарорида ушбу масала юзасидан қандай тушунтиришлар берилади?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

1. Оталикни белгилаши тўғрисидаги ишларни қўзгатиш учун умумий асос нима?

- а) болаларнинг моддий эҳтиёжи;
- б) расмий никоҳнинг йўқлиги;
- в) даъво талаби;
- г) боланинг номга бўлган ҳуқуки.

2. Оталикни белгилаши тўғрисидаги ариза билан судга мурожсаат қилиши мумкин бўлган шахсларни аниқланг.

- а) боланинг васийси;
- б) боланинг ўзи вояга етгандан сўнг;
- в) ота-оналардан бири;
- г) барча жавоб тўғри.

3. Никоҳда бўлмаган вояга етмаган она томонидан оталикни белгилаши ҳақида даъво аризаси билан мурожсаат қилинганда, суд ...

- а) аризани қабул қилишни рад этади;
- б) аризани ҳаракатсиз қолдиради;
- в) аризани кўрмасдан қолдиради;
- г) аризани қабул қиласди.

4. Одам ДНКси суд биологик экспертизаси ўтказиши учун эксперталарга қандай ҳужжатлар тақдим этилиши зарур эмас?

- а) экспертиза тайинлаш (ўтказиш) ҳақидаги суд ажрими;
- б) қон намунаси олинганлиги ҳақидаги баённома нусхаси;
- в) жавобгарнинг яшаш ва ишлаш манзили ҳақидаги маълумотлар;
- г) экспертиза хизмати учун ҳақ тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат.

5. Оталикни белгилаши тўғрисидаги ишларни қўзгатиш учун умумий асос нима?

- а) болаларнинг моддий эҳтиёжи; в) даъво талаби;
- б) расмий никоҳнинг йўқлиги; г) боланинг номга бўлган ҳуқуки.

6. Қўйида кўрсатилган қайси туркумдаги ишлар бўйича даъвогарлар ўзлари яшаб турган жойда ҳам даъво тақдим этишлари мумкин?

- а) тураг-жойга берилган ордерни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- б) оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- в) мулкни рўйҳатдан чиқариш тўғрисидаги низоли ишлар бўйича;

г) ишга тиклаш, мажбурий бекор юрганлиги учун иш ҳақи ундириш ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича.

24-МАВЗУ. МЕҲНАТГА ОИД НИЗОЛИ ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССАУЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

РЕЖА:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда Меҳнат кодексида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилишининг муҳим жиҳатлари.
2. Меҳнатга оид ишларнинг тааллуқлиги ва судловлиги. Судга тааллуқли бўлмаган меҳнат низолари. Судга бевосита тааллуқли бўлган меҳнат низолари.
3. Меҳнатга оид ишларда тарафлар ва уларнинг процессуал ҳуқуқий ҳолати.
4. Ишга тиклаш масалалари бўйича учинчи шахсларнинг иштирок этиш хусусиятлари.
5. Меҳнат низоларини судда қўзгатиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш.
6. Меҳнат ишлари юзасидан суднинг ҳал қилув қарори ва уларнинг мазмуни.
7. Ҳал қилув қарорларини ижро этишнинг ўзига хос хусусиятлари.

1-масала

Нурматова судга даъво билан мурожаат этиб, 2001 йил 1 октябрда нафақага чиқиши муносабати билан 'Жиззах почтаси' АЖнинг Зарбдор филиали директори лавозимидан озод қилиш тўғрисида ариза берган бўлсада, меҳнат фаолиятини давом эттирганлигини, 2001 йил 19 октябрда иш берувчининг буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 99-моддаси, яъни ходимнинг ташабbusи билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқдан бехабарлигини кўрсатиб, ишга тиклаш ва мажбурий прогул вақти учун ҳақ ундиришни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво рад қилинган.

Кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборди.

Савол:

- 1) Ушбу масалада ходимни ўз ташабbusи билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги иш берувчининг буйруғи

қонунийми?

**2) Биринчи инстанция судининг хатоликлари нимада?
2-масала**

T. Давлат мулк қўмитасининг Тошкент вилоят худудий бошқармасига нисбатан ишга тиклаш, мажбурий прогул учун иш ҳақи ва маънавий зарар қоплаш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилган.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги қарор чиқарилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди раёсати 2002 йил 26 июлда Олий суд раиси ўринbosари протестига асосан, апелляция инстанцияси суди ажримини бекор қилган ва ишни ФПКнинг 324-моддаси тартибида кўриш учун биринчи инстанция судига юборди.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди раёсати ўз қарорини ишга тиклаш тўғрисида суд чиқарган ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятига шу қарорнинг ижросига доир ҳужжат илова қилинмаганлиги билан асослаган.

Савол:

- 1) Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раёсатининг қарори аослими?**
- 2) Суднинг ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятига шу қарорнинг ижросига доир ҳужжат илова қилинмаган тақдирда қандай оқибат юзага келади?**

3-масала

Ҳасанова Т.Х. ҳомиладорлиги учун таътил берилган Лебедованинг ўрнига врач-стомотолог лавозимига ишга қабул қилинган. Ҳасанова Т.ни ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда: “декрет таътили даврида ишга қабул қилинган” деб ёзилган. Лебедованинг амалда декрет таътили 1992 йил 12 январда тугашига қарамасдан Ҳасанова билан муайян муддатли меҳнат шартномаси 15.07.1992 йилда тузилган ва Ҳасанова Лебедованинг янги туғилган фарзанди учун янги таътилга чиқиши даврида ишга қабул қилиниши лозим эди. Лекин бундай таътил Лебедовага таклиф этилмаган. Лебедова 1993 йил январда ишга чиқсан ва бир неча вақт ўтгач меҳнат шартномасини бекор қилган. Ушбу барча вақт ичida Ҳасанова ишни давом эттирган ва унинг билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида масала кўтарилимаган. Кейинроқ эса иш берувчи даъвогарга Бекназарованинг декрет таътилига чиқиши даврида муддатли меҳнат шартномасини такроран тузиш тўғрисида ариза ёзишни таклиф қилган. 1996 йил июл ойида эса даъвогар билан меҳнат шартномаси Меҳнат Кодексининг 105-моддаси, яъни муддатли меҳнат

шартномасининг муддати тугаши муносабати билан бекор қилинган. Мехнат шартномасининг бекор қилинишини ғайриқонуний деб ҳисоблаб, Ҳасанова Т. судга ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақти учун иш хақи ундириш тўғрисидаги даъво билан мурожаат қилган.

Савол:

- 1) Суд ушбу масалани қандай ҳал қилиши лозим?**
- 2) Қайси ҳолларда иш берувчи билан ҳодим ўртасида муайян муддатга тузилган меҳнат шартномалари муддати тугаганлиги сабабли бекор қилиниши мумкин эмас.**

4-масала

Сайдов судга ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақти учун иш хақи ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган. Унинг билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига кўра меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузилганлиги, яъни прогул муносабати билан бекор қилинган. Меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги билан келиша олмаган даъвогар ишга чиқмаганлигининг сабаби сифатида ўз отасининг тўсатдан касал бўлиб қолганлигини кўрсатган. Шунингдек, даъвогар ишдан бўшатилишида касаба уюшмаси қўмитасининг розилиги олинмаганлигини кўрсатиб, ўз талабини асослашга ҳаракат қилган.

Савол:

- 1) Ҳодимларнинг ишга чиқмаганлигининг узрли эканлигини тасдиқловчи ҳолатларни кўрсатинг?**
- 2) Қайси ҳолларда ҳодимларни ишдан бўшатишда касаба уюшмаси қўмитасининг розилиги талаб қилинмайди.**

5-масала

Зарипова фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига ишга тиклаш тўғрисидаги даъво билан мурожаат қилган. Даъво аризасида кўрсатилишича, 2001 йил 10 майда унинг билан иш берувчи ўртасида 2001 йил 10 ноябргача бўлган муддатга меҳнат шартномаси тузилган бўлиб, уч ойлик дастлабки синов белгиланган.

Бош директорнинг 2001 йил 19 июль ойидаги № 156-сонли буйруғига кўра, Зарипова билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат Кодексининг 82-моддасига кўра, яъни синов натижаси қониқарсиз бўлганлиги учун бекор қилинган.

Савол:

- 1. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди томонидан**

мехнат қонунчилигининг қайси меъёрлари бузилган?

2. Қайси ҳолларда ходим билан мехнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

1. Қуйидаги меҳнатга оид ишдан қайси бирин бевосита суда кўришига тааллуқли эмас?

- а) ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат низолари;
- б) ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарнинг тўланиши ҳақидаги меҳнат низолари;
- в) ходимга етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги меҳнат низолари;
- г) янги меҳнат шартларини белгилаш тўғрисидаги меҳнат шартномаси мажбуриятини кўллаш масаласига доир меҳнат низолари.

2. Қуйидаги меҳнатга оид ишларининг қайси бирин бевосита судларда кўрилиши лозим бўлган ишлари жумласига кирмайди?

- а) янги меҳнат шартларини белгилаш тўғрисидаги меҳнат шартномаси мажбуриятларини кўлланиш масаласига доир меҳнат низолари;
- б) ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни ундириш ҳақидаги меҳнат низолари;
- в) ишга тиклаш ҳақидаги меҳнат низолари;
- г) иш берувчи ва касаба уюшмаси қўминаси олдиндан келишиб ҳал этилган масала юзасидан келиб чиқсан меҳнат низолари.

3. Қуйидаги қайси иш даъвогарнинг танлаши бўйича судловлик турига мансуб эмас?

- а) алимент ундириш тўғрисидаги ишлар;
- б) оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар;
- в) ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар;
- г) соғлиққа етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар.

4. Ишга тиклаш ҳақидаги низоли ишлар бўйича ходим судга қанча муддат ичida мурожсаат қилиши мумкин?

- а) ходимни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ нусхаси олинган кундан бошлаб бир ой;
- б) ходимни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ чиқарилган кундан бошлаб бир ой;

- в) ходимни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ нусхаси олинган кундан бошлаб уч ой;
- г) ходим ишдан бўшатилганлигини билган кундан эътиборан бир йил.

5. Ходимнинг соглигига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожсаат қилиши муддатини аниқланг?

- а) зарар етказилган кундан бошлаб бир ой;
- б) зарар етказилган кундан бошлаб уч ой;
- в) зарар етказилганлиги аниқланган кундан бошлаб бир йил;
- г) ходимнинг соғлигига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича муддат белгиланмайди.

6. Ходимга етказилган маънавий зарарни қоплашга доир талаблар бўйича даъво муддатини аниқланг?

- а) маънавий зарар етказилган кундан бошлаб бир ой;
- б) маънавий зарар етказилган кундан бошлаб олти ой;
- в) маънавий зарар етказилганлиги аниқланган кундан бошлаб бир йил;
- г) ходимга етказилган маънавий зарарни қоплашга доир талаблар бўйича даъво муддати белгиланмайди.

7. Ишга тиклаш тўғрисидаги низолар учун қонунда белгиланган даъво муддати ўтказиб юборилган ҳолда даъвогар судга мурожсаат қилган тақдирда, суд...

- а) даъво аризасини қабул қилишни рад этади;
- б) аризани ҳаракатсиз қолдиради;
- в) даъво қилиш муддати ўтказиб юборилган деган асос билан даъво аризни қабул қилмасликка ҳақли эмас;
- г) аризани кўрмасдан қолдиради.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1998 йил 12 ноябрдаги 16-сонли буйругига кўра, қайси туркумдаги ишларнинг судда кўрилишида прокурор ёрдамчиси шитирок этиши мумкин эмас?

- а) алимент ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- б) болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича;
- в) фуқарони муомала лаёқатини чеклаш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- г) ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат низолари бўйича.

9. Ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд процессига учинчи шахс сифатида жалб этилган мансабдор шахслардан

ташкилотга етказилган заарар ўрнини қоплаш учун тұланаадиган ҳақ миқдорини аниқланғ?

- а) мансабдор шахснинг уч ойлик маошидан ортиб кетмаслиги лозим;
- б) ўртача ойлик иш ҳақининг уч бараваридан ортиб кетмаслиги лозим;
- в) мансабдор шахснинг олти ойлик маошидан ортиб кетмаслиги лозим;
- г) ташкилотга етказилган заарар тұлық қопланиши лозим.

10. Ишга тиклаш тұғрисидаги ишлар бүйіча суд процессиға учинчи шахс сиғатида жалб әтилған мансабдор шахс суд залиға узрсиз сабабларға күра келмаса, суд ...

- а) ишни сиртдан күради;
- б) мансабдор шахс мажбуран келтирилади ва унинг зыммасига энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда суд жаримаси солинади;
- в) суд бу шахснинг иштирокисиз ҳам ишни күриши мумкин;
- г) аризани күрмасдан қолдиради.

11. Суд томонидан ходимга ундириб берилаётған маънавий заарар суммаси қанчадан кам бўлиши мумкин эмас?

- а) ходимнинг ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас;
- б) энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас;
- в) ходимнинг олти ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас;
- г) маънавий заарар суммасининг энг кам суммасини суд мустақил белгилайди.

25-МАВЗУ. УЙ-ЖОЙГА ОИД НИЗОЛИ ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

РЕЖА:

1. Ўзбекистон Республикасининг уй-жой кодексида фуқароларнинг турар-жойга бўлган конституциявий хуқуқиларининг кафолатланиши.
2. Уй-жойга оид ишларнинг тааллуқлиги ва судловлиги. Судга тааллуқли бўлмаган уй-жойга оид ишлар.
3. Уй-жойга оид ишларда тарафлар ва уларнинг процессуал хуқуқий ҳолати.
4. Хусусий уй-жой фондидан фойдаланиш, тасаррүф этиш, эгалик қилиш билан боғлиқ низолар ва уларни ҳал этишнинг процессуал хусусиятлари.
5. Давлат уй-жой фондларидан фойдаланиш билан боғлиқ низоли ишларни ҳал этиш хусусиятлари.
6. Уй-жойга оид низоли ишлар юзасидан суднинг ҳал қилув қарори. Ҳал қилув қарорларини ижро этишнинг ўзига хос хусусиятлари.

1-масала

Алиев судга даъво билан мурожаат қилиб, Ҳакимовани оила аъзолари билан уйдан кўчиришни сўраган.

Жавобгар Ҳакимова эса Алиев ва нотариал идорага нисбатан қарши даъво тақдим қилиб, олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд Алиевнинг даъвосини қаноатлантириб, жавобгар Ҳакимованинг қарши даъвосини рад этган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати протестга асосан ишни кўриб, апелляция инстанцияси судининг ажримини ва биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилган.

Ишдаги мавжуд материалларга қараганда, эр-хотинлар И.Ҳакимов ва Ш.Ҳакимовалар суддаги тушунтиришларича, Алиевдан олган 1.200.000 сўм қарз эвазига нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан уйни Алиевга рисмийлаштириб берганликларини кўрсатганлар. Алиев судда, Ш.Тўраева ундан олган 1.200.000 сўм қарзини келишилган уч ойлик муддатда қайтармаганидан сўнг, низоли уйни нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан ўз номига расмийлаштириб олганлигини кўрсатган.

Олди-сотди шартномаси қарз эвазига амалга оширилганигини судда нотариус Аббосов ва гувоҳ Т.Ҳакимовлар ҳам тасдиқлашган.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция ва апелляция инстанция судлари томонидан қандай хатоликларга йўл кўйилган?**
- 2) Мазкур масала қандай ҳал этилиши лозим?**

2-масала

3. уй-жойга эгалик ҳуқуқини белгилаш ва уй-жойни **Ж.**дан олиб бериш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилган.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра **3.** нинг даъво талаблари қаноатлантирилиб, **Ж.** оила аъзолари билан биргаликда низоли уйдан кўчирилган, умумий мулкдаги улуши эвазига унинг фойдасига 391.768 сўм миқдорида компенсация тўлаш белгиланган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2001 йил 30 ноябрда суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборган.

Аниқланишича, биринчи инстанция суди тарафларнинг низоли уйдаги ҳиссасини teng миқдорда белгилаш лозимлиги ҳақида хulosага келган. Лекин даъвогар **3.**нинг уч нафар фарзанди билан отасининг уйида яшаётганлигини, фарзандларидан бири ногиронлиги сабабли яхши шароитда яшашга муҳтожлигини асос қилиб, **Ж.** ни кейинги оиласи билан бошқа тураг-жой бермасдан уйдан кўчириш, умумий мулкдаги улуши эвазига компенсация бериш ҳақида тўхтамга келган. Ундан ташқари, ишдаги мавжуд ҳужжатлар шундан далолат берадики, даъвогар **3.** фарзандлари билан низоли уйда 1998 йилдан буён яшамаган, **Ж.** у билан никоҳдан ажратилгандан сўнг **Б.** билан турмуш қурган ва уларнинг 5 ойлик фарзанди бўлиб, **Б.**нинг биринчи турмушидан туғилган вояга етмаган фарзанди ҳам улар билан низоли уйда яшаб келган, бошқа тураг-жойлари мавжуд бўлмаган.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори тўғрими?**
- 2) Мазкур масала қандай ҳал этилиши лозим?**

3-масала

A. билан **X.** ўртасида нотариал тасдиқланган уй-жой олди-сотди шартномаси тузилган.

A. судга даъво билан мурожаат қилиб, 82 ёшида ёлғиз ўзи қолганлиги сабабли 1998 йилда қариндоши *X.* билан ўз уйда бирга туришга розилик берганлигини, бироқ уйни сотиш мақсади бўлмаганлигини, 1999 йилнинг июль ойида *X.* уни нотариусга олиб бориб, алдаб шартномага имзо қўйдирганлигини қўрсатиб, олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд *A.* нинг даъвосини рад қилган.

Аппеляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2002 йил 12 июлда суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборади.

Аниқланишича, ишда маҳалла фуқаролар йиғини аъзолари иштирокида ёзган ва муҳр билан тасдиқланган тилхат мавжуд бўлиб, унда *X.* даъвогарни тириклигига боқиши эвазига уй унга қолиши кўрсатилган. Бу масала фуқаролар йиғинида ҳам муҳокама қилиниб, баённома тузилган. Бироқ, орадан бир ҳафта ўтгач, яъни 1999 йил 22 июлда низоли уйни *A.* жавобгар *X.* га васият қилган, 1999 йил 25 июлда низоли уй бўйича тарафлар ўртасида олди-сотди шартномаси расмийлаштирилган.

Шунингдек, судда *A.* низоли уй учун пул олмаганлигини кўрсатган, жавобгар *X.* даъвога қисман иқрорлик билдириб, уйнинг нархи ҳақида аниқ келишув бўлмаганлигини, аммо у даъвогарга 290.000 сўм берганлигини кўрсатган, олди-сотди шартномаси матнида эса сотувчи уй учун 627.000 сўм олганлиги кўрсатилган.

Савол:

1) Биринчи инстанция суди томонидан қандай камчиликларга йўл қўйилган?

2) Иш юзасидан қандай ҳолатлар аниқланиши лозим?

4-масала

Туман ҳокимлиги судга даъво билан мурожаат этиб, уйлар жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан Собиров кўчаси 5-уйда яшовчи *III.* ни оила аъзолари билан кўчиришни сўраган.

Суд даъвони қаноатлантириб, *III.* ни оила аъзолари билан Собиров кўчаси 5-уйдан бошқа уйга кўчирган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2002 йил 15 февралда суд қарорларини бекор қилиб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарди.

Аниқланишича, уйлар жамоат эҳтиёжи учун олиб қўйилиши муносабати билан Собиров қўчасидаги 5-уй бузилиши лозим бўлган. Бу оила яшаб келган уй бузилган тақдирда, уларга ҳар бир киши ҳисобига 16 кв.метрдан кам бўлмаган микдорда турар-жой ажратилиши лозим. **Ш.** нинг оила аъзолари 9 кишидан иборат бўлиб, **Ш.** га ажратилган Комилов қўчасидаги 18-уйнинг умумий майдони 36,84 кв.метрни ташкил қилган.

Савол:

- 1) Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан йўл қўйилган камчилик нимада?**
- 2) Мазкур масала қандай ҳал этилиши лозим?**

5-масала

Туманлараро судга даъвогар **K.** жавобгарлар эр-хотин **M.** ва **X.** ларни уйдан кўчириш тўғрисидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган. Судда жавобгарлар даъвогарга нисбатан қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, олди-сотди шартномасини ҳакиқий эмас деб топишни сўраганлар.

Иш материалларига қараганда, жавобгар **X.** 15.05.2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Миллий Банкидан йирик қорамол сотиб олиш учун 400.000 сўм кредит расмийлаштириб, ўзига тегишли бўлган турар-жойни гаровга қўйган. Аммо, олган қорамоли ўлиб қолган ва кредит пулларини ўз вақтида тўлай олмаган. Банк вакили **Ш.** жавобгар **X.** га уйни сотиб олишга харидор **K.** ни топиб берган ва унга қўшимча 50.000 сўм берган, шу билан **X.** банк кредитидан қутилган. Судда жавобгарлар **M.** ва **X.** ларнинг 10 нафар фарзандлари борлиги, сувсизлик оқибатида кредитга олган пуллар эвазига сотиб олган моллар ўлиб қолганлиги, кредитни қайтариш учун яшайдиган жойини сотишга мажбур бўлганликлари аниқланган.

Савол:

- 1) Суд қандай мазмундаги ҳал қилув қарори чиқариши лозим?**

**26-МАВЗУ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ, БОШҚА ОРГАНЛАР,
ШУНИНГДЕК МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ХАТТИ-
ҲАРАКАТЛАРИ (ҚАРОРЛАРИ) УСТИДАН БЕРИЛГАН
ШИКОЯТЛАР БҮЙИЧА ИШ ЮРИТИШ**

РЕЖА:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан судга шикоят қилиш ҳукуки ва шу ҳақидаги қонун.
2. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (қарорлари) устидан бериладиган шикоятларга оид бўлган ишларнинг турлари. Шикоят қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар (қарорлар).
3. Фуқароларнинг ҳукуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг ҳукукий актлари.
4. Судга шикоят билан мурожаат этиш учун асослар ва муддатлар.
5. Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракат (қарор)лари устидан берилган шикоятларни судда кўриш тартиби. Ишда иштирок этувчи шахслар, уларнинг ҳукуқ ва бурчлари. Бу туркумдаги ишларнинг судда кўришнинг процессуал хусусиятлари.
6. Нотариал ҳаракатлар ёки бундай ҳаракатларни бажаришни рад этганлик устидан шикоят бериш тартиби. Ишни кўриш учун асослар. Ишда иштирок этувчи шахслар. Суднинг ҳал қилув қарори.
7. Фуқаролик ҳолати актларини қайд этишдаги нотўғриликлар устидан шикоят бериш тартиби. Шикоят бериш учун вужудга келган асослар. Бундай ишларнинг судловлиги. Шикоятнинг мазмуни. Ишда иштирок этувчи шахслар. Шикоят юзасидан қабул қилинадиган қарорлар.
8. Прокурорнинг ҳукукий хужжатни ғайриконуний деб топиш ҳақида судга ариза бериш учун асослар. Ишда иштирок этувчи шахслар. Прокурорнинг аризаси бўйича суднинг бажариши лозим бўлган процессуал ҳаракатлари.

1-масала

Туман суди ўз иш юритувига Ҳакимов И.В.ни “Гаров” ОАЖ мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатлари юзасидан ўз вақтида меҳнат дафтарчасини бермаганлиги ҳақида шикоятни қабул қилган. Ҳакимов суд

жараёнида корхона маъмуриятининг зиммасига унга меҳнат дафтарчасини бериш мажбуриятини юклаш билан биргаликда, етказилган моддий ва маънавий зарарни ундиришни сўраган.

Бунга асос қилиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига кўра, ходим меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилган барча ҳолларда ололмай қолган иш ҳақини ва меҳнат дафтарчесини бериш кечикирилганда келтирилган зарарни ундиришни талаб қилишга ҳақли эканлигини кўрсатган.

Туман суди ўзининг 2000 йил 17 август кунги ҳал қилув қарори билан шикоятни мазмунан кўриб ҳал этган.

Савол:

- 1) Суднинг ҳаракати тўғрими?**
- 2) Суд томонидан қандай камчиликларга йўл қўйилган?**

2-масала

Фуқаро Г. туман судига туман паспорт бўлими бошлигининг, яъни мансабдор шахснинг ҳатти-ҳаракатлари устидан шикоят билан мурожаат қилган. Фуқаро Г. уй-жой олди-сотди шартномасига кўра, турагар-жойни сотиб олиб, рўйҳатга ўтмоқчи бўлган. Аммо туман паспорт бўлими бошлиғи уй-жой ўзбошимчалик билан қурилганлиги сабабли уни рўйҳатга ўтказишни рад этишган. Фуқаро Г. нинг шикояти асосида иш кўрилиш жараёнида у кейинчалик сотиб олинган турур-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақида даъво аризаси билан судга мурожаат қилишини кўрсатиб, ўз шикоятидан воз кечган. Биринчи инстанция суди Г.нинг шикоятдан воз кечганлигини қабул қилиб, ФПКнинг 100-моддасига кўра, иш юритишни тугатган.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция судининг ажрими асослими?**
- 2) Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида” ги қарори қандай тушунишилар беради?**

3-масала

Фуқаро А. нотариуснинг нотариал ҳаракатларни бажаришни рад этганлиги устидан шикоят билан туманлараро судга мурожаат қилган. Туманлараро суднинг 2002 йил 20 сентябрдаги ажрими билан мазкур шикоят бўйича иш юритиш ФПКнинг 100-моддаси иккинчи қисмига

кўра тугатилган.

Аниқланишича, *A.* Тошкент шаҳар нотариал идорасига қизи номига ворислик гувоҳномасини беришни сўраб мурожаат қилган. Лекин *A.* нинг кўлида туман судининг 1998 йил 21 июлдаги ҳал қилув қарори мавжуд бўлиб, унга қўра, даъвогар *A.* нинг жавобгарлар *I.* ва *P.* ларга нисбатан ворислик гувоҳномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво талаблари қаноатлантирилиб, унинг қизи *C.* отасини вафотидан кейин унинг барча мол-мулкига нисбатан меросхўр деб топилган.

Нотариал идора *A.* нинг қизини мерос мулкка нисбатан ҳуқуқини тасдиқловчи суднинг ҳал қилув қарори мавжудлигини кўрсатиб, нотариал идора яна қайта шу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжат бериши шарт бўлмаганлиги учун нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад қилган.

Туманлараро суднинг 2002 йил 20 сентябрдаги ажрими билан мазкур шикоят бўйича иш юритишни ФПКнинг 100-моддаси иккинчи қисмига кўра, тугатган.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция судининг ажрими тўғрими?**
- 2) Мазкур масала қандай ҳал этилади?**

4-масала

Фуқаро *B.* судга туман паспорт бўлими мансабдор шахслари устидан шикоят билан мурожаат этиб, шикоятида у Руминия давлатида туғилганлигини, баъзи ҳолатларга кўра ота-онаси билан Кишеневга кўчиб келишгани, иккинчи жаҳон уруши даврида бошқалар қаторида Ўзбекистонга эвакуация қилинганлиги, унинг ота-онаси “яҳудий” миллатига мансуб бўлишсада, сиёсий шароит тақозоси билан унинг паспортида миллати “рус” деб кўрсатилгани, ҳозирда у ўзининг дастлабки туғилганлик гувоҳномасини тиклагани сабабли туман паспорт бўлимига паспортдаги миллатига ўзгартишлар киритиб беришни сўраб мурожаат этган. Аммо паспорт бўлими унинг талабини қаноатлантирганини ва унинг сабабини тушунтирганини кўрсатиб, паспорт бўлими мансабдор шахсларининг зиммасига туғилганлик гувоҳномаси асосида паспортдаги миллати графасига ўзгартириш киритиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Туманлараро суд *B.* нинг шикоятини қаноатлантириб, туман паспорт бўлимининг ҳаракатларини ноқонуний деб топиб, *B.* нинг туғилганлик гувоҳномаси асосида унинг паспортидаги миллати графасига ўзгартириш киритиши тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Савол:

- 1) Туманлараро суднинг ҳал қилув қарори тўғрими?**

2) Мазкур иш қандай ҳал этилиши лозим?
ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

1. Қўйидаги қайси иш давлат органлари, бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва арнизалар бўйича иш юритиш турига мансуб эмас?

- а) ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги ишлар;
- б) нотариуснинг муайян ҳаракатларни бажаришни рад этганлиги устидан берилган шикоятлар бўйича иш юритиш;
- в) истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишлар;
- г) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишлар.

2. Давлат органлари, бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва арнизалар бўйича иш юритиш турига мансуб бўлган ишини аниқланг?

- а) мол-мулкни эгасиз деб топиш тўғрисидаги ишлар;
- б) тегишли органларнинг паспортдаги миллат ҳақидаги ёзувни рад этганлиги ҳақидаги ишлар;
- в) қариндошлик муносабатларида бўлганлик фактини белгилаш тўғрисидаги ишлар;
- г) фуқарони бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги ишлар.

3. Фуқаро мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан қанча муддат ичида судга шикоят қилишига ҳақли?

- а) мансабдор шахснинг қарори чиққан кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида;
- б) мансабдор шахснинг қарори чиққан кундан бошлаб уч ойлик муддат ичида;
- в) фуқарога ўзининг ҳукуқлари ва эркинликлари бузилганлиги маълум бўлган кундан эътиборан уч ойлик муддат ичида;
- г) фуқарога ўзининг ҳукуқлари ва эркинликлари бузилганлиги маълум бўлган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида.

4. Сайлов комиссиясининг хатти ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларни кўриши муддати қанча?

- а) шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмасдан;
- б) шикоят берилган кундан эътиборан олти кун ичида;
- в) шикоят берилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмасдан;

г) шикоят берилган кундан эътиборан бир ой ичида.

5. Давлат бошқаруви органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг ҳуқуқларини чекловчи ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан бериладиган шикоятлардан ундириладиган давлат божи ставкасини кўрсатинг?

- а) энг кам ойлик иш ҳақининг 50%и;
- б) энг кам ойлик иш ҳақининг 120%и;
- в) энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари;
- г) энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари.

6. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар устидан берилган шикоятлар бўйича иш юритиш тўғрисидаги ишларнинг судловлигини аниқланг?

- а) шикоят фуқаронинг яшаётган жойидаги судга берилади;
- б) шикоят орган, муассаса жойлашган ердаги судга берилади;
- в) ҳатти-ҳаракатлари (қарорлар) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахснинг иш жойидаги судга берилади;
- г) барча жавоблар тўғри.

7. Участка сайлов комиссиясига нисбатан судга шикоят билан мурожсаат қилган шахс аризага қандай ҳужжатни илова қилиши лозим?

- а) туман ҳокимиятидан сайлов тўғрисидаги маълумотнома
- б) ариза рад қилинганлиги тўғрисида участка сайлов комиссиясининг асослантирилган маълумоти
- в) марказий сайлов комиссиясининг сайлов ўтказиш тўғрисидаги йўриқномаси
- г) тўғри жавоб йўқ

8. Давлат бошқаруви органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳатти ҳаракатлари устидан берилган шикоятларга нима учун давлат божининг тўланганлиги ҳақидаги маълумот илова қилинмайди?

- а) шикоят билан мурожсаат қилувчи фуқаролар давлат божини тўлашдан озод қилинганлиги учун;
- б) иш юзасидан суд ҳал қилув қарори чиқараётганда айбдор томондан ундирилиши учун;
- в) шикоятлар учун давлат божи ундирилади, шунинг учун шикоятларга албатта давлат божининг тўланганлиги тўғрисидаги маълумотлар илова қилиниши шарт;

г) түғри жавоб йўқ.

9. Қуйидаги фуқаролик ишларидан қайси бирида ариза судга келиб тушигач, дарҳол кўриб чиқлади?

- а) оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар;
- б) фуқароларнинг ҳуқуқларини бузадиган қарорлар устидан;
- в) сайлов комиссиясининг қарорлари устидан бериладиган шикоятлар;
- г) болани тарбияга бериш тўғрисидаги ишлар.

10. Қуйидаги фуқаролик ишларидан қайси бирида ҳуқуқий низомавжуд эмас?

- а) оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар;
- б) сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар;
- в) алимент ундириш тўғрисидаги ишлар;
- г) ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар.

11. Шикоятни кўриш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисидаги низом келиб чиқса, суд...

- а) иш юритишни тўхтатади;
- б) аризани кўрмасдан қолдиради;
- в) иш юритишни тугатади;
- г) ишни мазмунан кўришни давом эттиради.

27-МАВЗУ. АЛОҲИДА ТАРТИБДА ИШ ЙОРИТИШ

РЕЖА:

1. Алоҳида тартибда иш юритиш тушунчаси ва моҳияти.
2. Алоҳида тартибда юритиладиган ишларни даъво тартибида, шунингдек давлат органлари ва бошқа органлар, мансабдор шахсларнинг хатти-харакат (карорлари устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритишдан фарқи. Алоҳида тартибда юритиладиган ишлар ва уларни кўриш тартиби. Аризани кўрмасдан қолдириш учун асослар.
3. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисдаги ишлар. Юридик аҳамиятга эга бўлган ишларни судга тааллуқлилиги. Бундай ишларни судда кўришда иштирок этувчи шахслар. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш шартлари. Аризаларнинг мазмуни, ишларнинг судловлиги. Суд ҳал қилув қарори.
4. Фуқароларни қонунда белгилаб қуйилган тартибда бедарак йуқолган деб топиш ва ўлган деб эълон қилиш. Аризанинг мазмуни, ишларнинг судловлиги.
5. Аризани қабул қилгандан кейин суднинг ҳаракатлари. Ишда иштирок этувчи шахслар. Иш бўйича суднинг ҳал қилув қарори.
6. Фуқарони бедарак йуқолган деб топиш ва ўлган деб эълон қилган ишлар бўйича уларнинг келиб қолиши ёки тураг жойини аниклаш оқибатлари.
7. Фуқаронинг муомала лаёкати чекланган ёки муомалага лаёкатсиз деб топилиши. Аризанинг мазмуни. Ишда иштирок этувчи шахслар. Ишнинг судловлиги. Исботлаш асослари. Ишни судда кўришга тайёрлаш ва кўриш. Иш бўйича суднинг ҳал қилув қарори. Фуқарони муомалага лаёкатли деб топиш учун асослар.
8. Мулкни эгасиз деб ҳисоблаш. Бундай ишларда иштирок этувчи шахслар.
9. Ишнинг судловлиги. Аризани мазмуни. Ишни судда кўришга тайёрлаш ва кўриш. Суднинг ҳал қилув қарори ва унинг аҳамияти.
10. Тақдим этувчига деб берилган хужжатлар йўқотилган такдирда уларга бўлган ҳуқуқларни тиклаш (чақириб иш юритиш), тўғрисида аризани бериш тартиби. Аризанинг мазмуни. Ишни судда кўришга тайёрлаш. Хужжатни сақловчи шахсдан ариза тушгандан кейин суднинг ҳаракатлари. Ишни кўриш. Суднинг ҳал қилув қарори.
11. Ғайриихтиёрий тиртибда психатрия стационарига ётқизиш. Ариза бериш тартиби, ишда иштирок этувчи шахслар. Суд ҳал

қилув қарори ва унга қўйилган талаблар.

1-масала

Туман судига В. ва С. лар оталари В. ни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганлар.

Туман суди 2003 йил 4 март куни аризани қабул қилиб, фуқаролик ишини қўзғатган ва шу куннинг ўзидаёқ ишни судда кўришга тайёрлаш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга оширмасдан иш кўришни бошлаган.

Судья В.ни муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги ариза келиб тушмасдан олдин, яъни 2003 йил 20 феврал куни 2-наркология диспансерининг бош шифокорига ёзма равишда мурожаат қилиб, В. ушбу диспансерда рўйхатда турганлиги ва уни амбулатория шароитида экспертизадан ўтказиш мумкинлиги ҳақида маълумот беришни сўраган.

Савол:

1) Биринчи инстанция суди томонидан қандай камчиликларга йўл қўйилган?

2) Мазкур тоифадаги ишлар юзасидан судья ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида қандай процессуал ҳаракатларни амалга ошириши лозим бўлади?

2-масала

P. ўзининг “яхудий” миллатига мансуб эканлиги фактини белгилаб бериш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилди. Ушбу фактнинг белгиланиши паспортига тегишли маълумотни киритиш учун кераклигини кўрсатган. Суд аризачини “яхудий” миллатига мансуб эканлиги фактини белгилаш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди.

Савол:

1) Суднинг ҳаракатлари тўғрими?

3-масала

C. судга ЎзМУнинг “Хукуқшунослик” факультетини тамомлаганлик фактини белгилаб бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган. Судья ушбу аризани етарли асослар мавжуд эмаслигини кўрсатиб, қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарган.

Савол:

1) Судьянинг ҳаракатлари тўғрими?

2) Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш учун қандай талаблар

қўйилади?

4-масала

Д. Туманлараро судга мурожаат қилиб, хотини бўлмиш **T.** ни муомалага лаёқатсиз деб топишни ҳамда унинг қарамоғида бўлган фарзанди **P.** ни унинг тарбиясига олиб беришни сўраб, судга ариза билан мурожаат қилган. Аризага **T.** нинг руҳий касалликлар шифохонасида даволанаётгани тўғрисидаги маълумотномани илова қилган. Суд мажлисига аризачи **D.** ва **T.** даволанаётган шифохона вакили жалб этилган. Шифохона вакили **T.** ҳақиқатда руҳий касалликка чалингандилиги тўғрисида кўрсатма берган.

Суд **T.** ни муомала лаёқати чеклаш тўғрисида ҳамда унинг тарбиясида бўлган **P.** ни аризачи **D.** нинг қарамоғига олиб бериш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Савол:

- 1) Суднинг ҳал қилув қарори асослими?
- 2) Мазкур иш қандай ҳал этилиши лозим?

5-масала

A. туман судига мурожаат қилиб, ўз эри **O.** ни спиртли ичимликларни сустеъмол қилаётганлиги учун унинг муомала лаёқатини чеклашни сўраган.

Судда **O.** хотинининг муддаосига қарши ўзининг важларини билдириб, хотини билан икки йилдан буён бирга яшамаётганлигини, шунинг учун ҳам кўп ичадиган бўлиб қолганлигини, аризачини моддий жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин эмаслигини, қолаверса у ўзининг хатти-ҳаракатларини англай олиши ва бошқара олишини кўрсатди.

Суд ўз ҳал қилув қарори билан **O.** нинг муомала лаёқатини чеклаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Савол:

- 1) Суднинг ҳал қилув қарори қонунийми?

6-масала

Азизова судга ариза билан мурожаат қилиб, меросга бўлган ҳуқук тўғрисида гувоҳнома олиш учун собиқ эридан бўлган икки нафар вояга етмаган болаларини марҳум Атаевнинг қарамоғида бўлганлик фактини белгилашни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан аризачининг талаби

қаноатлантирилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсати қуйидаги асосларга кўра, суд ҳал қилув қарорини бекор қилинган.

Аниқланишича, судда мазкур фуқаролик ишидан алоҳида даъвогар Азизованинг марҳум Атаевни қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислари ҳисобланган хотини ва ўғилларига нисбатан мерос мулкни тақсимлаш ҳақидаги даъвоси бўйича тугалланмаган фуқаролик иши мавжуд бўлган.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция судининг ҳаракатлари тўғрими?**
- 2) Мазкур масала қандай ҳал этилиши лозим?**

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

1. Алоҳида тартибда кўриладиган ишни қўрсатинг?

- а) Фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органининг муайян ҳаракатларни бажаришни рад этганлиги устидан берилган шикоятлар бўйича иш юритиш;
- б) чет элга чиқишига руҳсат беришни рад этганлиги устидан судга шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар;
- в) бахтсиз ҳодиса фактини белгилаш тўғрисидаги ишлар;
- г) никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар.

2. Қуйидаги қайси тоифадаги ишлар алоҳида тартибда кўрилмайди?

- а) фуқарони бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги ишлар;
- б) ғайрииҳтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ишлар;
- в) болаликка олишнинг қайд этилганлик фактини белгилаш;
- г) мулкни рўйхатдан чиқариш ҳақидаги ишлар.

3. Қуйидаги фактлардан қайси бири суд тартибида белгиланиши мумкин эмас?

- а) бокувчинининг ўлими муносабати билан нафака тайинлаш учун бирорнинг қарамоғида бўлганлик факти;
- б) паспорт ва ФХДЁ органлари томонидан бериладиган гувоҳномаларни тегишлилиги факти;
- в) фуқарони ёки унинг ота онасини Иккинчи жаҳон уруши даврида эвакуация қилинганлик фактлари;
- г) бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги фактни.

4. Қуйидаги фактлардан қайси бири суд тартибида белгиланиши мүмкін?

- а) ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаганлик фактини белгилаш түғрисидаги ишлар;
- б) касаба уюшмалари хужжатларини тегишлилиги фактини белгилаш түғрисидаги ишлар;
- в) олий ўқув юртини битирганлик фактини белгилаш түғрисидаги ишлар;
- г) иморатга хусусий мулк ҳуқуқи асосида әгалик қилиш фактини белгилаш түғрисидаги ишлар.

5. Бокувчисининг ўлими муносабати билан нафақа тайинлаш учун бирорнинг қарамогида бўлганлик фактини белгилаш судга қадарли қайси орган томонидан кўриб чиқилиши лозим?

- а) ФХДЁ органларида;
- б) нотариал идораларда;
- в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида;
- г) ижтимоий таъминот бўлимлари.

6. Суд томонидан юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш учун қуйидаги қайси шарт талаб этилмайди?

- а) бу фактни белгилаш фуқаролар ёки ташкилотларнинг шахсий ёки мулкий ҳукуқларини бевосита келтириб чиқаришга, ўзгартиришга ёки тугатишга олиб келиши;
- б) манфаатдор шахслар ўртасида ҳуқуқ ҳақида судга тааллуқли низонинг мавжуд бўлмаслиги;
- в) шу фактни тасдиқлайдиган тегишли хужжатларни бошқача йўл билан олиш ёки тиклашнинг имкони бўлмаслиги;
- г) аризачи Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиши талаб этилади.

7. Тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқотилган тақдирда уларга бўлган ҳуқуқларни тиклаш ҳақида судга берилган аризалардан қанча миқдорда давлат божи ундирилади?

- а) энг кам иш ҳақининг 10 %;
- б) энг кам иш ҳақининг 50 %;
- в) энг кам иш ҳақининг 120 %;
- г) давлат божи ундирилмайди.

8. Тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолганда иш қайси худуддаги судда кўрилади?

- а) аризачи яшайдын худудда;
- б) ушбу хужжатларнинг эгаси жойлашган манзилда;
- в) ушбу хужжатни берган муассаса жойлашган худуддаги;
- г) хужжат йўқолган худуддаги суда.

9. Ҳарбий ҳаракатлар муносабати билан бедарак йўқолган ҳарбий хизматчини қанча муддатда вафот этган деб эълон қилиши мумкин?

- а) ҳарбий ҳаракатлар тугатилгандан сўнг уч йил;
- б) шахс йўқолгандан кейин уч йил;
- в) ҳарбий ҳаракатлар тугатилганидан кейин икки йил;
- г) ҳарбий ҳаракатлар тугатилганидан кейин бир йил.

10. Гайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ишларни суда кўришда қўйидаги қайси шахс иштирок этиши талаоб этилмайди?

- а) стационарга ётқизишнинг асослилиги тўғрисида хулоса берган комиссия таркибидаги шифокор психиатр;
- б) прокурор;
- в) шахс ётган психиатрия муассасасининг вакили;
- г) стационарга ётқизилаётган шахс.

27-МАВЗУ: СУД ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ ВА АЖРИМЛАРИНИ АПЕЛЛЯЦИЯ ТАРТИБИДА ҚАЙТА КҮРИШ

РЕЖА:

1. Қонуний кучга кирмаган суднинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан шикоят ва протест келтириш ва уларни текшириш институтининг моҳияти ва аҳамияти.
2. Апелляция инстанциясининг ташкил топиши ва ривожланиши. Бу институтнинг хорижий мамлакатлар фуқаролик процессаул хуқуқидаги шикоят қилишидан фарқи. Мусулмон хуқуқида фуқаролик ишларини юқори судларда кўришга бўлган асослар.
3. Апелляция тартибида шикоят ва протест келтириш хуқуқи.
4. Шикоят қилиш субъектлари. Протест келтириш хуқуқига эга бўлган субъектлар. Шикоят қилиш ва протест келтириш обьекти. Апелляция шикоятигининг ва апелляция протестининг мазмuni. Шикоят ва протестни кўрадиган судлар. Шикоятга қўшилиш хуқуқи. Шикоят (протест) ни ҳаракатсиз қолдириш. Суднинг шикоят ва протестни олгандан кейинги ҳаракатлари.
5. Иккинчи инстанция судига апелляция тартибида келтирилган шикоят ва протестларни кўрилиши ва унинг процессуал тартиби. Шикоят, протест юзасидан иккинчи инстанция судининг ваколатлари (ҳал қилув қарорини ўзгартириш, бекор қилиш ёки янги ҳал қилув қарорини чиқариш учун асослар).
6. Иккинчи инстанция судининг ажрими. Унинг аҳамияти ва мазмuni. қуйи судлар учун иккинчи инстанция судининг кўрсатмаларини мажбурийлиги.
7. Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан шикоят бериш ва протест келтириш. Хусусий шикоятни обьекти, шикоят қилиш тартиби, хусусий шикоятни кўриш билан боғлиқ иккинчи инстанция судининг ваколати.

1-масала

Гаврилова судга даъво билан мурожаат қилиб, бирга яшаш имкони бўлмаганлиги сабабли ўғли Хайруддиновни оиласи билан бошқа тураржойга кўчиришни сўраган.

Суд даъвони қаноатлантириб, Хайруддиновни оила аъзолари билан Тинчлик кўчаси 6-йдан Боғдод кўчаси 10-йнинг 4-хонадонига кўчирган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати эса суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан қўриш учун биринчи инстанция судига юборди.

Иш хужжатларига қараганда, 1994 йилда Гаврилова Тинчлик кўчасидаги 6-уйни имтиёзли асосда бепул хусусийлаштириб олган. Хайруддинов хотини Тиллаева ва уч нафар фарзандлари билан 1992 йилда рўйхатдан ўтиб, мазкур уйнинг бир хонасида яшаб келган ва хусусийлаштиришда иштирок этган. Биринчи инстанция суди жавобгарни уйдан кўчириш ҳақида хulosага келиб, Гавриловага пул тўлаш ёки бошқа турар-жой сотиб олиб бериш мажбуриятини юкламасдан, Хайруддиновни (оила аъзолари билан) Боғдод кўчаси 10-уйнинг 4-хонадонига кўчирган.

Шунингдек, биринчи инстанция суди Гаврилованинг ўғли Хайруддинов у билан бир уйда яшашга имкон бермасдан келганлиги ҳақидаги оғзаки важларини инобатга олган ҳолда даъвони қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция суди томонидан иш учун аҳамиятга эга бўлган қандай ҳолатлар исботланиши лозим эди?**
- 2) Мазкур низоли иш қандай ҳал этилиши керак?**

2-масала

М.Сураев шаҳар ижроия қўмитаси томонидан 1990 йилда берилган 325-сонли ордерга асосан А.Фитрат кўчаси, 2-уйнинг 13-хонадонида оила аъзолари билан яшаб келган. Ушбу ордерда уйдан фойдаланувчилар сифатида М.Сураев, хотини М.Сураева ва қайнонаси М.Алимовалар кўрсатилган.

Низоли хонадон шаҳар ҳокимининг 1993 йил 5 февралдаги қарори билан М.Сураев номига хусусийлаштирилган. 1999 йил М.Сураев билан М.Сураева суд орқали никоҳдан ажрашган.

М.Сураева ва М.Алимовалар судга даъво билан мурожаат қилиб, низоли хонадонни уларнинг тасарруфида қолдириб, жавобгар М.Сураевга уйдаги ҳиссасини пул ҳисобида ундириб беришни сўраганлар.

Суд даъвони қаноатлантирган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан қўриш учун юборди.

Ишда мавжуд бўлган маълумотномадан қўринишича, М.Алимова Кўқон кўчаси 54-уйда 1991 йил 30 октябрдан буён рўйхатда туриб

яшаб келган.

Савол:

1) Суд иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тўлиқ аниқлаш учун қандай процессуал ҳаракатларни амалга ошириши лозим эди?

2) Мазкур низоли иш қандай ҳал этилади?

3-масала

Н.Сатторқулова марҳум ўғли Б.Сатторқуловдан қолган мерос мулкдаги улушкини белгилаб, натура тартибида олиб бериш ҳақида келини Ж.Сатторқуловага нисбатан судга даъво билан мурожаат қилган.

Судда аниқланишича, марҳум Б.Саттарқуловдан 3 та, яъни Укубаев кўчасида жойлашган 18-уй, 3-мавзедаги 55-йнинг 1 хонадони ва 4-мавзедаги 73-йнинг 25-хонадонидан иборат уй-жойлар мерос қолган. Унинг ворислари (хотини ва фарзандлари) мерос мулкларни ўзларига расмийлаштириб олишган.

Биринчи босқич суди даъвони қаноатлантириб, барча ворисларнинг меросга бўлган хуқуқлари тенглигидан келиб чиқиб ҳамда Ж.Саттарқулова ва фарзандлари бу низоли уйдан ташқари Укубаев кўчасида жойлашган 4 хонадан иборат ҳовли жой ва Гулистон шаҳар 4-мавзеда 4-хонадан иборат уйни мерос сифатида эгаллаганликларини инобатга олиб, даъвогар Н.Саттарқуловага Гулистон шаҳар 3-мавзедаги 55-йнинг 1-хонадонини қолдириб, Ж.Саттарқуловага эса унинг шу мерос уйдан ҳиссасини компенсация тарзда ундиришни белгилаб берган.

Апелляция инстанцияси судининг ажримига кўра, ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, низоли хонадон Ж.Сатторқуловага қолдирилиб, Н.Сатторқуловага меросдаги улуси эвазига 203.266 сўм пул ундириб берилган. Апелляция инстанцияси суди низоли уй жавобгар томонидан таъмирланганлигини ва даъвогарнинг ночор мулкий аҳволини даъвони рад этиш учун асос қилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг ажримини бекор қилиб, туманлараро судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдирди.

Савол:

1) Апелляция инстанцияси суди ўз ажрими билан қандай камчиликларга йўл қўйган ?

2) Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан туманлараро судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдирлишига асос нимада ?

4-масала

М. 2001 йилда судга даъво билан мурожаат қилиб **Х.** билан никоҳ даврида 1990 йилда ВАЗ-2103 русумли автомашинани сотиб олганликларини, **Х.** 1997 йил 21 августда унинг розилигини олмасдан автомашинани акаси **Э.** га ҳадя қилганлигини кўрсатиб, ҳадя шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд **М.** нинг даъвосини қаноатлантирган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, **М.** нинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарган. Апелляция инстанцияси суди **М.** даъво муддатини узрсиз сабабларга кўра ўтказиб борганлиги ҳақида хulosага келган ва шу асосда даъвони рад қилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2002 йил 19 апрелда тарафлар суд қарор чиқаргунича даъво муддатини қўллаш ҳақида ариза билан мурожаат қилмаганликларини асос қилиб, апелляция инстанцияси суди ажримини бекор қилиб, ҳал қилув қарорини кучида қолдирди.

Савол:

- 1) Апелляция инстанцияси судининг ажрими асослими?**
- 2) Мазкур масала қандай ҳал этилиши лозим?**

5-масала

Э. судга мурожаат қилиб, ўғли **Х.** жавобар бўлмиш **А.** дан 1.800.000 сўм пул қарзга олганини, қарз эвазига у оқибатларни тушунмаган ҳолда уйини гаровга қўйиш ҳақидаги шартномага имзо қўйганини кўрсатиб, ушбу шартномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Туманлараро суднинг 2001 йил 2 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантиришни рад этган ва ҳал қилув қарорига асос қилиб, гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун агар қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган тақирда ёки лозим даражада бажармаганда гаров мол-мулкка каратилиши мумкинлигини кўрсатган.

Вилоят судининг судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш тўғрисидаги ўз ҳал қилув қарорини қуйидагилар билан, яъни гаровга қўйилган уй-жой даъвогарнинг турмуш ўртоғига тегишли бўлиб, унинг вафотидан кейин у ва унинг 5 та фарзанди ворис эканлиги, гаров шартномаси тузилиши орқали уларнинг ҳукуқлари бузилганли, шунга кўра **Э.**, яъни даъвогар гаровга қўювчи ҳисобланмаслиги билан асослаган.

Савол:

- 1) Апелляция инстанцияси суднинг ажрими асослими?**
- 2) “Ўзбекистон Республикасининг гаров тўғрисида”ги қонунига кўра, мазкур иш қандай ҳал этилиши лозим?**

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:**1. Апелляция сўзининг маъноси нима?**

- а) лотин тилида «мурожаат» маъносини англатади;
- б) инглиз тилида «ариза» маъносини англатади;
- в) француз тилида «бузиш» маъносини англатади;
- г) француз тилида «даъво» маъносини англатади.

2. Апелляция институти Ўзбекистон Республикаси ФПКга маҳсус боб сифатида қачон киритилди?

- а) 1998 йил 1 январда;
- б) 2000 йил 14 августда;
- в) 2000 йил 14 декабрда;
- г) 2001 йил 1 январда.

3. Биринчи инстанция суди судьяси ёки суд раиси апелляция шикояти ёки протестини олгандан сўнг қўйидаги қайси ҳаракатни амалга ошириши талааб этилмайди?

- а) ишда иштирок этувчи шахсларга шикоят ёки протестнинг нусхаларини юбориши;
- б) ишда иштирок этувчи шахсларга кассация инстанциясида ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида маълум қилиши;
- в) ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш ёки протест келтириш учун белгиланган муддат ўтган вақтдан эътиборан ўн кун ичida ишни тушган шикоят ёки протест билан бирга кассация инстанцияси судига юбориши;
- г) суд қарори ижросини (агар у ижро этилмаган бўлса) иш апелляция тартибида кўрилгунига қадар тўхтатиб қўйиши ва бу хусусда манфаатдор шахслар, ташкилотларни хабардор этиши.

4. Апелляция инстанция судига шикоят қилиши хуқуқининг обьекти?

- а) кассация инстанция суднинг ажримлари;
- б) қонуний кучга кирган биринчи инстанция суднинг ҳал қилув қарори;
- в) назорат инстанцияси суднинг қарори;
- г) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори.

5. Апелляция инстанциясида иш юритиш қийидаги қайси хужжаттақдим этилганида күзгатилиши мүмкін?

- а) прокурорнинг аризаси бўйича;
- б) манфаатдор шахсларнинг даъво аризалари бўйича;
- в) юқори турувчи суд органларининг қарори бўйича;
- г) апелляция шикояти бўйича.

6. Қийидаги шахслардан қайси бири апелляция шикояти (протести) бериш ва уни имзолаши ҳуқуқига эга эмас?

- а) низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар;
- б) ишда иштирок этмаган прокурор ўринбосари;
- в) ишда иштирок этган прокурор ёрдамчиси;
- г) бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида иш қўзғатган давлат бошқарув идоралари.

7. Апелляция инстанциясида иш юритиш босқичи ...

- а) апелляция шикояти (протести) биринчи инстанция судига келиб тушган кундан бошланади;
- б) шикоят апелляция суди томонидан кўришга тайёрланган кундан бошланади;
- в) иш юқори судга юборилган кундан бошланади;
- г) апелляция суди иш кўришни тайинлаган кундан бошланади.

8. Апелляция протестлари кимлар томонидан келтирилади ва имзоланади?

- а) прокурор, унинг ўринбосари ва ишда иштирок этган ёрдамчиси томонидан;
- б) прокурор ва унинг ўринбосари томонидан;
- в) прокурор ва унинг ишда иштирок этган ёрдамчиси томонидан;
- г) фақат прокурор томонидан.

9. Апелляция протести келтирган прокурор қанча муддатгача протестни тўлдириши, ўзгартириши ёки қайтариб олишига ҳақли бўлади?

- а) протест қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун муддат ичидаги;
- б) протестни кўриб чиқувчи суднинг суд мажлиси якунлангунига қадар йўл қўйилади;
- в) юқори турувчи прокурорнинг розилиги билан йўл қўйилади;
- г) протест кўриладиган суд мажлиси бошлангунига қадар.

10. Иши апелляция тартибида кўрувчи судьялар таркибини аниқланг?

- а) иш судьянинг якка ўзи томонидан кўрилади;
- б) икки нафар судьядан иборат таркибда кўрилади;
- в) уч нафар судьядан иборат таркибда кўрилади;
- г) беш нафардан кам бўлмаган таркибда кўрилади.

11. Апелляция тартибида фуқаролик шилари бўйича вилоят судларида иш кўриши муддатларини кўрсатинг?

- а) шикоят келиб тушган кундан эътиборан дархол;
- б) шикоят келиб тушган кундан эътиборан ўн кун;
- в) шикоят келиб тушган кундан эътиборан йигирма кун;
- г) шикоят келиб тушган кундан эътиборан бир ой.

12. Апелляция инстанцияси судининг қандай кўрсатмалари иши янгидан кўраётган судлар учун мажбурий?

- а) у ёки бу далилларнинг ишончлилиги ёки ишончсизлиги тўғрисидаги кўрсатмалари;
- б) бир далилнинг бошқасидан устунлиги тўғрисидаги кўрсатмалари;
- в) иш юзасидан қандай далиллар талаб қилиб олиниши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатмалари;
- г) иш янгидан кўрилганда қандай мазмунда қарор чиқариш лозимлиги тўғрисидаги кўрсатмалари.

13. Қуйидагилардан қайси бири процессуал хуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш сифатида эътироф этилади?

- а) суднинг ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;
- б) иш кўрилаётганида иш юритиладиган тилга доир қоидалар бузилган бўлса;
- в) суд татбиқ қилинмаслиги лозим бўлган қонунни қўллаган бўлса;
- г) иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаган бўлса.

28-МАВЗУ: БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИННИГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ ВА АЖРИМЛАРИ УСТИДАН КАССАЦИЯ ШИКОЯТИ БЕРИШ (ПРОТЕСТИ КЕЛТИРИШ) ВА ҚАЙТА КҮРИШ

РЕЖА:

1. Фуқаролик ишларини бўйича суднинг ҳал қилув қарорлари ва ажримларини кассация тартибида қайта кўришнинг моҳияти ва аҳамияти.
2. Кассация тартибида суднинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан шикоят бериш (протест келтириш) ва уни қайта кўриш учун асослар.
3. Кассация шикояти (протести) нинг мазмуни.
4. Кассация тартибида келтирилган протестларни кўриб ҳал қилишнинг процессуал тартиби.
5. Кассация инстанция судининг ваколатлари. Кассация тартибида қабул қилинадиган хужжатлар.
6. Кассация тартибида суд ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорларини қайта кўришни апелляция ва назорат тартибида кўришдан фарқи (объекти, субъекти, процессуал тартиби ва ваколатлари бўйича).

1-масала

Маматқурова меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш, уй-жой олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида З.Ҳамидов ва Т.Ҳамидоваларга нисбатан судга даъво билан мурожаат қилган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан Маматқулованинг даъвоси қисман қаноатлантирилиб, қонун бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳнома бекор қилинган. Даъвонинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги қисми рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг ажрими билан ҳал қилув қарорининг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишга оид қисми бекор қилиниб, Маматқуловага алоҳида даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуки тушунтирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси суди ажримининг олди-сотди шартномасига оид қисмини бекор қилиб, ишни янгидан кассация инстанцияси судида кўриш учун юборди.

Савол:

1) Кассация инстанцияси суди томонидан йўл қўйилган камчиликни аниқланг?

2) Мазкур масала қандай ҳал этилиши лозим?

2-масала

Тўракулова бир уйда яшаш имкони йўқлиги сабабли ўғли Бойзоқовни уйдан кўчиришни сўраган.

Суд даъвони қаноатлантирган.

Кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан кассация инстанцияси суди ажрими бекор қилиниб, фуқаролик иши янгидан кассация инстанциясида кўриш учун юборилди.

Суд ишни кассация тартибида кўришда, жавобгарга низоли тураржайдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақида қарши даъво билан мурожаат қилиш хукуки тушунтирилмаганлигини асос қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборган.

Савол:

1) Кассация инстанцияси судининг камчилигини аниқланг?

2) Кассация тартибида иш кўриш жараёнида тарафлардан бирида низога узвий боғлиқ қарши даъво аризаси келтириш хукуки мавжудлиги аниқланса ва бундай қарши даъво талабларини алоҳида кўриш имкони бўлмаган тақдирда масала қандай ҳал этилиши лозим?

3-масала

Артиходжаев жавобгарлар вилоят божхона бошқармаси ва Тойчибаевга нисбатан 17.440 кг. металларни рўйхатдан чиқариш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими бекор қилинди.

Аниқланишича, кассация инстанцияси суди иш юзасидан гувоҳлар сўроқ қилинмаганлигини, Артиходжаевнинг мулкдор эканлиги текширилмаганлигини, мулк қаердан, қандай баҳода ва қанча миқдорда сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ишга қўшилмаганлигини асос қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборган.

Савол:

1) Кассация инстанцияси судининг камчиликларини кўрсатинг?

2) Кассация инстанцияси судининг ваколатларини санаб беринг?

4-масала

M. вилоят молия бўлимига нисбатан қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортилганлиги натижасида етказилган моддий зарар учун 10.600.110 сўм ва маънавий зарар учун 10.000.000 сўм ундириш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилган.

Суд даъвони қисман қаноатлантириб, вилоят молия бошқармасидан *M.* фойдасига моддий зарар учун 1.267.558 сўм, маънавий зарар учун 4.000.000 сўм, жами 5.267.558 сўм ундирган.

Кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ҳал қилув қарорининг зарарни молия бошқармасидан ундиришга оид қисмини ўзgartирди.

Иш ҳужжатларига қараганда, *M.* 1995 йил 5 август куни вилоят прокуратураси томонидан ЖКнинг 80-моддаси 6,8-бандлари ва 204-моддаси 2-қисми билан (эски таҳрирда) асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилиб, 1998 йил 6 ноябрь кунига қадар эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақланган. Суд 1998 йил 6 ноябрда *M.*га нисбатан оқлов ҳукми чиқариб, қамоқдан озод қилган.

Савол:

1) Қонунга хилоф тарзда ҳукм этиш, жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф қўлланиш натижасида фуқарога етказилган зарар кимдан ундирилади ?

2) Биринчи инстанция ва кассация инстанцияси судлари мазкур иш юзасидан қандай камчиликларга йўл қўйган ?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ**1. Кассация сўзининг маъноси нима?**

- а) лотин тилида «мурожаат» маъносини англатади;
- б) инглиз тилида «ариза» маъносини англатади;
- в) француз тилида «бузиш» маъносини англатади;
- г) француз тилида «даъво» маъносини англатади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёт ҳақида”ги қарори қачон қабул қилинган?

- а) 1998 йил 17 апрел;
- б) 1998 йил 11 сентябр;
- в) 2000 йил 24 сентябр;
- г) 2001 йил 1 июн.

3. Кассация шикояти берииш (протести келтириши) муддати қанча ва у қайси кундан бошлаб ҳисобланади?

- а) ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан йигирма кун;
- б) ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан бир йил;
- в) ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил;
- г) ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан уч йил.

4. Кассация шикояти учун давлат божининг тўланмаслиги ...

- а) шикоятни қабул қилишни рад этишга олиб келади;
- б) шикоятни ҳаракатсиз қолдирилишига асос бўлади;
- в) иш кўришнинг тугатилишига олиб келади;
- г) шикоятни қаноатлантиришни рад этишга олиб келади.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди кассация шикояти бўйича келиб тушган ишини қайси муддат ичидаги кўриб чиқиши лозим?

- а) кассация шикояти келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқиши лозим;
- б) кассация шикояти келиб тушган кундан эътиборан икки ойдан кечиктирмай кўриб чиқиши лозим;
- в) кассация шикояти биринчи инстанция судига келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқиши лозим;
- г) кассация шикояти биринчи инстанция судига келиб тушган кундан эътиборан икки ойдан кечиктирмай кўриб чиқиши лозим.

6. Кассация шикояти ёки протестини олгандан сўнг биринчи инстанция суди қуйидаги қайси ҳаракатни амалга ошириши талаб этилмайди?

- а) ишга доир далилларни тўплаш мақсадида бошқа судларга суд топшириқларини юбориш;
- б) ишда иштирок этувчи шахсларга шикоят ёки протестнинг нусхаларини юбориши;

в) ишда иштирок этувчи шахсларга ишни кассация инстанциясида күриш вақти ва жойи түғрисида маълум қилиш;

г) суд қарори ижросини (агар у ижро этилмаган бўлса) иш кассация тартибида кўрилгунига қадар тўхтатиб қўйиши ва бу хусусда манфаатдор шахслар, ташкилотларни хабардор этиши.

7. Биринчи инстанция суди кассация шикояти ёки протести келиб тушган кундан эътиборан неча кунлик муддат ичида ишни тушган шикоят ёки протест билан бирга кассация инстанцияси судига юбориши шарт?

а) кассация шикояти ёки протести келиб тушган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида ишни тушган шикоят ёки протест билан бирга кассация инстанцияси судига юбориши шарт;

б) кассация шикояти ёки протести келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддат ичида ишни тушган шикоят ёки протест билан бирга кассация инстанцияси судига юбориши шарт;

в) кассация шикояти ёки протести келиб тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида ишни тушган шикоят ёки протест билан бирга кассация инстанцияси судига юбориши шарт;

г) кассация шикояти ёки протести келиб тушган кундан эътиборан йигирма кунлик муддат ичида ишни тушган шикоят ёки протест билан бирга кассация инстанцияси судига юбориши шарт.

8. Кассация шикоятига қўшилиши ҳақидаги ариза берган вақтда...

а) энг кам ойлик иш ҳақининг эллик фоизи миқдорида давлат божи ундирилади;

б) энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз йигирма фоизи миқдорида давлат божи ундирилади;

в) даъво аризаси учун тўланган сумманинг эллик фоизи миқдорида давлат божи ундирилади;

г) давлат божи ундирилмайди.

9. Кассация инстанцияси суди қўйидаги қайси ваколатга эга эмас ?

а) ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга, шикоят ёки протестни эса қаноатлантирумасликка;

б) ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни бутунлай ёхуд қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция суди ёки апелляция инстанцияси судига юборишга;

в) ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ёхуд бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва янги ҳал қилув қарори чиқаришга;

г) ФПКнинг 314-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ҳамда ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборишга ҳақли;

10. Қуидагилардан қайси бири процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши сифатида эътироф этилмайди?

- а) иш суд томонидан ғайриқонунй таркибда кўрилган бўлса;
- б) иш суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабар берилмаган шахслардан бирортасининг йўқлигига кўрилган бўлса;
- в) суд ишда қатнашишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир масалани ҳал қилган бўлса;
- г) судловлилик қоидаларига амал қилмаслик.

**30-МАВЗУ. ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН ҲАЛ ҚИЛУВ
ҚАРОРЛАРИ, АЖРИМЛАР ВА ҚАРОРЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ,
АСОСЛИ ВА АДОЛАТЛИ ЭКАНЛИГИНИ НАЗОРАТ ТАРТИБИДА
ТЕКШИРИШ**

РЕЖА:

1. Фуқаролик ишларини суд назорати тартибида суднинг ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорларини қайта кўришнинг моҳияти ва аҳамияти.
2. Назорат тартибида суднинг ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорлари устидан протест келтириш ва уни қайта кўриш учун асослар.
3. Ишни талаб қилиб олиш, ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиш. Протест келтиришга ваколатли бўлган мансабдор шахсларнинг доираси. Суд назорати тартибида ишларни қайта кўриш ваколатига эга бўлган шахсларнинг протестини қайтариб олиш тартиби.
4. Назорат тартибида келтирилган протестларни кўриб ҳал қилишнинг процессуал тартиби. Назорат инстанция судининг ваколатлари.
5. Назорат тартибида суд ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорларини қайта кўришни апелляция ва кассация тартибида қайта кўришдан фарқи (объекти, субъекти, процессуал тартиби ва ваколатлари бўйича).

1-масала

Норқулова уй-жой олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш тўғрисида Маматқуловга нисбатан судга даъво билан мурожаат қилган.

Суд даъвони қаноатлантирган.

Кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборди.

Ишга оид хужжатларга қараганда, низоли уй Маматқуловнинг номига расмийлаштирилганлиги сабабли, зеро низоли уй никоҳ давомида олинган бўлсада, ишга Маматқуловнинг хотини Авазова жалб қилинмаган.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция ва кассация инстанцияси судининг камчилклари нимадан иборат?**
- 2) Суд қарорларини назорат тартибида бекор қилиш учун нима асос бўлади?**

2-масала

Э. уйга эгалик ҳуқуқини белгилаш ва ворислик тўғрисидаги гувоҳномани қисман ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида *A.,B.,B.* ва *Г.*ларга нисбатан даъво билан судга мурожаат қилган.

Суд мазкур низоли ишни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг мол-мулкни бўлишга доир моддаларини қўллаган ҳолда Э.нинг даъвосини рад қилган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриб чиқиши учун юборган.

Вилоят суди раёсати апелляция инстанцияси судининг ажримини бекор қилиб, ҳал қилув қарорини кучида қолдирган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2002 йил 28 июнда вилоят суди раёсати қарорини бекор қилиб, апелляция инстанцияси ажримини кучида қолдирди.

Аниқланишича, Э. билан *M.* қонунда белгиланган тартибда никоҳ тузмасдан 16 йил давомида умумий рўзғор юритиб, яшаш даврида низоли уйни сотиб олишган ва биргаликда қўшимча иморатлар қуришган.

Савол:

- 1) Биринчи инстанция судининг камчиликларини кўрсатинг?**
- 2) Мазкур иш янгидан кўриб чиқилиши жараёнида суд иш юзасидан қайси ҳолатларни аниқлаши лозим бўлади?**

3-масала

Ш. судда Э.га нисбатан даъво билан мурожаат этиб, "Дўстлик" жамоа хўжалигига жойлашган 0,06 га ер участкасини хўжалик бинолари билан тегишли тартибда расмийлаштирумасдан сотиб олганлигини кўрсатиб, ушбу олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топишни сўраган.

Суд *Ш.*нинг даъвосини рад этган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, иш бўйича янги қарор чиқарган. Унга кўра *Ш.* ва Э. лар ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси ҳақиқий деб топилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2002 йил 3 май куни апелляция инстанцияси судининг ажримини бекор қилиб, ҳал қилув қарорини кучида қолдирган.

Назорат инстанцияси суди ўз қарорини *Ш.* 0,06 га ер участкасини Э. дан 200.000 сўмга сотиб олган бўлиб, унда қонунда белгиланган тартибда қурилиб, рўйхатдан ўтказилган иморатлар мавжуд бўлмаганлигини ва бу ҳолда ер участкаси қонунга мувофиқ олди-

сотди шартномасининг предмети бўла олмаслиги билан асослаган.

Савол:

- 1) Назорат инстанцияси судининг қарори асослими?**
- 2) Мазкур масла қандай ҳал этилиши лозим?**

4-масала

Ташкилот судга даъво билан мурожаат қилиб, **И.** билан **Б.** ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиб, **Б.** ни уйдан мажбурий кўчиришни сўраган.

Суд даъвони қаноатлантириб, **И.** билан **Б.** ўртасидаги олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиб, **Б.** ни мажбурий тартибда низоли уйдан кўчиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2002 йил 19 апрелда суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриб чиқиш учун юборди.

Иш хужжатларига қараганда, низоли уй 1990 йилда **И.** га фойдаланиш учун берилган, у ушбу уйни 2000 йилда ўз номига хусусийлаштириб олган ва нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан **Б.** га сотган.

Назорат инстанцияси суди ишда низоли уй хизмат тураг-жойи эканлигини тасдиқловчи хужжат мавжуд бўлмаганлигини кўрсатиб, биринчи инстанция суди факат даъвогарнинг кўрсатмаларига асосланиб, уйни хизмат тураг-жойи деб топиб, даъвони асосиз қаноатлантирган деган хulosага келган.

Савол:

- 1) Назорат инстанцияси судининг қарори асослими?**
- 2) Мазкур масала қандай ҳал этилиши лозим?**

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

1. Назорат тартибида иш юритиши қайси хужжамат тақдим этилганида қўзгатилиши мумкин?

- а) прокурор ва давлат бошқарув органларининг хусусий шикоятлари;
- б) тарафларнинг кассация шикоятлари;
- в) қонунда кўрсатилган мансабдор шахсларнинг назорат протестлари;
- г) прокурорнинг апелляция протести.

2. Назорат протестини келтириши тўғрисида тегишили мансабдор шахсларга нисбатан манфаатдор шахсларнинг ариза бериши муддати қанча?

- а) суд ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил;
- б) суд ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч йил;
- в) суд ҳал қилув қарори чиқарилган кундан бошлаб уч йил;
- г) ариза бериш учун муддат белгиланмаган.

3. Қонуний кучга кирган суд қарорлари устидан протест келтириши тўғрисидаги аризалар қайси муддатларда кўриб чиқлади?

- а) ариза 10 кун муддатда кўриб чиқилиши керак;
- б) ариза 20 кун муддатда кўриб чиқилиши керак;
- в) ариза бир ой муддатда кўриб чиқилиши керак;
- г) ариза уч ой муддатда кўриб чиқилиши керак.

4. Кўйида кўрсатилган қайси шахслар назорат тартибида протест келтириши ваколатига эга?

- а) даъвогар ва жавобгар шахслар;
- б) туман прокурори;
- в) Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раисининг ўринбосари;
- г) Вилоят прокурори вазифасини вақтинча бажарувчи прокурор.

5. Кўйида кўрсатилган қайси шахслар назорат тартибида протест келтириши ваколатига эга эмас ?

- а) биринчи инстанция судида иштирок этган туман прокурори;
- б) Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг раиси;
- в) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори;
- г) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари.

6. Назорат тартибидағи протестни тўлдириши, ўзгартиришига қачонгача йўл қўйилади?

- а) протест кўриладиган суд мажлиси бошлангунча қадар;
- б) протест қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун муддат ичида;
- б) протестни кўриб чиқувчи суднинг суд мажлиси якунлангунига қадар йўл қўйилади;
- г) бундай ҳаракатлар қилинишига умуман йўл қўйилмайди.

7. Назорат тартибида протест келтириши ҳукуқи берилган қўйидаги қайси мансабдор шахс суд қарорларининг ижросини тўхтатиб туриши ваколатига эга эмас?

- а) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси;

- б) Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари;
 в) Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раиси;
 г) Ўзбекистон Республикаси Бosh прокурори.

8. Назорат тартибида протест келтириши ҳуқуқи берилган мансабдор шахс қайси тоифадаги ишлар юзасидан чиқарилган суд ҳал қилув қарорларининг ижросини тўхтамиб туришга ҳақли эмас?

- а) турар-жойдан кўчириш тўғрисида чиқарилган ҳал қилув қарорлари;
 б) судда иш кўриш вақтида жавобгар даъвони бутунлай ёки қисман тан олганлигига қараб, тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилган талблар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари;
 в) никоҳдан ажратиш тўғрисида чиқарилган ҳал қилув қарорлари;
 г) мулкни рўйхатдан чиқариш тўғрисида чиқарилган ҳал қилув қарорлари.

9. Куйида кўрсатилган қайси шахслар назорат тартибида протест келтиришга асос бор-йўқлиги масаласини ҳал қилиши учун судлардан фуқаролик ишини талаб қилиб олишга ҳақли бўлмайди?

- а) Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари;
 б) Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раиси;
 в) туман ва шаҳар прокурорлари;
 г) ишда иштирок этган туман прокурорининг ўринбосарлари.

10. Куйидаги ҳуқуқлардан қайси бири назорат инстанцияси судининг ваколатларига тааллуқли эмас?

- а) ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни ўзгаришсиз, протестни эса қаноатлантирмай қолдиришга;
 б) ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни бутунлай ёхуд қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция суди ёки апелляция ёхуд кассация инстанцияси судига юборишга;
 в) ҳал қилув қарорини, ажрим ёхуд қарорни бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва иш юритишни тугатишга ёхуд аризани кўрмасдан қолдиришга;
 г) ФПКнинг 314-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ҳамда ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборишга ҳақли.

31-мавзу: Суд қарорларининг ижроси

РЕЖА:

1. Суд қарорларини ижроси фуқаролик жараёнининг муҳим босқичи эканлиги. Суд қарорларини мажбурий ижро қилишниниг аҳамияти ва уни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилиши.

2. Мажбурий ижро қилувчи идоралар. Ижро ишларини юритишда суднинг тутган ўрни.

3. Ижро ишларини юритишда тарафлар, уларнинг процессуал ҳуқуқ ва бурчлари. Ижро ишларини юритишда ундирувчи, қарздор ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ижрочининг ҳаракатлари.

4. Мажбурий ижро қилишга тегишли хужжатлар. Ижро хужжатларнинг турлари ва уларнинг ҳуқуқий аҳамияти. Ижро варағи ва уни бериш тартиби. Ижро варағининг нусхаси.

5. Ижро хужжатларини мажбурий ижрога бериш муддати. Бу муддатнинг узилиши ва тўхталиши. Суд қарорлари ва бошқа актларни ижро қилиш бўйича ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тартиби.

6. Ижро ишларини юритишининг умумий қоидалари. Ижро хужжатларини ундиришга қаратиш. Ижро ҳаракатларини юритиш вакти. Ижрони ихтиёрий бажариш учун белгиланган муддатлар. Ижро ишларини юритиши тўхтатиш ва тугатиш. Ижро ҳаражатлари.

7. Ундиришнинг қарздорнинг мулкига қаратиш. Қарздорнинг мулкини аниқлаш ва уни хатлаш. Ундиришга қаратилмайдиган мулклар. Хатланган мулкни сотиш. Ундиришни учинчи шахслардаги қарздорнинг мулкига қаратиш. Ундиришиликни иморатга қаратиш (уй-жой). Ундиришни иш хакига, пенсия ва стипендияга қаратиш. Ундиришни фуқароларнинг жамғарма банкларидаги маблағларига қаратиш.

8. Ундиришни бюджетда турган ташкилотларга нисбатан қаратиш ва унинг процессуал хусусиятлари.

9. Ундирилган суммани ундирувчилар ўртасида тақсимлаш. Жавобгарни айрим мулкларини қайтариб бериш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарорининг ижроси. Мулкни қайтариб бериш билан боғлиқ бўлмаган, бироқ қарздорни айрим ҳаракатларни бажаришга мажбур қилувчи ҳал қилув қарорининг ижроси.

10. Алимент ундириш тўғрисидаги қарорларни ижро қилиш хусусиятлари. Уй-жойдан кучириш тўғрисидаги ишлар бўйича суд чиқарган ҳал қилув қарорини ижро қилиш хусусиятлари.

11. Мехнатга оид ишлар бўйича ҳал қилув қарорини ижро қилиш хусусияти.

12. Суд ҳукмини ундиришга оид қисми бўйича ижро қилиш

тартиби.

13. Ижро қилинган суд ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорларини қайтарма ижроси.

1-масала

Қ.Ёрбобоев қарз суммасини ундириш ҳақидаги даъво талаби билан жавобгар Ш.Жумановага нисбатан фуқаролик ишлари бўйича Темирйўл туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қиласди. Туманлараро суднинг 2003 йил 8 январдаги ҳал қилув қарорига асосан Қ.Ёрбобоевнинг қарз суммасини ундириш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантирилган. Ушбу суд қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Темирйўл тумани суд ижроисининг 2003 йил 10 февралдаги далолатномасига асосан низоли уй рўйхатга олинган ва 2003 йил 4 мартағи суд—бинокорлик экспертизасининг хulosасига кўра, Самарқанд шаҳар, А.Икромов кўчаси, 141-уй, 36-хонадон нархи 2.151.058 сўм деб баҳоланган.

Ўз навбатида Ш.Жуманова жавобгарлар Қ.Ёрбобоев ва Темирйўл тумани суд ижроилари бўлинмасига нисбатан судга даъво билан мурожаат қилиб, фуқаролик ишлари бўйича Темирйўл туманлараро судининг 2003 йил 8 январдаги ҳал қилув қарорига асосан низоли Самарқанд шаҳар, А.Икромов кўчаси, 141-уй, 36-хонадон суд ижроисининг далолатномасига асосан рўйхатга олингандигини, бутурар жойда икки нафар фарзанди билан яшаб келаётганлиги ва бошқа турар жойи йўқлигини кўрсатиб, уй-жойни рўйхатдан чиқаришни сўраган.

Қ.Ёрбобоев судга қарши даъво келтириб, Ш.Жумановани уйдан кўчиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Темирйўл туманлараро судининг 2003 йил 15 майдаги ҳал қилув қарори билан Ш.Жуманованинг даъвоси қаноатлантирилган. Қ.Ёрбобоевнинг қарши даъвоси рад қилинган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг судлов ҳайъати 2003 йил 10 июндаги ажрим билан суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилган. Қ.Ёрбобоевнинг қарши даъвосини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарган.

Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди раёсати 2004 йил 30 январдаги қарори билан апелляция инстанциясининг ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриб чиқиш учун апелляция инстанцияси судига юборган.

Савол:

1) Мазкур ишни биринчи инстанция тариқасида кўрган туманлараро суднинг 2003 йил 8 январдаги ҳал қилув қарори ҳамда ишни апелляция тартибида кўрган вилоят судининг ажрими қонунийми?

2) Мазкур ишни апелляция тариқасида кўрган суд иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қандай ҳолатларни аниқлаши лозим эди?

3) Мазкур масалани ҳал қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси "Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунида қандай кўрсатмалар берилади?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиши тўғрисида"ги қонуни қаҷон қабул қилинган?

- а) 2000 йил 14 август;
- б) 2000 йил 14 декабр;
- в) 2001 йил 1 июн;
- г) 2001 йил 29 август.

2. Ижро ишида тарафлар сифатида...

- а) даъвогар ва жавобгар иштирок этади;
- б) ундирувчи ва қарздор иштирок этади;
- в) кредитор ва қарздор иштирок этади;
- г) ундирувчи ва жавобгар иштирок этади.

3. Куйидагилардан қайси бири ижро хужжати ҳисобланмайди?

- а) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари;
- б) суд томонидан берилган ижро хати;
- в) суд буйруқлари;
- г) меҳнат низолари комиссияси томонидан берилган гувоҳнома.

4. Ижро хужжатида қуйидаги қайси ҳолат кўрсатилиши талаб этилмайди?

- а) ижро хужжатини берган суднинг номи;
- б) ҳал қилув қарорининг хулоса қисми (сўзма-сўз);
- в) ижро варақасининг берилган вақти;
- г) ундирувчи ва қарздорнинг ўзаро шахсий муносабатлари.

5. Суд ижрочиси томонидан ижро ишини юритиши...

- а) ижро хужжати келиб тушган кундан эътиборан дархол қўзғатилади;
- б) ижро хужжати келиб тушган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмасдан қўзғатилади;
- в) ижро хужжати келиб тушган кундан эътиборан беш кундан

кечикирмасдан қўзғатилади;
 г) ижро ҳужжати келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечикирмасдан қўзғатилади.

6. Ижро ишларини юритши...

- а) беш кунлик муддат ичида тамомланиши лозим;
- б) ўн кунлик муддат ичида тамомланиши лозим;
- в) бир ойлик муддат ичида тамомланиши лозим;
- г) икки ойлик муддат ичида тамомланиши лозим.

7. Ижро ишини тўхтатишнинг мажбурий асосини кўрсатинг?

- а) қарздорнинг ночорлиги (банкротлиги) тўғрисидаги иш бўйича хўжалик суди томонидан иш юритиш қўзғатилганда;
- б) суд ижрочиси ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатини тушунтириб бериш тўғрисида ижро ҳужжатини берган тегишли судга ёки бошқа органга ариза билан мурожаат қилганда;
- в) қарздор узок хизмат сафарида бўлганда;
- г) қарздор стационар даволаш муассасасида даволанаётганда.

8. Куйидаги қайси ҳолларда ижро ишини юритши тўхтатиб турилиши мумкин ?

- а) агар суд томонидан аниқланган ҳукуқий муносабат ҳукуқий ворисликка йўл қўйса, қарздор вафот этганда, у вафот этган деб эълон қилинганда ёки бедарак йўқолган деб топилганда;
- б) қарздор муомала лаёқатини йўқотганда;
- в) ижро ҳужжати бўйича ундирув қаратилган мол-мулкни рўйхатдан чиқариш (хатлашдан озод қилиш) тўғрисида судга даъво аризаси берилганда;
- г) суд ижрочисининг ҳаракатлари устидан ёки унинг иштирокини рад этиш қаноатлантирилмаганлиги юзасидан шикоят берилганда.

9. Куйидагилардан қайси бири ижро иши юритишни тугатиш асосларига мансуб эмас?

- а) ундирувчи ундирувдан воз кечганда, агар воз кечиши суд томонидан қабул қилинган бўлса;
- б) ундирувчи ва қарздор ўртасида суд томонидан тасдиқланган келишув битими тузилганда;
- в) ижро ҳужжати бўйича ундирув қаратилган мол-мулкни рўйхатдан чиқариш (хатлашдан озод қилиш) тўғрисида судга даъво аризаси берилганда;
- г) ижро ҳужжатини беришга асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа

органнинг ҳужжати ёхуд қонунга кўра ижро ҳужжати ҳисобланадиган ҳужжат бекор қилинганда.

10. Кўйидагилардан қайси бири мажбурий ижро этиши чоралари сифатида эътироф этилмайди?

- а) мол-мулкни хатлаш ва уни реализация қилиш йўли билан ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш;
- б) ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига ва пул маблағларига қаратиш;
- в) ундирувни қарздорнинг иш ҳақи, стипендияси, пенсияси ва бошқа турдаги даромадларига қаратиш;

11. Қарздорнинг хатланган мол-мулкини реализация қилиши қанча муддат ичida амалга оширилади ?

- а) хатланган кундан бошлаб бир ой ичida уни сотиш йўли билан;
- б) хатланган кундан бошлаб икки ой ичida уни сотиш йўли билан;
- в) ижро ишини юритиш бошланган кундан эътиборан икки ой ичida уни сотиш йўли билан;
- г) ижро ишини юритиш бошланган кундан эътиборан уч ой ичida уни сотиш йўли билан.

12. Қарздор юридик шахснинг биринчи навбатда қайси мол-мулки хатланиши ва реализация қилиниши лозим ?

- а) ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайдиган мол-мулклари (қимматли қофозлар, қарздорнинг депозитдаги ва бошқа ҳисобварақларидаги пул маблағлари, валюта бойликлари, енгил автотранспорт, офис дизайнни ашёлари ва бошқаларга);
- б) тайёр маҳсулот (товарлар), шунингдек ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайдиган ва бевосита қатнашишга мўлжалланмаган бошқа моддий қимматликлар;
- б) кўчмас мулк обьектлари;
- в) хом ашё ва материаллар, дастгоҳлар, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқаришда бевосита қатнашишга мўлжалланган бошқа асосий воситалар.

